

Н. Охунов, Ю. Аҳмадалиев

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
ОЙКОНИМЛАРИНИНГ
НОМЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Н. Охунов, Ю. Аҳмадалиев

ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ ОЙКОНИМЛАРИНИНГ НОМЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

«Фарғона» нашриёти,
2010 йил

сақлаш, муҳофаза қилишга ҳам беvosита тааллуқлидир. Ўлкамиз ҳудудидagi топонимлар тил хусусиятлари ва жойларни номлаш талабларига қайси даражада жавоб беришига кўра 2 гуруҳга: табиий, яъни халқона номлар; расмий, яъни сунъий топонимларга ажралади.

Таниқли номшунос олим профессор Эрнст Бегмагов тўғри таъкидлаганидек, табиий, яъни халқона номлар ўзбек тилида асрлар давомида стихияли равишда пайдо бўлган топонимлар бўлиб, уларнинг ижодкори халқдир. Бундай топонимларнинг аксарияти қадимий даврлардаш шу кунларга қадар тарих синовларидаш ўтган, синлиқланиб, қисқа ва лўнда сўзлар шаклида келган, миллий тил топонимлик тизимининг талабларига мослашган атоқли отлардир. Табиий топонимларда халқнинг донолиги, ном кўйишлагги ўзинга хос санъати яққол сезилиб туради.

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавийт — енгилмас куч” асарига ўтмиш даврлар дарақчиси бўлимиш халқона топонимларнинг аҳамиятига алоҳида диққат қилишга, бу хусусда муҳим фикрлар баён этилган. Муҳтарам Президентимиз ёзганларидек, “аждодларимиз ўзлари янайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-хиябонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган... Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Партабоф сингари маҳалла номлари бу ерда ҳунармандчилик нақадар ривожланганлигидан, халқимизнинг азадан ўтроқ ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлишлагидан далолат беради”.

Қадимий, халқона топонимларнинг бир гуруҳини урув, қабила, қавм номлари — этнонимлар асосида вуқудга келган жой номлари ташкил этади. Ўлкамиздаги, шу жумладан, Фарғона вилояти ҳудудидаги Жалобир, Урғанжи, Найман, Дўрмон, Маняг, Қашқар, Кешатас, Қиғчоқ

2 Каримов И. Юксак миллавийт—етилмас куч.—Тошкент: “Мавнавийт”, 2008. —Б.92.

Араб, Хитой, Телов, Минглар, Қирқлар, Қулчи, Юзлар, Ўйрот, Бағиш, Қатогон каби қишлоқ номлари шулар жумласига киреди. Шушишдек, ўсимликлар дунёсини ўзига мужассамлаштирган Янкатут, Миштут, Толқинишлоқ, Қатортол, Тўптол, Ғўмайли, Юлғузвор, Шувоқзор; тоифа, гуруҳ номлари асосида пайдо бўлган Эшонқишлоқ, Эпонузар, Эшонгўли, Сўфиқишлоқ, Хўжақишлоқ, Бекобод, Белвачча; объектнинг жойлашган ўрнига кўра номланган Соёбўйи, Ариқбоши, Ариқбўйи, Булоқбоши, Тегирмонбоши, Кўчаюзи, Канадбўйи; жойнинг рельеф хусусиятини акс эттирувчи Жарқишлоқ, Жарқўрғон, Айланмажар, Тенақўрғон, Чуқурқишлоқ, Чуқурмаҳалла; ернинг тушроқ таркибини акс эттирувчи Қумқишлоқ, Қуммаҳалла, Шўроқер, Шўрқишлоқ, Шўрмаҳалла сингари топонимлар тарихий номлар саналиб, булар халқимизнинг ном кўйишдек назик масалаларга алоҳида эътибор билан қараганликларидан далолат беради.

Аmmo таасуфлар бўлинки, шўролар даврида халқона номларга умуман эътиборсизлик билан қаралиш, миллий руҳини акс эттирувчи юзлаб, минглаб тарихий топонимлар худутилишга маҳкум этилди. Буларнинг ўрнини қандайдир чучмал, маъно ва мазмунсиз номлар эгаллади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, жой номларига мувосабат тубдан ўзгарди. Топонимия масалаларига давлат миқёсида аҳамият берила бошлади. Мамлакатимизнинг барча вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузурида топонимик комиссиялар тузилди. Комиссиялар номларни тартитбга солиш, тарихий топонимларни тиклаш, янги номлар яратиш каби масалалар бўйича бир қатор ишларни амалга оширдилар.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон давлати ўз топонимик сиёсатини аниқ белгилаб олди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 майда “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартитбга солиш тўғрисида”ги махсус қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида

Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объекتلарга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси тузилди. 1996 йил 30 августда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий тuzилиши, топонимик объекتلарга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартриш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Қонуни ҳамда 2004 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объекتلарга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида"ги 383-қарори қабул қилинди. Хукуматнинг қайд этилган ушбу тарихий ҳужжатлари асосида жойларда кўп амалий ишлар қилинишига эришилди.

Миллий истиқлол йиллари давомида республикамизнинг вилоят, шаҳар, туманларида эски тузум мафкураси билан боқлиқ бўлган, мустамакана даври юзларини тартиб қилувчи, ҳеч қандай миллий маъно, хусусият касб этмайдиган номлар билан аталиб келинган юзлаб кўчалар, маҳаллалар, гузарлар номлари фуқароларнинг таълиф ва мулоҳазалари асосида маҳаллий шaroитларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартрилди. Бир қанча туманлар, шаҳарларнинг тарихий, қадимий номлари тикланди. Фарғона вилоятидаги Бешарик, Даяғара, Учкўприк туманларининг номлари ана шундай қайта исъёмолга киритилган топонимларга яққол мисол бўла олади.

Юртбошимиз ўз асарларида мана шундай тарихий номларни тиклаш борасида қилинаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўташлар. Кейинги йилларда пойтахтимизда миллий тарихимизга бегона бўлган, исма, сиёсий номлар ўрнига Миробод, Ракат, Мингўрик, Дархонариқ, Шайхонтохур, Яккасарой, Зарқайнар, Учтепа каби асл номларнинг тикланганлигини, энг муҳими, бундай ишлар мамлакатимизнинг барча минтақа ва худудлари миқёсида амалга оширилаётганлигини таъкидлаб кўрсатганлар.

Истиқлол йилларида кўплаб топонимик объекتلарга миллий руҳ бағишлаш мақсадида янги номлар берилди.

Уларнинг айримлари шарқнинг буюк алломалари — Аҳмад Фароний, Замахшарий, Маҳмуд Қотарий, Бурҳониддин Марвоний, Имом Исмоил Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нақмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Хўжа Аҳрор. Али Қўшчи; она-юрт учун жонини фидо қилган буюк саркардалар — Спитамен, Муқанна, Жалолддин Маншуберди, Темур Малик, Амир Темур номлари билан атала бошланди.

Бундан ташқари, янги номлар — неогонимлар орасида истиқлол кишиларининг овоз ва тупуш турмушини, бахтли ҳаётини, орзу-истакларини, иштигишларини ифодаловчи топонимлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Истиқлол, Элобод, Гўлобод, Иқбол, Наврўз, Яшиҳаёт, Навнихол, Зибкўр, Мустақиллик, Фидойилар, Гулбаҳор, Бўстон, Навбаҳор, Ёшларобод, Дўстларобод, Тараққиёт, Қамолот, Маърифат, Дўстлик, Саховат, Аҳиллик, Жасорат, Адолат, Бирдамлик, Шодлик, Хурият, Ихлос деб аталувчи қишлоқ, маҳалла ва кўчалар буларга ёрқин мисолдир.

Хуллас, жой номлари — Ватанимиз кўрки, юргимиз жамолдир. Уларни ўрганиш, муҳофаза қилиш ва келажак авлодга етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Топонимика география, тарих, этнография билан chambarchас алоқада ривожланади. Топонимия тил тарихи (тарихий лексикология, диалектология, этимология ва б.)ни тадқиқ этишда муҳим маъна ҳисобланади, чунки баъзи топонимлар (айниқса, гидронимлар) архаизм ва диалектизмлари ўзгартирмасдан барқарор сақлаб қолади. Кўпинча муайян ҳудудда яшаган халқларнинг субстрат тилларига бориб тақалади. Топонимика халқларнинг тарихий ўтмиши ҳусусиятларини жоқландиришга, уларнинг жойлашини чегараларини белгилашга, тилларнинг ўтмишдаги тарқалиш ҳудудларини, маданий ва иқтисодий марказлар, савдо йўллари географиясини тавсифлашга ёрдам беради. Топонимларнинг амалий транскрипцияси, уларнинг дастлабки асосга кўра ҳамда бир хил ёзиллиши, бошқа тилларда бериллиши топонимиканинг амалий жиҳати ҳисобланади.

Топонимлар йирик ёки майда объектларнинг номлари эканлигига қараб макротопонимлар ва микротопонимларга ажратилади: макротопонимлар — кенг ҳудудлар, катта объектлар (материклар, океанлар, тоғлар, дўллар, дарёлар, шаҳарлар, қишлоқлар ва ҳ.к.)нинг атоқли отлари, микротопонимлар — кичик объектлар (жарликлар, тепаликлар, қудуқлар, кўчалар, кўрғонлар ва ҳ.к.)нинг атоқли отлари. Лекин топонимларни бундай тасниф қилиш шартли, чунки кўпинча макротопоним билан микротопонимни фарқлаш қийин.

Турли хил географик объектларни атовчи номларнинг категорияларига мувофиқ равишда топонимиканинг қўйидаги бўлимлари ажратилади: гидронимика — сув ҳавзалари: дарё, кашал, сой, ариқ, булоқ, кўл қабиларнинг номларини ўрганувчи соҳа; ойконимика — аҳоли яшаш масканлари ва уларнинг қисмлари: қишлоқ, маҳалла, тузар, кўча, овул, кўрғон номларини ўргашувчи соҳа; оронимика — ер юзасининг рельеф шакллари: тоғ, дўққи, қоя, қир, тала, дия, жар номларини текширадиган соҳа; урбанонимика — шаҳар ичдаги ҳар қандай объектлар номларини ўрганувчи соҳа; космонимика — ердан

ТОПОНИМИКА — ЖОЙ НОМЛАРИНИ ЎРГАШУВЧИ СОҲА

Топонимика (топонча *topos*—жой ва *onyma*—исм, ном) — ономастиканинг жой номлари (географик атоқли номлар)ни, уларнинг пайдо бўлиши ёки яратилиш қонуниятларини, ривожланиш ва ўзгаришини, тарихий-этимологик манбалари ва грамматик ҳусусиятларини, уларнинг тузилишини, тарқалиш ҳудудлари ҳамда аталлиш сабабларини ўргашувчи бўлими. Муайян бир ҳудуддаги жой номлари маъмуи — топонимия, алоҳида олишган жой номи эса топоним деб аталади. Топонимлар ҳам тил лексикасининг бир қисми сифатида бошқа ҳамма сўзлар сингари тил қонуниятларига бўйсунмади, лекин ўзининг пайдо бўлиши ва баъзи ички ҳусусиятлари жиҳатидан жамиятнинг қудалик моддий ва маънавий ҳолати, иқтисодий турмуши, орзу ва интилишларига алоқадор бўлиб, маълум даражада бошқа гуруҳ сўزلардан фарқ қилади. Шу билан бирга топонимларда миллий тилимига хос бўлган қадимий фонетик, лексик ва морфологик элементлар кўпроқ сақланган бўлади. Жойнинг табиий географик шароити (рельеф, сувлик...), аҳолининг этник таркиби, кишиларнинг касби ва машғули, қизилма бойликлар, тарихий шахслар ва воқеалар топонимлар вужудга келишининг асосий манбалари ҳисобланади.

ташқаридаги объектлар (осмон жисмлари) номларини ўргашувчи соҳалар кирadi.

Топонимлар қадим замонлардан бери ишсонларнинг ижтимоий фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб келган. Ҳтмиш даврлар дарақчиси бўлган жой номларини ўрганиш жуда қадимдан бошланган. Олимлар Марказий Осиё, жумляган, Ўзбекистондаги топонимлар тўғрисида муҳим маълумотларни ёзиб қолдирганлар. IX-XI асрлардаги араб географларидан ибн Хордадбех, Истахрий, Муқаддасий, Ал-Масъудий, XIII асрда яшаган Ёқут Ҳамавийнинг асарларида Марказий Осиё топонимияси ҳақида бой материаллар мавжуддир. Буюк аждодларимиздан Наршахий, Беруний, Маҳмуд Қошарий асарлари ҳам топонимика учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Номаълум муаллиф томонидан ёзилган "Худуд ул-олам" (X аср) асарига ҳозирги Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ерлари мукаммал тасвирланган. Мовароуннаҳр ва унинг шаҳарлари, чунончи, Бухоро, Фароб, Пайкент, Самарқанд, Кеш, Кармина, Термиз, Зомин, Йўлзах, Фарғона, Ахсиқат, Сўх, Қубо (Қува), Шош, Хива, Ўш, Ўзганд ҳақида ажойиб маълумотлар келтирилган. Хусусан, Фарғона, Ахсиқат, Сўх хусусида пундай фикрлар бор: "Фарғона — улур, обод ва жуда кўркам вилоятдир. Унинг тоғлари, текис жойлари, оқар сувлари ва шаҳарлари кўп. Бу — Туркистоннинг дарвозасидир. Тоғларида мис, симоб каби дори тошлар кўп". Ахсиқат — Фарғонанинг пойтахти, амирнинг қароргоҳи. Бу катта шаҳардир. Қасарт (Сыр) дарёси лабида". "Сўх — тоғлар орасида. Буттамои билан Фарғона четарасидаги жой, 60 та қишлоғи бор".

Машҳур тилшунос олим Маҳмуд Қошарий яратган "Девону луватит турк" асарининг топонимика фани учун аҳамияти бениҳоя каттадир. Асарининг матида ва картасида жуда кўплаб жой номлари — мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, доvon, денгиз, кўл, дарё ва бошқаларнинг номлари тилга олиб ўтилган. Девон учун тузилган индекс луватда 82 та шаҳар ва қишлоқ номи, 68 та мамлакат,

вилоят, водий, яйлов, жарлик, тепалик, доvon ва йўл номлари, 25 та денгиз, кўл, дарё, сой номлари келтирилган. Самарқанд, Хўжаанд, Кубо, Косоя, Марғилон, Хўзор, Қарноқ, Сайрам, Ёркенд, Шоп (Тошканд) сингари шаҳар номлари зикр этилган. Тошкент, Самарқанд, Арғу, Байрам куми, Қош ўкуз, Бешбалиқ, Янгибалиқ топонимларининг маъноси изоҳланган.

"Девон" да 78 та уруғ, қабила, халқ номлари — этнонимлар қайд қилинган. Булар этнонимлар асосида вужудга келган топонимларни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Чунончи, асарда учровчи ўкузларнинг 22 та уруғидан баъзилари, хусусан, афшар, бағт, жуводлор, ба-жанақ этнонимлари бугунги кунда Хоразм воҳасида топонимлар сифатида сақланиб қолган.

"Девону луватит турк" асарида географияга оид турли халқ атамаларини учратиш мумкин. Уларнинг баъзилари ҳозирда айрим топонимлар таркибида сақланиб қолган. Орт (тоғ тешаси, доvon), ўзук (ердан сирқиб чиқиб, ховузга айланган сув, сизот сув), туз (туғри, текис ер), ёр (сув ўйиб кетган чуқур ер, жар), ёзи (бўшлиқ, очқилмик), сирт (иччик тела), қайр (юмшоқ тудроқли ер, қумлоқ) атамалари асосида вужудга келган Музорт, Айиқорт, Оточорт, Оқорт, Қорасорт, Қизилорт, Қайиорт (Қирғизистонда), Қораўзақ, Кўкўзақ, Тикўзақ, Қичкўзақ, Есимўзақ (Хоразм ва Қарақалпоғистонда), Тузқир (Хоразмда), Тузбел (Самарқанд вилоятида), Тузопув (Қирғизистонда), Ёртча, Ёркўрғон, Ёртаги, Ёркўза, Ёрбоши, Қўйтанёр, Оқёр, Ёрқинлоқ (Наманган ва Алчиқон вилоятларида), Оқёзи, Сарийёзи (Фарғона вилоятида), Қорасирт, Каттасирт (Қашқадарё вилоятида), Ордақайир, Тумашқайир, Қиблақайир (Хоразм вилоятида) топонимлари шулар жумласига кирadi.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур "Бобурнома" асари жой номлари ва уларнинг тарихини ўрганишда ноёб манбалардан ҳисобланади. Унда мишдан ортиқ географик ном келтирилиб, таъриф ва тавсиф бериб ўтилган. Фарғона тўғрисида Бобур қўйидагиларни ёзди:

"Фаргона вилояти бешинчи иқлимшндур. Маъмуранинг занорасига воқия бўлбтур. Шарқи Қошғар, гарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолда агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли: Олмолик ва Олмоту ва Янги ким, кутубларда ўтроркегт битурлар... Мухтасар вилоятдур, ошлиқ ва меваси фаровон. Гирдогиди тоғ воқеъ бўлбтур. Гарби тарафшаким, Самарқанд ва Хўжанд бўлмай, тоғ йўқдур. Ушбу жонибтин кўш ёни исла олмас" (59-60-бетлар).

Бобур Фаргона тўғрисида юқорида айтилган фикрлар билан чегараланиб қолмайди, балки бу вилоятда 7 та шаҳар борлигини, булардан 5 таси Сайхун (Сардарё)нинг жанубига, 2 таси шимол қисмига жойлашганлигини қайд этади. 7 та шаҳарнинг ҳаммасини — Андижон, Ҳш, Марғилон, Исфара, Хўжанд, Қандибодом, Ахсини бирма-бир тилга олиб ўтади. Андижонни "Фаргона вилоятининг илтифатидур. Опшлиги вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми ахши бўлур... Уч дарвозаси бор... Тўққиз тарнов сув кйрар. Эли турқлур..." (60-бет), — дея махш этса, ўзини "ҳавоסי хўб ва оқар суйи фаровондур" (60-бет), Марғилонни "... пур неъмаг; анори ва ўрути асри кўш хўб бўлур" (61-бет), Хўжандни "... овломи ва кушлови бисёр яхшидир. Оқ кийик, бугумарал, қирговул ва торушқони кўш бўлур" (62-бет), — деб таърифлайди.

"Бобурнома" да шаҳар, кўржон, вилоят, мамлакатларга юқоридати сингари қисқа, лекин маъмуни таъриф бериш жуда кўш ўришларда учрайди.

"Бобурнома" да жуда кўшлаб ойқонимларнинг этимологияси, келиб чиқини, маъносига доир фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Масалан, Бобур Қандибодом тоношим хусусида шундай деб ёзади: "Муниг тавобидин Қандибодомдур. Агарчи қасаба эмас, яхшигина қасабадур. Бодоми ахши бўлур. Бу жиҳаттин бу исма маъсумдур. Хурумиз ва Хиндистонга тамом муниг бодоми борур" (62-бет). Келтирилган парчадан маълум бўладики, Қандибодомнинг маъноси "бодоми шаҳар" демакдир. Агарчи ана Шаҳрисабз шаҳрининг номлашини шундай

ифоҳланади: "Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва бодми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз... дерлар" (108-бет). Дарҳақиқат, Шаҳрисабз — "кўкназор шаҳар", "яшил, боғ-роғларга бой шаҳар" маъносидadır.

"Бобурнома" да зикр этилган ойқонимларнинг кўпчилиги қисми муаллиф томонидан қандый ифодаланган бўлса, ҳозирда ҳам ўша ҳолатига сақланган, шу шаклда кўлашади. Андижон, Фаргона, Бухоро, Пискент, Зомин, Исфара, Боруқ, Хушёр, Хўжанд, Ахси, Пол, Санг, Карнон, Қобул, Дехл, Машҳад сингарилар бунинг ёркин мисолидир. Асардаги айрим ойқонимлар бизгача турли фонетик ўзгаришлар билан етиб келган. Чунотчи, Дизак шаҳри номи Ҳозир Жиззах, Қандибодом—Конибодом, Марғилон—Марғилон, Ҳжанд—Ҳжанд, Тошканд—Тошкент, Кўб—Кўва, Хўқон—Кўқон, Тирмиз—Термиз, Хўзор—Ҳўзор, Кармина—Кармана, Руптон—Риптон, Слэхоб—Слсб, Гаво—Гова бўлиб ўзгариб кетган.

Асарда баъзи жой номларининг икки ёки уч ном билан аталиши, уларнинг паралел равишда қўлланилишини мисоллар орқали баён қилинган. Тошканд—Шоп — Чоч; Ахси — Ахсикаг; Ҳрагеца — Ҳсрушина — Ҳсрули; Кеш — Шаҳрисабз; Қарши—Насаф — Нахшаб; Работак ўртини—Икки сув ораси; Қалъан Зафар—Шофтегар; Қаҳлур—Дарбаши Оҳанин номлари бунга далил бўла олади.

"Бобурнома" да қайд этилган топонимларнинг баъзилари ўзбекча ҳамда тожикча вариантларда берилган. Жой номларининг бу тарзда шлтилини икки халқ ва уларнинг тиллари орасидаги ўзаро алоқадан далолат беради. Мирзо кўприти—Пули Мирзо, Дилқушо боғи — Боғи Далқушо, Меҳтар Сулаймон тоғи — Кўҳи Меҳтар Сулаймон, Муҳаммад Чаш кўприти—Пули Муҳаммад Чаш, Жуд тоғи—Кўҳи Жуд, Қорасув—Слсхоб сингарилар шундай топонимларга ёркин мисолидир.

Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажарайи турк", "Шажарайи тарокима", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Ҳафиз Таиш Бухорийнинг "Абдуллонома" асар-

ларида ҳам жой номларининг тарихи, келиб чиқиши, маъноси ҳақида кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Тадқиқотчи М.Турдибековнинг ёзишича, Абулғозийнинг "Шажарайи турк" асри матнда 1357 та атоқли от кўлланилган. Улардан 880 таси антропонимлар, 286 таси топонимлар, 118 таси этнонимлар. 51 таси гидронимлар, 22 таси оронимлардир. Асарда Эрон, Турон, Арабистон, Миср, Озарбайжон, Гуржистон, Қурдистон сингари мамлакат, давлат, юрт номлари; Хонбаллик, Бешбаллик, Топкаш, Самарқанд, Бухоро, Туркистон, Андижон, Балх, Қарши каби шаҳарлар номи; Қўзкент, Карвакент, Гандумкон сингари қишлоқ номлари; Итил суви, Ёйиқ суви, Сир суви, Аму суви, Иртиш суви, Чу суви каби дарёлар номлари зикр этилган. Кўплаб ойконим, этнонимларнинг маъноси изоҳлаб берилган.

Ўзбекистон топонимиясига долр айрим фикр ва мулоҳазалар XIX аср охири ва XX аср бошларида бўлгани текширган рус шарқшунос, тарихчиларининг асарларида ҳам учрайди. В.В.Радлов, Л.Будалов, Н.А.Аристов, Л.Н.Соболев, И.М.Мелторанский, Н.Хашиков, Д.Н.Логофет, Н.Ф. Ситняковский, А.П.Хорошкин, Н.И.Веселовский, А.Д.Гребенкин, В.Л.Вяткин сингари тадқиқотчиларнинг бу соҳадати фаолиятлари эътиборга молиқдир. Уларнинг асарларида республикаимиз топонимиясига оид кўплаб маълумотларни учратиш мумкин.

Академик В.В.Бартольд, С.П.Толстов, П.П.Иванов, Е.Д.Поллианов, А.А.Семёнов, В.А.Шипкин, М.Е.Массон, И.И.Умяков, Н.Г.Маллицкий, О.А.Сухарева, О.Д.Чехович, О.И. Смирнова кабилар Ўзбекистон топонимиясини ўрганишга муносиб ҳисса қўшдилар. В.А.Шипкиннинг 1925 йилда ёзган "Тошкент маҳаллаларининг номлари ҳақида" ("О названиях Ташкентских махалла"), Н.Г.Маллицкийнинг 1927 йилда яратган "Тошкентнинг маҳалла лицикийнинг" ("Ташкентские махалля и мауза") деб ва маззелари ("Тошкентские махалля и мауза") деб номланган тадқиқотлари илмий далилларга бойлиги билан ажралиб туради. Н.Г.Маллицкий ўз тадқиқотида Тошкентдаги 290 та маҳалла ва 170 га яқин маззеларини

номларини ёзиб қолдирган. Бу, табиийки, топонимия усту муҳим манбадир. Республикаимиз жой номларини ўрганишда ўзбек олимларининг қўлган ҳиссалари ҳам улкандир. Я.Ғ.Ғулмов, Р.Н.Набиев, А.Р.Муҳаммаджонов, Х.Ҳасанов, Ф.Абдуллаев, С.Иброҳимов, Э.Бегматов, А.Иппаев, С.Қораев, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Р.Қўнгуоров, Б.Ўринбоев каби олимларнинг бу соҳадати ишлари мақтовга лойиқдир.

Ўзбекистон топонимларини кенг кўламда ўрганиш ишлари, асосан, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланди. Кейинги ўн йилликлар ишда бу соҳада катта ишлар қилинди.

60-йилларга келиб ўзбек тилшунослигида атоқли от материаллари монографик тарзда ўрганила бошланди. 1965 йилда тилшунос Э.Бегматов "Ўзбек тили антропонимикаси" маърузидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу асар ўзбек тилшунослигида кўлга киритилган йирик ономастик тадқиқот бўлди. Иш ўзбек антропонимиясигина эмас, балки ўзбек топонимиясининг назарий масалаларини қамраб ошанлиги билан ҳам харақтерлидир.

1968-80 йиллар давомида Ўзбекистон топонимларини регионал ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлар майдонга келди. Т.Нафасов "Қашқадарё вилояти топонимлари" (1968), С.Қораев "Ўзбекистон топонимиясини ўрганиш тажрибасидан" (1969), З.Дўсимов "Шимоллий Ҳоразм топонимлари" (1970), Ш.Қолдирова "Тошкент микротопонимлари" (1970), Л.Каримова "Шимоллий ўзбек шевалари топонимлари" (1971), Т.Раҳматов "Самарқанд шаҳри ва унинг агрофлари топонимияси" (1973), С.Губаева "Фаргона vodiysi топонимиясида этнонимлар" (1973), Ё.Хўжаберидиев "Сурхондарё вилояти топонимларининг тарихий-этимологик тадқиқи" (1973), Ж.Латипов "Марилтон шаҳри ва унинг агрофлари топонимияси" (1975), Н.Охунов "Қўқон туруҳи туманлари топонимияси" (1978), С.Найшмов "Бухоро вилояти ойконимлари" (1984), Н.Мингбосов "Мирзаўл топонимлари" (1988) маърузларида

номзодлик диссертацияларини химоя қилдилар.

Сўнги 10-15 йил давомида яна бир қанча топонимик тадқиқотлар амалга оширилди. А.Зокиров, Х.Холмўминов, Т.Эриқсаров, Ҳ.Ориповлар томонидан Жиззах, Бойсун, Шаҳрисабз, Нурота ҳудудларидаги жой номлари ўрганилди. Н.Бегалиев Самарқанд вилояти гидронимларини лисоний жиҳатдан тадқиқ этди (1994). А.Отажонова "Хоразм этнотопонимларининг лугавий асослари", А.Гуробов "Самарқанд вилояти этноним ва этноойконимларининг таҳлили" мавзуларида монографик тадқиқот олиб бордилар.

Ўзбекистон топонимларини ўрганишга жуда катта ҳисса қўшган олимлардан бири география фанлари доктори, профессор Х.Ҳасановдир. Муаллифнинг "Ўрта Осиё жой номлари тарихидан" (1965), "Ер тили" (1977), "Географик номлар сирин" (1985) ситгари асарлари босилиб чиққан. Буларда республикамадаги жуда кўплаб жой номларининг тарихи, келиб чиқиши, семантик хусусиятлари баён этилган. Топонимларнинг эски ва янги шакллари таҳлил қилинган. Ушбу асарларга илова қилинган қисқача топонимик лугатлар ишнинг қимматини янада оширган.

Республикаимиз жой номларини ўрганишда география фанлари доктори С.Қораевнинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутди. Олимнинг "Топонимика" (1970), "Этнонимика" (1979), "Топонимика-географик номлар ҳақидаги фан" (1980), "Тошкент топонимлари" (1991) рисоалари ҳамда рус тилида "Ўзбекистон топонимияси" (1990), "Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар лугати" (2004), "Ўзбекистон вилоятлари топонимлари" (2005), "Торонимика" (2006) каби асарлари чоп этилган. "Географик номлар маъносини биласизми?" (1970), "Географик номлар маъноси" (1978) изоҳли лугатлари напир қилинган. Биринчи лугатда 2100 га яқин жой номларининг маъноси изоҳланган. Иккинчи лугат аввалги лугатнинг давоми сифатида майдонга келган.

Ўзбекистон топонимикаси фанининг ривожланишида таниқли номшунос олим, профессор Т.Нафасовнинг беҳад кўл хизматлари бор. Унинг "Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи" (1985), "Қиплонгиз неча шундай аталган?" (1989), "Ўзбек номномаси" (1993) асарлари катта илмий аҳамиятга эгадир. Бу асарларда Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик қатламлари кенг ёритиб берилган. Генезиси турли тилларга мансуб топонимларнинг лугавий маъноси, грамматик ва фонетик тузилиши таҳлил қилинган. Кўйлаб қиплоқ номларининг этимологияси, келиб чиқиши баён этилган. Олимнинг "Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати" (1988) ўзига хослиги билан ажралаб туради. Унда топонимлар лисоний асосда изоҳланган. Топоним асосдаги сўзнинг қайси тилга оидлиги, қандай ўзак ва аффикс морфемалардан иборатлиги, уларнинг ашелятив лексика ва топонимика сатҳидаги маъно хусусияти, номланиш тамойиллари кўрсатиб берилган. Лугат 5 мингдан ортиқ топонимларни ўз ичига қамраб олган, ҳажми 18 босма табоқдан иборатдир.

Филология фанлари доктори, профессор З.Дусимов томонидан Хоразм топонимлари батафсил тадқиқ этиб келинмоқда. Унинг "Хоразм топонимлари" (1985) монографиясида бу воҳа топонимларининг шаклланиши ва унинг тараққиёт босқичлари тадқиқ қилинган. Кўпгина жой номларининг тарихи ва этимологияси ҳақида фикр юритилган. Топонимларининг аталлиш мотивларига кўра типлари, ясалиш моделлари, морфологик тузилиши туқур текширилган. Олимнинг Х.Этамов билан ҳамкорликда яратган "Жой номларининг қисқача изоҳли лугати" (1977) да кўйлаб топонимларга тарихий, лингвистик, географик нуқтани назардан тавсиф берилган.

Н.Охунов тадқиқотларида ҳам жой номларига алоҳида эътибор бериб келинаётир. Унинг "Ўзбекистон" наприёти томонидан чоп этилган "Антропотопонимика нима?" (1984), "Жойлар ва номлар" (1986), "Тил ва жой номлари" (1988), "Фан" наприётидан чиқарилган "Топо-

нимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари” (1989) рисоалари республикамиз топонимларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. “Жой номлари таъбири” (1994) лугатида ўлкамаъддаги қўшлаб аҳоли яшап масканлари номлари — ойконимларнинг келиб чиқиши, маъноси изоҳлаб берилган. Кейинги йилларда ёзган “Жой номларининг грамматик тузилиши ва ясаллиши” (2004), “Муқаддас қадам жойлар” (2005) рисоаларида топонимлар грамматик тузилиши ва ясаллини жиҳатидан таҳлил юритилган. Ўз туркумларининг топонимлар яратилишидаги иштироки тўғрисида фикр этилган. Қўшма топонимларнинг ясаллишида индикаторларнинг роли ҳақида муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилган. Республикамиз ҳудудидаги азиз-ақшёнлар, шайхлар, пирлар, дин арбоблари каби мўътабар зотларнинг номлари билан аталган муқаддас қадамжойлар хусусида маълумотлар келтириб ўтилган.

Яна шуни айтиш зарурки, кейинги йилларда топонимкага оид бир қанча китоблар босилиб чиқди. Э.Бегматовнинг “Жой номлари — маънавий кўзгуси” (1998), Б.Ўринбоевнинг “Самарқанд вилоят топонимларининг изоҳи” (1997), А.Отажоновнинг “Хоразм этнотопонимлари” (1997), Т.Эрвезаровнинг “Туркий содда топонимларнинг этимология тадқиқи” (2002), З.Дўстиев, М.Тиллаеваларнинг “Топонимика асослари”, Ю.Аҳмадалиев ва Н.Комилованинг “Манзиллар. Номлар. Маънолар” (2005), М.Миракмаловнинг “Географияда топонимика” (2007) асарлари шулар жумласидандир.

Хуллас, юқорида айтилганлардан англашладими, ўзбек топонимикаси ономастиканинг бир тармони сифатида сўнги йилларда анча ривожланди. Лекин шунга қарамасдан, ўзбек топонимиясини тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлган баъзи долзарб муаммолар мавжуддир. Булар қуйидагилар:

- ўзбек тилининг бой топонимик материалларини бутун ҳудудлар, минтақалар бўйича тўлаш, уларнинг картотекасини тузиш. Топонимик картотекани яратиш тамойилларни ишлаб чиқиш;

- турли географик ҳудудлар топонимларини қиёслаб,

товинтириб ўрганиш;

- Ўзбекистон топонимларини тадқиқ этишдан келиб чиқадиган назарий хулосалар асосида дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш;

- ўзбек халқ достонларида учровчи топонимларни тўллаб, уларни лисоний нуқтадан назардан таҳлил этиш;

- Ўзбекистон топонимиясининг лексик таркибини белгилаш, улдаги ўз ва ўзлашган номларнинг миқдорини, мақеини аниқлаш;

- ўрганилмаган минтақалар топонимияси юзасидан махсус тадқиқотлар олиб бориш;

- турли ҳудудлар топонимиясидаги умумий ва хусусий белгиларни аниқлаш;

- тарихий ёзма манбаалар тилдаги номлари, аяқроми, бирор ёзувчи асари ёки асарларидаги жой номларини махсус тадқиқ этиш;

- топонимларни архив хужжатлари (чўнончи, Хива давлат хужжатлари, Қўқон хонлиги архиви хужжатлари) ва бошқа шу каби манбалар асосида ўрганиш;

- ўзбек топонимикаси соҳасида қўла киритилган ашёвий-далилий материаллаар асосида жой номларининг этимология, имло, орфоэтик, чашпа (терс) лугатларини яратиш;

- таълим жараёнида (география, тарих, этнография, филология фанларини ўқитишда) топонимларнинг психология асоциацияларини ва фанга қизиқишни кучайтирувчи функцияларидан фойдаланиш.

ТОПОНИМЛАР ПАЙДО БЎЛИНИШИНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

География фани пайдо бўлган кундан бошлаб ҳозирги кунга қадар кишиларнинг - қаерда? деган саволга апрофлича жавоб бериб келмоқда. Бу вазифани тўлиқ баъаришда унга география фанлари тизимида кирувчи Топонимика ва картография фанлари яқиндан қўмақчиدير.

Топонимларга география фашининг ўганиш объекти сифатида қаралишининг энг асосий сабаби номларнинг бугунги кундаги бош вазифаси (функцияси), яъни ҳар қандай географик объектнинг манзилини (адресини) кўрсатиб бериши билан боғлиқдир. Материк ва океанлар, денгиз ва дарёлар, кўл, булоқ ёки музликлар, тоғ ёки текисликлар, мамлакат ва шаҳарлар, қишлоқ, маҳаллалар ва кўчалар ўз номига эга. Ер юзасидаги миллионлаб географик объектларнинг худудий жойлашган ўрни, манзили шу номлар орқали аниқланади, харитага туширилади, у ерларда юз берган ва бераётган воқеа, ҳодисалар ҳақида маълумот берилади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ватанимиз ва жаҳон географиясини ўрнида жой номларига, яъни топонимларга алоҳида эътибор бериш заруратини келтириб чиқарди.

Жумладан, республикамизнинг мустақилликка эришиб жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини кенгайтиб бориши оқибатида кундалик ахборотлар тизимидан (айниқса интернет тармоғидан, йўлдошли телевидениедан) юзлаб, хатто минглаб олдин номаълум бўлган ёки кам ишлатилган географик номларни халқимиз тилига кириб келиши кўзгитилмоқда. Астана, Давос, Дубай, Қан, Окинава, Тимор каби "янги" жой номларини эпитетанимда бсихтиёр яна географияга мурожаат қиламиз. Мазкур номларнинг қаерда, қайси давлатда жойлашганлигини картадан билишга ҳаракат қилсак, маъносини, тўри айтилиши ва ёзилишини, қайси халқлар тилидан олинганлигини топонимик дунгалардан билишга интиламиз.

Истиқлол шарофати билан республикамизда мустақил худудий, географик сиёсат юритила бошлаши. Мазкур сиёсатда мамлакатимизнинг маъмурий-худудий тuzилишини такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Юқорида таъкидланган қонун ва қарорлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентлигининг 2005

йил 14 июлда "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тuzилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 129-сонли махсус қарори қабул қилинган. Бу қарорда "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий тuzилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларни номларини ўзгарттириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотиининг аҳоли масалалари бўйича қабул қилинган стандартларига мос равишда қишлоқ аҳоли пунктларини рўйхатдан ўтказиш ва зарур ҳолларда уларни шаҳарчалар тоифасига киритиш бўйича илтимосномадан тaқдим этиш вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенashi, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига юзлатилди (Ўзбекистон Қонун ҳужжатлари тўплами -Т., 2005. июль №28-29).

Юқоридаги Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги 68-сонли "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тuzилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра Республика бўйича 966 та қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча мақоми берилди. Жумладан, Фарғона вилоятида 196 та қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарчага айлантирилди. Натижادا, Республикамазда урoанизация даражаси 2008 йилдаги 35,8 фоиздан 13 фоизга кўтарилиб 2009 йилда 51,7 фоизни ташкил этган бўлса, Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 31 фоизга кўнайтиб 2009 йилда 58,8 фоизни ташкил этди. Янги ташкил этилган ёки олдидан мавжуд бўлган шаҳарча ва қишлоқ аҳоли масканларини номланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва туманларнинг географик номлари (163 та туман, 119 та шаҳар, 1080 та шаҳарча ва 10865 дан ортиқ қишлоқ ва овуллар номи) янада чуқурроқ ўрганилиб, география

таълим тизимида туртилиши кузатишмоқда. Тўрткул, Қўнйирот (Қорақалпоғистон Республикаси), Булоқбоши, Хўжабод, Кўронгана (Авдижон вилояти), Дўстлик, Пахтакор, Янгибод (Жиззах вилояти), Навбахор, Қизилтепа, (Навоий вилояти), Яшиқўрғон, Учқўрғон (Наманган вилояти), Гулистон, Мирзобод. Оқ олтин (Сирдарё вилояти), Жарқўрғон (Сурхондарё вилояти), Бекобод, Оққўрғон (Тошкент вилояти), Янгиариқ, Янгибозор (Хоразм вилояти), Дехқонобод (Қашқадарё вилояти) каби маъмурий туманларнинг "адаш" номлари биргина Фарғона вилоятида ҳам такрорланиши ушбу соҳани географик ўрғанишга алоҳида эътибор ва сиғичковлик билан ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Шундай қилиб, жой номларини географиянинг ўзига хос тили деб атасак, ҳозирги даврда бу тилининг кенгайиб, доимо янгилашиб бораётганлиги кузатишмоқда.

Топонимларнинг тарихан пайдо бўлиши ҳамда узоқ вақт давомида ўзгармасдан қўллашиб келишининг ўзига хос шартлари мавжуд. Бушдай шартларнинг асосийси, ҳар қандай объектка ном беришда унинг географик хусусиятларини эътиборга олишидир. Бушдай хусусиятлар жумласига объектнинг географик ўрни, жойнинг рельефи, иқлими, сувлари, тупроқ қоплами, ўсимлик ва хайвонот дунёси билан тенг асосда ишлаб чиқариш ва аҳоли кўрсаткичлари киради. Юқоридаги географик хусусиятлар объектнинг сийсий-тарихий ва антропо-этнологик хусусиятларига нисбатан кам ўзгарувчанлиги, ижтимоий-сийсий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирига тушмаслиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам объектка ном беришда географик қонуният ва тамойилларга амал қилиш бу номнинг узоқ вақт ўзгартирилмасдан ишлатиб келинишига олиб келади. Бузуши кушда бу қонуният ва тамойилларни нуқта ўзлаштириш қийлоқ, маҳала ва кўчаларга ном бериш ва уларни қайта номлашда аҳамиятлидир.

Жой номлари пайдо бўлишида биринчи ва энг кенг тарқалган тамойил аҳоли маскани жойлашган хулудлиши юқориди таъкидланган географик хусусиятларини ифода-

ловчи термин ва ибораларнинг эътиборга олининишдир. Бунда жойнинг хусусиятини акс эттирувчи умумий географик тушушча ҳамда ибораларнинг конкретлашуви ва индивидуаллашуви қонуниятга юз беради. Масалан, "жар" сўзи табиий географик термин сифатида "ўйилган, салбий рельефга эга бўлган жой" маъносини билдирувчи турдош от бўлса, унинг муайян бир объектка боғлашини натижасида топоним ясалади. Вилоятдаги Аноржар, Жарариқ, Жарбоши, Жарқийлоқ, Жарқўрғон, Оқжар каби жой номлари ушбу қонуният асосида вужудга келган. Шунингдек, рельефни акс эттирувчи, сувлики ифодаловчи географик объектлар ҳам аҳоли маскани жойлашган хулуднинг ўзига хос (индивидуал) белгиси сифатида олиниб жой номлари ясалади, Адирболо, Тенатаги, Қаналтоғ, Ариқбўйи, Булоқбоши, Сойбўйи каби. Жойнинг нафақат табиий географик, балки иқтисодий ва ижтимоий географик ўзига хослигини ифодаловчи атамаларни ҳам жой номларига айланиши қўл кузатилади, Ўрдатаги, Бозорбоши, Тегиримонбоши каби.

Шу ўринда Фарғона, Марғилон, Қўқон каби номлар этимологiasида ҳам жойнинг табиий географик хусусиятини билдирувчи изоҳлар асосий ўринни эгаллашини таъкидлаш мумкин. Фарғона топонимининг этимологiasи тўғрисида жуда кўп фикрлар бор (С.Қўраев, 2005). Бироқ, санскрит тилида паркани, форс - тожик тилидаги парвана (бир томони очик, атрофи тоғ билан ўралган водий) сўздан ном олган дейиш ҳақиқатта яқин. Марғилон топоними талқиқотчилар фикрича, форс тилидаги марғ "ўтлоқ" ёки марри "ўтлоқда яшовчи" сўзи билан алоқадор бўлса, Қўқон асли Хуқанд бўлиб, "Шамол шаҳри, серпачи мол шаҳар" деб изоҳланади (Ҳасанов, 1985).

Топонимларга ном беришда, яъни топоним ясашда **нибий негативлик** деб аталган географик қонуниятдан ҳам фойдаланилади. Бу қонуниятга кўра бирор жойга ном беришда шу хулуд учун нисбатан кам бўлган, ҳаммани диққат эътиборини белли (мўлжал) сифатида торгадиган табиий ва ижтимоий объектлар танлаб олинади. Масалан,

рончи, Бешбола, Бешкапа, Бўжай, Дўрман, Жалонор, Галаботир, Кенагас, Минг, Найман, Қангли, Уйғур, Қашқар, Қурма, Қўңирот каби номлар кўп такрорланади. Базан топоним таркибидagi бир элемент этноним бўлиши кузатилади. Арабон, Араббанд, Араблар, Арабмозор, Арабхона, Арабқиллоқ, Арабқўрғонча, Аравон, Янги Араб, Эски Араб, Арабғўли, Араб маҳалла каби қиллоқлар номи араб халқи номи билан боғлиқдир.

Маҳалла ва қўчаларга ном беришда амал қилинадиган навбатдаги тамойил кўча ёки маҳаллада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ва савдо объектларининг жойнинг ўзига хос хусусияти сифатида танлаб олинишидир. Вилоятда тўқувчилик (Астарбоф, Бахмалбоф, Йўрмадўз) хунармаччилик (Қўлолор, Косатарон, Кўнчи, Пичоқчи, Танларчи, Ҳўчи), қиллоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлавчи маҳаллий саноат тармоқлари (Тўлқувоз, Ёлқувоз, Кўптегирмон) номи билан аталувчи ҳамда савдога алоқдор (Бозорбоши, Ёбозор, Сарбозорча, Янгибозор) номлар кўп учраган. Бундай номларни манзилгохни кўрсатишдан ташқари дарактилик (индикаторлик) вазифасини ҳам бажаришини ҳисобга олиб, жойларга ном бериш жараёнида кўпроқ аҳоли масканларига тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

Кейинги йилларда олиб борилган географик тадқиқотларда номларнинг экологик функциясига эътибор қаратилмоқда. Қўйдилган ном шу жойни, маҳалла ёки қўчани, ариқ ёки сойни, тоғ ёки тепалиқни илҳийлаштириб у ердаги табиат компонентларини муҳофаза қилишга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишга, аҳоли масканларида сокин ва осойишта муҳитни яратишга ёрдам беради. Бундай дийий-хуқуқий муҳофаза усулини қўллаб, она табиатни асрашга ўлкамизда шаклланиш юксак этноэкологик маданият сифатида қаралмоғи лозим. Топонимлар таркибига "азиз", "бобо", "тўр", "мозор", "ота", "пир" сўзларидан бирининг қўлланиши асосида яратилган топонимлар манзилни кўрсатиб беришдан ташқари экологик вазифани ҳам бажареди. Азиятепа (Қўқон шаҳри), Сўфрияғиз (Бувайда тумани), Бобокалон (Сўх тумани),

чўла зонасида чўл, тоғли хуудларда тоғ, пахта кўп эклладиган районларда пахта кишилар эътиборини у қадар кўп тортмайди. Шунинг учун кишилар юқоридagi каби жойларга ном қўйишда бошқалардан қандайдир хусусияти билан фарқ қилиб турган географик объектларни қидиришади. Фарғона вилоятининг текис чўлли хуудларидa тежалик ёки сув бор жойлар кишилар эътиборини тортади. Юқоридa таъкидланганидек, вилoятнинг рельефи текислик бўлган хуудларидa тега сўзи қатнашган ўттиздан ортиқ жой номлари қайд этилиши мазкур қонуният латтижасидир.

Сув билан боғлиқ топонимларни номлашда ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятларига, яъни сони, шакли, чуқурлиги кабиларга эътибор қаратилади. Таркибида, анҳор, қақир, ариқ, булоқ, жўй, кўл, матаг, об, сой, кулук иборалари мавжуд номлар вилoятда кўп тарқалган. Бешариқ, Олтиариқ, Оқариқ, Совурбулоқ, Тошбулоқ, Қайнарбулоқ, Қиёқбулоқ, Болтақул, Дамқул, Қувасой шулар жумласидандир. Чор-атроф чўл ёки пахта майдонлари билан қопланган хуудларда дарахтлар ҳам кишилар диққатини тортини шубҳасиз, вилoятда Беҳазор, Бодомзор, Дўланазор, Қайрағовзор, Мевазор, Олмазор, Олғазор, Теракзор, Тоғзор, Толзор, Тутзор, Узумзор, Ҳриқзор, Чамазор, Чилонзор, Шафтолизор каби қиллоқ ва маҳаллалар номи ҳам мазкур қонуният асосида яратилган.

Вилoятда кенг тарқалган ўсимлик ва ҳайвонот олами номлари ҳам жойининг ўзига хос хусусияти сифатида анчагина учрайд, жумладан, Бештерак, Жийдақиллоқ, Қаштархона, Милгчинор, Теракмозор, Толмозор, Чекшўра, Ялкатут, Қайроғоч, Қоражийда, Балиқчи, Бўрбалиқ, Лайлақуя, Қолонқир каби. Бироқ бу номларни ҳам ҳар дoим ўз маъносидa тушуниш тўғри бўлавермайди. Чунки бу номлар кўчма маънода ишлатилган бўлиши, уруғ ёки қабила номини аналитини мумкин.

Аҳоли масканларини шу ерда яшаган уруғ-қабила, элат номи билан аташ кенг тарқалган. Вилoятдаги топонимлар орасида уруғ-қабила номларини билдирувчи Ай-

Ғарбобо (Тошлоқ тумани), Қаримбобо (Бадход тумани), Умнатбобо (Бешарик тумани), Хўжа Абуғуроббобо (Дашғара тумани), Фозилбобо (Риштон тумани), Қулбобо (Фурқат тумани), Қорасўбобо (Ўзбекистон тумани), Гўри Аввал (Марғилон шаҳри), Гўргеча (Фурқат тумани), Арабмозор (Тошлоқ тумани), Бувиқмозор (Бувайда тумани), Ермозор, Терақмозор (Фарғона шаҳри), Кўқмозор, Сармозор (Марғилон шаҳри), Мозорбоши, Толмозор (Қува тумани), Мозортаги, Хлзирмозор (Фарғона тумани), Алиназар ота, Ялонғоч ота (Қўқон шаҳри), Хожикота (Тошлоқ тумани), Шокирога, Мустафоқулога (Риштон тумани), Бостонбува, Пошшоширим (Бувайда тумани), Пир Сиддиқ (Марғилон шаҳри) қабилар.

Аҳоли масканлари номлари орасида жуда катта қисмини воявий-снэйсий номлар ташкил этса ҳам географик тамойиллар асосида яратилган топонимлар бир қанча афзаллиқларга эга эканлигини таскиллаш мумкин. Би-ринчидан, бу номлар жамиятда тез тез ўзгаририлмайди, узоқ вақт сақланиб туради, маблағларнинг тежаллишига ёрдам беради; иккинчидан, жойнинг ҳозирги кунда ўзгариб, унутилиб кетган табиий ва иқтисодий географик хусусиятлари, дасглабки ландшафти ҳақда қимматли маълумот беради; учинчидан, жой номларининг боп ва зифаси — манзилни аниқлаб бериш функциясини тўла бажаришга имкон яратади, сабаби номлашда кўча ёки маҳалладаги асосий, ўзига хос табиий ёки иқтисодий-иятимоий объектга мўлжал олиниб, топонимнинг даракти-лик хусусияти намоён этилади.

ТОПОНИМИКА ВА ТИЛШУНОСЛИК

Топонимлар тил дунат таркибининг алоҳида қисми бўлиб, тил қонуниятларига бўйсунган ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади. Шунинг учун топонимларни тилшунос-лик — лингвистика фани ўрғанади. Демак, топонимика атоқли отларни ўрғанадиган ономастика фанининг бир

қисми бўлиб, бир вақтнинг ўзида тилшунослик фанлари қаторига ҳам кириди.

Топонимлар пайдо бўлишининг умумий лингвистик қонуниятларини С.Қораев (2006) батафсил тупунтириб беради. Топонимлар атоқли отлар бўлиб, улар тил тараққиётининг қиёсан кейинги босқичларида турдош отлар (апеллятивлар)дан келиб чиққан. Қадимий тилларда атоқли отлар бўлмаган, қандайдир сўз бирикмалари атоқли отлар вазифасини бажарган. Ана шундай сўз бирикмалари тобора турун шакл олади. Одамлар теварак-атрофидаги ўзларига таниш худуддаги жойларни «Балиқ тутиладиган кўл», «Сел келадиган сойлик» каби бутун бир гашлардан иборат бирикмалар билан атайдилар. Коштрет географик объектларни ифодалидиган бундай сўз бирикмалари ва турдош отлар кўп бўлмаганидан бора-бора атоқли отларга айланади. Географик номларнинг пайдо бўлиши умумий тупунчанинг конкретлашиши ва индивидуаллашиши натижасида юз беради. Турдош отлар ана шу йўл билан топонимлашади, яъни топонимларга айланади.

Географик терминлар турдош отлар лексикасидан ажралиб чиққан пайтдан бошлаб ўзи ифодалаган географик объектнинг белгиларидан узоқлаша боради. Топонимлар нутқда шу объектнинг бошқалардан фарқли нишонла-рини таскиллашга эмас, балки муайян объектни бошқалардан ажратиб кўрсатишга хизмат қилади. Топо-нимга айланган сўз янги маъно касб этади, энди бу сўз аниқ, ягона, янги бир тупунчага айланади.

Географик номлар кўпинча географик объектни ифо-делайдиган тупунчадан бошқа маъно англатмай қўяди. Масалан, Лангар - Охунбобосев туманидаги қишлоқ номи. Ўзбек тилида лангар деганда кемани бир жойда тўхтаб туриши учун занжирга бириктириб сувга ташланадиган чангақсимон темир ёки мувозанатни сақлаш учун дорбоз қўлда тутиб турадиган таёқ тупунчилиди. Лангар топо-ними эса Марказий Осиёдаги жой номлари таркибида кўп учрайди. Бу сўзнинг асл маъноси «тўхташ» бўлган ва турли жойларда, замонларда шунга яқин маъноларни

билдирган. Қадимги ёзма маъналарда ва кейинги топонимик номлар таркибида «бекат ва тўхташ жойи» маъносида ишлатилган. С.Қорасев (2005) шундай ҳолатни Чорпанба қишлоғи ҳақида келтиради. Чорпанба қишлоғининг негизини атайланлиги тўғрисида кўнчилик ўйламайди, унинг қасрда, қайси туманда, қандай қишлоқ эканлиги қизиқроқ. Бу қишлоқда чорпанба кўни бозор бўлганлиги учун шундай номлашганлигини кўнчилик билмайди ҳам. Сўзиниш одатдан маъносидан ўзоқлашиши ва муайян объект билан боғлиқ аниқ, индивидуал тасаввурнинг пайдо бўлиши топонимлашни жараёни ҳисобланади.

Географик терминларнинг топонимлашни даражаси турлича бўлиб, баъзи бир топонимларга сўзларнинг топонимга айланмасдан олдинги маъноси аниқ биллиниб турилади, бонқа бир хил топонимларда қисман сақланиб қолган, учинчи бир хил номларда умуман йўқолиб кетган бўлиши мумкин. Топонимлар таркибида иккинчи ва учинчи гуруҳга кирувчи, маъноси тушунарқиз, этимология жикатдан изоҳлаши талаб қиладиган географик номлар кўп учрайди. Бу ҳолат умумий тилшунослик фанига оид бир қатор қонуниятлардан фойдаланиб, улар этимологиясининг очиб бериш заруратини келтириб чиқаради.

Топонимларни изоҳлаш учун фойдаланиладиган дастлабки усул тошоформантлар усулидир. Формант (логична форманс – ҳосил қилувчи) деб, сўз ясайдиган, лекин мустақил ўзи ишлатилмайдиган унсурларга айтилади. Топонимларни формантларга қараб ўрганиш соҳасида кейинги ўн йилликларда катта ишлар қилинди. Бу усулда номлар таркибида кўплаб такрорланадиган элементлар бир хил маънони аниқлашни эътиборга олинади. Фарғона вилоятида ҳам топонимлар таркибида энг кўп келадиган аффикслар (тошоформантлар)га қараб топонимларнинг этимологиясини очиб бериш мумкин.

Топонимикада –зор аффикси билан ифодаланган топонимлар маълум ўсимлик турини бир ҳудудда кўп тарқалганини билдиради. Вилоятда Ашхирзор, Боломзор, Гўлзор, Дулаазор, Қайрағочзор, Қўнамазор, Кўчазор,

Лимонзор, Лолазор, Мевазор, Ноқозор, Олмазор, Олғазор, Теракзор, Тоқозор, Толзор, Тутзор, Узумзор, Ҷригзор, Чамазор, Чилонзор, Шафтолизор, Юлғунзор каби қишлоқ ва маҳаллалар номи қайд этилади. Бу номлардан Бехизор ва Мевазор Фарғона вилояти топонимик харитасида 3 мартдан, Узумзор 5 марта, Боломзор 7 марта, Гўлзор, Олмазор, Ҷригзор 10 мартадан такрорланади.

Фарғонада -каг, -кент аффикси қатнашган Заркент, Навкат, Чимкент каби қишлоқ номлари кенг тарқалган. Бу аффикс қишлоқ, шаҳар ёки аҳоли масканига нисбатан ишлатилиб, аҳоли яшайдиган масканларнинг янгилигини, тунроқ таркибини ифодалаши мумкин.

Топонимикада обод аффиксонини қатнашган жой номлари энг кўп тарқалган. Обод сўзи тожикча об-сув, обод-сувли, сув етарли жой деган маънони билдиради. Бу сўз шаҳар, қишлоқ, умуман, аҳоли маъназоҳларига нисбатан ишлатилади. Асосий маъноси «гуллаган» демакдир. Вилоятда «обод» аффиксонининг қишлоқ исмига қўшилишидан Азимобод, Бекмирзаобод, Фаниобод, Исломобод, Йўлдошобод, Маққуллобод, Мирзаобод, Сагторобод, Солижонобод, Усмонобод, Ҳайдаробод каби қишлоқ номлари яратилган бўлса, қишлоқнинг амали, мансабидан келиб чиқиб Амиробод, Бекобод, Султонобод, Хонобод номлари яратилганлигини кўриш мумкин. Вилоятимиздаги қишлоқ ва маҳалла номлари орасида Бегобод олти марта такрорланади.

Топонимикада -хона сўзининг функцияси кенг. Бирор халқ ёки қабила – уруғ яшайдиган қишлоқ номларига ҳам -хона сўзи қўшилган. Зарафшон ва Фарғона vodiий-ста араблар яшайдиган Арабхона деган қишлоқлар бўлса, бу аффиксени ўзбек уруқлари яшайдиган қишлоқ номларига ҳам қўшилишидан Баҳринхона, Дўрмонхона топонимлари ясалган. Хона қўшимчаси “бирор нарса кўл” деган маънони ҳам аниқлади: Бўрихона – “бўри кўл жой”, Жайраҳона – “жайра кўл жой”, Каптархона – “каптар кўл жой” каби.

Фарғона вилоятида –чи (Булдойчи, Бўлқачи, Кар-

найчи, Кўмирчи, Сашиқчи, Ипакчи, Ҳўчи, Овчи, Қўшчи, Қўчқорчи) -кор (Пахтакор, Галлакор, Соҳибкор.), -ли, -лик, -лиқ аффиксларидан (Бождорчилик, Далачилик, Жичилик, Қўнчилик, Сўнчилик, Тароқчилик, Қосибчилик, Пиёзчилик, Пичоқчилик, Эгарчилик) ташкил топган тоноформантлар ҳам кенг тарқалган.

С.Қорасвнинг (2005) таъкидлашича, топонимларни таҳлил қилишда қўлланадиган яна бир қонуният ном ясида иштирок этадиган сўзларнинг маъновий жиҳатдан ўхшаш эканлигида ҳам, грамматик жиҳатдан тузилишида, яъни уларнинг қайси гап бўлаклари сифатида иштирок этишида ҳам, ниҳоят, топонимларнинг тузилишида, географик номларни ҳосил қилишда кўпроқ иштирок этадиган сўз бўлақларининг таркибида ҳам кўринади. Бир сўздан иборат топонимлар, одатда, отлар ва камдан-кам ҳоллардагина сифатлар шеклида бўлади. Шундай қилиб, географик номлар муайин қолиплар шаклида ҳосил бўлади. Ана шундай қолиплар топонимик моделлар дейилади. Ҳар бир тил топонимлар ҳосил қилишда ўз хусусиятларига ва топонимик моделларга эга. Масалан, ўзбек топонимлари кўпинча бирдан ортиқ унсурлардан иборат бўлади, кўшимчалар ўзгачадан кейин келади, сифат отдан олдин туради. Бирор бир ақойинг топонимлари рўйхатида, кўнглина географик хариталарда бу қонуният яққол кўринади. Демак, топонимик модел топонимларнинг тузилишини билдиради. Масалан, от+от: Арабтепа, Арабхазор, Тошудуқ, Ҳўзаарик, Ҳўжақишлоқ, Қўнчоқарик, Қўронттепа; сифат+от: Оқтепа, Каттақўрмон, Қоратепи, Қўнқиттепа, Қорақум, Яшибхазор; сон+от: Бешарик, Бешкапа, Олтиарик, Мингчинор, Яккатут, Учкўлприк, Учарик, Қўнтегирмон, Қўшттепа; от+фезъл: Ҳўжаўлди, Сойкелди, Қўлбости ва ҳоказо.

Маълум географик ҳудудларда жойлашган топонимларнинг шаклан ва мазмунан бир-бирларига ўхшаш эканлигини ташқи кузатишлардан ҳам билиш мумкин. Бундай номлар бошқалардан озми-кўпми ажралиб турадиган гуруҳлар, яъни топонимик типлар ҳосил қилади. Ҳар

бир гуруҳга кирадиган топонимлар грамматик тузилиши, келиб чиқиши ва маъносининг умумийлиги билан фарқ қилади. Ўзбекистонда - ли (Аламли, Олмали, Бурганли, Ғумайли); -лик (Ашиқонлик, Қўқонлик); -лоқ (Қўмлоқ, Тошлоқ, Санглоқ) қўшимчали топонимлар топонимик типларга мисол бўла олади. Махсус лингвистик адабиётларда топонимик тип деб баъзан муайян топонимни ясалаш модели, айрим ҳолларда формант ҳам тушунилади. Бироқ топонимик тип деганда грамматик шакл билан бир қаторда сўзнинг маъносини тушуниш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда ҳар бир жой, ҳар бир тарихий давр ва ҳар бир тил учун ўзининг топонимик типлари аниқ кўринади.

Топонимик тип модел ва формантга нисбатан комплекс тушунча бўлиб, топонимикнинг барча аспектларини ўз ичига олади. Бирор ҳудудда кўн учрайишган топонимик типларда географик ландшафтнинг хусусиятлари (тўл, текислик, теша, тоғ, ариқ, қум, жар, қир, булоқ, қудуқ), муайян тарихий даврнинг характерли аломатлари (Вақф-вақим, ём-жом, озодлик, истиқлол, мустақиллик) ёки аҳолининг этник таркиби ҳам (Баққир, Бағиш, Бўжай, Дўрмон, Найман, Жалойир, Сарой, Унгут, Қинчоқовул) ўз ақсини топган бўлиши мумкин.

ОЙКОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ БЕЛГИЛАРИ

Ойконимлар Фароёна вилояти жой номлари тизимида салмоқли ўринни эгаллайди. Ойконимларга аҳоли яшаш масканлари номлари кирди. Ойконимларнинг ўзига хос муҳим хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатмоқ мумкин.

Аҳоли масканларининг номлари таркибида қўллашувчи қишлоқ, овул, қўрғон, қўрғонча, гузар, маҳалла, кўча индикаторлари ойконимларни характерловчи муҳим белгилардан саналади. Бу хил сўзлар географик номнинг

инкичи қисмида қатнашади. Уларни тубандегі тўрхларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: 1) қишлоқ сўзи билан келган ойконимлар: Дўнқишлоқ, Ғаниқишлоқ, Авронқишлоқ, Даштқишлоқ (Ўзбекистон тумани), Султонқишлоқ, Ҳайитқишлоқ, Эшонқишлоқ, Эскиқишлоқ (Фурқат тумани), Ойқишлоқ, Хўжайқишлоқ, Толқишлоқ, Узунқишлоқ (Бешариқ тумани), Ойимқишлоқ, Гулқишлоқ, Чўлақишлоқ, Ўрақишлоқ, Мозорқишлоқ (Бувайда тумани), Қўмақишлоқ, Бойқишлоқ, Шўрқишлоқ (Дангара тумани), Чанқишлоқ, Жийдақишлоқ, Қўриққишлоқ, Тожикқишлоқ (Учкўприк тумани), Телакишлоқ, Юқориқишлоқ, Тошқишлоқ, Қашқарқишлоқ, Пасқишлоқ, Чуқурқишлоқ, Белқишлоқ (Тошлоқ тумани), Каттақишлоқ, Сўфилқишлоқ, Шақарқишлоқ, Қўқонқишлоқ (Қува тумани), Қизилқишлоқ, Қоронғиқишлоқ (Охунбобоев тумани), Чигитқишлоқ, Пахтақишлоқ (Бағдод тумани), Янгиқишлоқ (Ёзёон тумани) ва бошқалар; 2) озул сўзи иштирок этган ойконимлар: Бешовул, Тумановул, Қозоқовул (Бешариқ тумани), Тўхтаовул (Ўзбекистон тумани) кабилар; 3) таркибда кўрсон сўзи бўлган ойконимлар: Янгиқўрсон, Эшонқўрсон, Оққўрсон, Олтинқўрсон (Бувайда тумани), Пулстқўрсон (Дангара тумани), Ўртақўрсон, Бузқўрсон (Ўзбекистон тумани), Тупроққўрсон (Тошлоқ тумани), Бойқўрсон, Учқўрсон (Қува тумани), Айарқўрсон (Олтиариқ тумани), Телакўрсон (Учкўприк тумани), Қозоққўрсон (Бешариқ тумани) сингарилар; 4) кўрсонча сўзи орқали ясалган ойконимлар: Каттақўрсонча, Инчикқўрсонча, Қиялиққўрсонча (Дангара тумани), Арабқўрсонча (Учкўприк тумани), Қирғизқўрсонча, Ҳасанқўрсонча (Бувайда тумани), Янгиқўрсонча (Риштон тумани), Даштқўрсонча, Қаҳятқўрсонча, Бегватқўрсонча (Бағдод тумани) ва бошқалар; 5) гузар сўзи иштирок этган ойконимлар: Қаймоқлигузар, Нонвойлигузар, Исфаратузар, Тошкентлигузар (Кўён шаҳри), Ахлякузар (Тошлоқ тумани), Бачиригузар (Бувайда тумани), Янгигузар (Учкўприк тумани), Эшонгузар (Охунбобоев тумани) кабилар; 6) маҳалла сўзи воситасида ясалган ойконимлар: Қашқармаҳалла (Ёзёон тумани), Қирғизмаҳалла, Ризомаҳалла

(Фарғона тумани), Тожикмаҳалла (Қува тумани), Булоқмаҳалла (Бағдод тумани), Шўрмаҳалла (Ўзбекистон тумани), Жармаҳалла, Даштмаҳалла (Бешариқ тумани), Боммаҳалла (Учкўприк тумани), Эшонмаҳалла (Қува тумани), Соймаҳалла (Ўзбекистон тумани), Қуйиммаҳалла (Учкўприк тумани), Қўмаҳалла (Дангара тумани), Теламмаҳалла (Бувайда тумани) сингарилар; 7) таркибда кўча сўзи қатнашган ойконимлар: Каттакўча (Тошлоқ тумани), Бойкўча, Жаркўча (Фарғона тумани), Бомкўча (Бағдод тумани), Янгиқўча (Бешариқ тумани), Тегирмонкўча (Бағдод тумани), Чеккўча, Чуқуркўча (Фарғона тумани), Чимбойкўча (Қува тумани) ва шунинг сингарилар.

Маълум ҳудуд тарихига оид баъзи маълумотлар ойконимларда яхши сақланиб қолади. Аҳолининг ўтмишдаги этник таркиби — қайси урув, қабила, қавм, тоифага мансублиги, иқтисодий турмуш шароити — қандай касбухунар билан шуғулланганлигини ифодаловчи ойконимлар фикримизга далил бўла олади. Найман, Жалойир, Дурмон, Манитг, Кенатас, Хиттой, Қишлоқ, Қалмоқ, Мишлар, Юзлар, Қарқлар, Эшонқишлоқ, Хўжайқишлоқ, Эшонғўли, Чинитарон, Пилқоқи, Ностар, Қозғосор, Мистарлик, Эгариллик, Йўрмақў, Қўнғиллик, Ҳўчи сингарилар шундай номлар жумласига киради. Бундан фарқли равишда топонимларнинг бошқа турларида, чунончи, гидронимлар ва оронимларда этник номлардан, касб-хунарни билдирувчи сўзлардан ясалган топонимлар шихояда кам учрайди.

Сув объеклари инсон ҳаётида қадим замонлардан бўён катта илтимомий, иқтисодий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли ойконимларнинг айримлари ариқ, булоқ, кўл, ҳовуз номлари билан аталган. Аниқроғи гидрообъектнин ифодаловчи атоқли отлар аҳоли масканлари номи сифатида қўлланила бошланган. Қумарик, Тошариқ, Жийдаариқ, Янгиариқ, Оқариқ, Ойдинбулоқ, Совурбулоқ, Кандабулоқ, Шайтонкўл, Ойдишкўл, Оқкўл, Қоракўл, Дамкўл, Аччиқкўл, Қорасув, Тўққизбулоқ, Дамариқ сингари қишлоқ номлари бунинг ёрқин далилидир.

Бир турух ойконимларнинг аталлишига шу ҳудуддаги

тсга номлари (оронимлар) асос бўлиб хизмат қилган. Қўзилтепа, Оқтепа, Чангалтепа, Шўрттепа, Қўмтепа, Тўқайтепа, Қоратепе, Собиртепа, Сурхтепа, Зиндонтепа, Қоротепа, Бегимжонтепа, Қўштепа, Қаминштепа қабиларини бу хил ойконимларга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ойконимларнинг маълум бир қисми шахс исмлари, титуллар, мансаб номлари билан юритилган. Объект (жой)нинг бирон кишига мансублиги, тегишли эканлиги бундай номларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Жумбойчеми, Авиёбой, Юсуфқўронча, Акбаробод, Чек Шариф, Хўтоёрхон, Маллахон, Уста Бозор, Қурбонмерган, Додҳо, Девонбеги, Фазначи, Сарботир, Шералиминбоши, Мулла Зоир, Дастурхончи, Қозикалон, Магкулубод сингарилар шулар жумласидандир. Таяқдлаш лозимки, топонимларнинг бошқа турлари, чунончи, гидронимларда киши исмлари асосида яратилган сувликлар номи анча кам учрайди, оронимларда эса йўқ ҳисоби.

Текириллаётган хууддаги айрим йирик, катта қишлоқлар тарихан ўз ичда маҳаллалар, кўчалар, тўшларга бўлинган. Бу кичик хуудий бўлималарнинг ҳар бири маълум ном билан аталган. Масалан, Риптон туманидаги Тўда қишлоғида Тегирмонбоши, Беклар, Каттақўча, Тулчи, Каттатол, Ариқбўйи маҳаллалари; Бепариқ туманидаги Дехқонтўда қишлоғида Қўмбосди, Ўртамаҳалла, Мошмаҳалла, Мангит, Овул, Сўзоқ, Қўронча маҳаллалари; Учкўприк туманидаги Қурбонқашқар қишлоғида Обжувоз, Чорвоқ, Янгибоқ, Тегирмон, Ўртайўл, Юқоримаҳалла, Пастмаҳалла, Сойбўйи маҳаллалари; Ўзбекистон туманидаги Нурсуҳ қишлоғида эса Мошмаҳалла, Соймаҳалла, Юқоримаҳалла, Қақир, Булоқбоши, Намозгоҳ номи билан аталувчи маҳаллалар мавжуд.

Айрим ойконимлар (айниқса, йирик қишлоқ номлари) кўпинча икки маънода — тор ва кенг маънода ишлатилади. Тор маънода қўлланганда ўша қишлоқнинг ўзи ва марказини, кенг маънода эса шу қишлоқ атрофидаги барча қишлоқларни ҳам ифодалаб келади. Чунончи, Нурсуҳ ойконими шу ерда жойлашган қадимги Нурсуҳ қишлоғи

ва унинг марказини ифодалаш билан бирга атрофдаги Шўрқишлоқ, Қўронча, Бузуқўрон, Кенатас, Зинаша, Охта, Учбилак, Оталиқ қишлоқларини ҳам билдиради.

Ўрганилаётган хуудда айрим ойконимларнинг варианти ҳолатда учраши ҳам қайд қилинди. Бунга кўра айрим маҳалла номларининг иккинчи қисмида кўча ва маҳалла, паст ва туман сўзлари, биринчи қисмида эса юқори ва тена сўзлари бири иккинчиси ўрнида қўлла-нилади: Мошмаҳалла—Мошқўча, Юқоригўча—Юқоримаҳалла, Даштмаҳалла—Даштқўча, Соймаҳалла—Сойқўча, Пастмаҳалла—Туманмаҳалла, Юқоримаҳалла—Тенамаҳалла, Пастмаҳалла—Қуймаҳалла, Юқоримаҳалла—Баландмаҳалла қабилар. Карнайчимаҳалла—Карнайчигўл, Биринчи Хитой—Катта Хитой, Иккинчи Хитой—Кичик Хитой ойконимлари ҳам вариант номлар жумласига киради.

Ойконимларнинг маънолари кўп ҳолларда ўз-ўзидан билиниб, англашилиб туради: Яккатут, Қўштепа, Жарқишлоқ, Оқжар, Демариқ, Жилиқчилик, Эгарчилик, Тароқчилик, Қумқишлоқ, Эшонамаҳалла, Чуқурқишлоқ, Кўнчинор, Тўттол, Қатортерак, Йарқўча каби. Айрим ойконимларнинг маъноларини тарихий-этимологик таҳлил қилиш йўли билан аниқлаш мумкин. Оқёзи—оқ чўл, оқ дашт; Навкат—янги қишлоқ, Жўйдан—дам ариқ, Қацабулоқ—қазилган булоқ, чуқур булоқ, Қунжак—бурчак, чет жойдаги маҳалла, Обисийё—қора сув, ер остидан чиқадиган зах, сизоғ сувлар оқадиган ариқ, Тагиосийё—тегирмон таги, тегирмон пастси сингари. Базои ойконимларнинг маъносини аниқлаш қийин: Чўрғанди, Ловон, Лойсон, Нурсуҳ, Риптон, Данғара, Арсиф, Гуллиён, Бўрбаллиқ, Катплут, Ававал, Улгарма, Мўён, Валик, Пошуварон, Ахшак, Жаннатмон, Садқак, Холмиён, Саланг, Бедарак, Умбара, Палдингон, Чўнғара, Чубургон ва бошқалар.

Вақтлар ўтиши билан айрим аҳоли масканларининг йириклашуви, улардаги аҳоли сонининг ўсиши туфайли қишлоқлар иккига бўлиниб қолган. Натигада ўша қишлоқни ифодаловчи ойконим олдидан янги сифатловчи сўзлар орттирилган. Бу сўзлар объектининг ҳажминини, жойлашини ўрнини, пайдо бўлган вақтинини ва бошқа

хусусиятларини акс эттирган. Буларга Катта Аравон—Кичик Аравон, Катта Мишлар—Кичик Мишлар, Катта Оқтепа—Кичик Оқтепа, Катта Кенатас—Кичик Кенатас, Юқори Ўқчи—Пастки Ўқчи, Тепа йКалойир-Пастки йКалойир, Юқори Хўжаҳасан—Пастки Хўжаҳасан, Баландки Янгиқўрғон—Пастки Янгиқўрғон, Бешкапа болонБешкапа ноён, Юқори Қўнбирот—Туман Қўнбирот, Яшил Араб—Эски Араб ойқонимлари мисол бўла олади.

Ойқонимлар ном асосдаги сўзнинг маъно ва мазмунига кўра бир неча гуруҳга бўлиб ўрғанилади. Бинобарин, ойқонимларни лексия-семантик жиҳатдан таҳлил этганда уларни қандай сўзлар асосида яратилганини аниқлаш ва номлашиш тамойиларини белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, ойқонимларнинг номлашиши турлича кечади. Уларнинг баъзилари аҳолининг этник таркибини ифодаловчи уруқ, қабила, халқ номлари билан (Маңгит, Қўнбирот, Қипчоқ, Қозоқовул, Тожиққилшоқ) аталса, айримлари киши исмлари ва лақаблари воситасида (Раҳимтулло, Сулаймон, Ғаниқилшоқ, Ҳамрабод, Алшмерган, Қаримдевона) ном олган бўлади. Айрим ойқонимлар ўсимлик ва ҳайвонот оламига алоқадор сўзлар (Чинор, Яккатут, Тўнгол, Юлдузор, Каттархона, Лайлаку) шуншдек, касб-хунарга оид атамалар (Дегреалик, Ностар, Тароқчилиқ, Чинисоз, Пиллакаш) билан юритилади. Қўйида уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз. Аҳоли маскаллари иктимойий-иқтисодий ҳамда тарихий катехория бўлиб, уларнинг номлашиш жиҳатлари вақт ўтиши билан ўзгариб боради.

Ойқонимларнинг географик ва лингвистик нуқтан назардан ўрғанишда уларни гуруҳ-гуруҳларга бўлиб таснифлаш усули кент тарқалаш. Аҳоли масканларини асосан икки йirik гуруҳга бўлиб ўрғаниш мумкин.

1. Табиий ёки табиий-географик ойқонимлар.
 2. Иқтисодий-иктимойий ойқонимлар.
- Табиий-географик ойқонимлар ўз навбатида сув билан боғлиқ (гидроойқонимлар), рельефини акс эттирувчи (оройқонимлар), ўсимлик дунёси номидан олинган (фи

тоойқонимлар) каби турларга бўлинса, иқтисодий-иктимой ойқонимлар ўз навбатида кишилар исмидан (антропоойқонимлар), уруқ-қабилалар номидан (этноойқонимлар) ва иқтисодий турмушни акс эттирувчи ойқонимларга бўлинади. Ойқонимларни хуқурроқ таҳлил этиш мақсадида яна кичик гуруҳларга бўлиш мумкин. Қўйида шулар хусусида баътафсил тўхталиб ўтамиз.

ГИДРООЙҚОНИМЛАР

Фарғона вилояти топишмиёси тизимида гидроойқонимлар маълум бир ўрнини ишғол этади. Сув объекларининг атоқли отлари—гидронимлар билан аталган аҳоли яшап масканлари номлари гидроойқонимлар деб айтилади. Таъкиллап лозимки, сув объеклари инсон ҳаётида қадим замонлардан буён катта иктимойий, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган. Қўнлаб аҳоли сой, ариқ, булоқ, сув бўйларига, атрофларига жойлашиб истиқомат қилган. Шу боис сув объекларини билдирувчи атоқли отлар секин-аста улар яшаган жойлар, масканларни ҳам ифода эта бошлаган. Тошариқ, Қорасув, Оқкўл, Дамариқ, Янгиариқ сингари.

Гидроойқонимларни қандай ва қайси тилдаги сув-диқлар номи билан аталганлигига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрғаниш мумкин.

1. Ариқ номига нисбатан берилган ойқонимлар: Дамариқ (Бувайда, Кува, Олтиариқ туманлари), Қумариқ (Учкўприк, Ёзёвон туманлари), Янгиариқ (Сўх, Охунбобов, Фарғона, Олтиариқ туманлари), Белариқ (Олтиариқ тумани), Зарариқ (Риштон тумани), Қизилариқ, Хотинариқ (Охунбобов тумани), Қўлариқ (Тошлоқ тумани), Сувлиариқ (Ёзёвон тумани), Даштариқ, Оқариқ, Жўлдаариқ, Қайрмариқ (Фарғона тумани) кабилар.

2. Сой номларига нисбат берилган ойқонимлар: Янгисой (Фарғона шаҳри), Кувасой (вилоятдаги шаҳар номи), Ғалчасой, Қизилсой, Оқтепасой (Қўқон шаҳри),

Сойпишдир (Дангара тумани) ва бошқалар.

3. Кўл номига нисбат берилган ойконимлар: Дамкўл (Фарғона тумани), Ойшикўл (Бувайда тумани), Қорақўл (Учкўприк, Балод туманлари), Шайтонкўл (Бешариқ тумани), Кўл Элаш (Ўзбекистон тумани) сингарилар.

4. Булоқ номига нисбат берилган ойконимлар: Зарбулоқ, Оқбулоқ (Кўқон шахри), Совурбулоқ (Фарғона тумани), Кандабулоқ (Қува тумани), Ойдинбулоқ, Қайнарбулоқ (Ўзбекистон тумани) кабилар.

5. Қудуқ, ховуз, кевуз номлари билан аталган ойконимлар: Оққудуқ (Қува тумани), Узухузов (Марилон шахри), Тошхузов (Охунбобоев тумани), Каттаҳузов (Бувайда тумани) ва бошқалар.

Фарғона вилоятидаги гидроойконимлар ном учун асос бўлган сўзнинг маъно ва мазмунига кўра қуйилган семантик гуруҳларга ажратилади:

1. Уруғ, қабиле, қавм, тоғфа номлари (этнонимлар) билан яритилган гидроойконимлар. Буларни этногидроойконимлар дейиш мумкин. Мисоллар: Қингтоқариқ (Кўқон шахри, Топлоқ тумани), Болтақўл (Охунбобоев, Фурқат туманлари), Наймансой (Ўзбекистон тумани), Хўжаариқ (Топлоқ тумани), Ғалғасой (Кўқон шахри) кабилар.

2. Сўзнинг маъна-таъми, ранг хусусиятига кўра номланган гидроойконимлар: Ачиқкўл (Кўқон шахри), Ширисув (Балод тумани), Қизилариқ (Охунбобоев тумани), Қорасув (Фарғона тумани), Оққўл (Дангара тумани), Шўрсув (Ўзбекистон тумани), Қорақўл (Балод, Учкўприк туманлари), Қорасой (Езёнов тумани), Қораариқ (Охунбобоев тумани) ва шунинг сингарилар.

Илмий адабиётларда қайд этилишича, гидроимлар таркибда қўлланган оқ сўзи доимо оқиб турадиган, тоғ музликларидан келадиган, қор сувлари билан тўйинадиган, ўз табиий ўзида оқалган, ёзда қуримайдиган, ранги оқ тусда бўлган, ичишга яроқли сувга нисбатан ишлатилади. Ер ости ва сизот сувларидан тўйинадиган, секин оққалиги учун тиниқ, қорамтир тусда кўринадиган,

табиий ўзида оқмайдиган сувга нисбатан эся қора сўзи ишлатилади.

3. Сув объектининг сон-саноги, миқдорша кўра аталган гидроойконимлар: Кўпарик (Тошлоқ тумани, Кўқон шахри), Учариқ (Риптон тумани), Учолпш (Тошлоқ тумани), Тўққизбулоқ (Кўқон шахри), Кўшкечик (Қува тумани), Бешариқ, Олтиариқ (вилоятдаги туман номлари), Бешбулоқ (Бешариқ тумани); Қирқхузов (Марилон шахри) кабилар.

4. Сув объектининг ҳажмига, шакл тuzилишига, пайдо бўлган вақтига, оқимдаги йўналишига кўра номланган гидроойконимлар: Каттаҳузов (Тошлоқ тумани), Узухузов (Марилон шахри), Янгиариқ (Фарғона, Охунбобоев, Сўх туманлари), Дамариқ (Бувайда, Фарғона туманлари), Дамкўл (Фарғона тумани), Жўйдама, Янгисой (Фарғона шахри), Улкаисой (Кўқон шахри) кабилар.

3. Ер қатламнинг устки тuzилиши, тупроқ таркибига, жойнинг рельефига кўра номланган гидроойконимлар: Тошариқ (Бешариқ тумани), Қумариқ (Учкўприк, Топлоқ, Езёнов туманлари), Даштариқ (Олтиариқ тумани), Шаршара (Фарғона шахри), Шалдирама (Марилон шахри) сингарилар.

Урни келганда шуня айтиш зарурки, айрим аҳоли масканлари (қишлоқ, маҳалла, кўчалар) маълум бир сув объекти (булоқ, сой, ариқ, кўл, канал)нинг қасрига, қайси томонига жойлашганлигига кўра ном олган. Табиийки, бу хил топонимлар ҳам объектининг гидрономмик хусусиятларини ўзида аке эитиради. Булоқбоши (Риптон, Бешариқ туманлари, Кўқон шахри), Соибўйи (Фарғона, Қува, Езёнов, Топлоқ, Охунбобоев туманлари, Қуvasой шахри), Ариқбоши (Бешариқ тумани), Ариқбўйи (Риптон, Охунбобоев, Учкўприк, Дангара туманлари, Марилон шахри), Кўлбўйи (Олтиариқ тумани), Ховузбўйи (Риптон тумани), Сувбоши, Соёёни (Топлоқ тумани), Каналбўйи (Марилон шахри, Учкўприк, Езёнов, Риптон туманлари), Соиблаби (Бешариқ тумани), Каналтаги (Қува тумани), Орозбўйи (Марилон шахри), Кўзлаби (Олтиариқ тумани).

Картанбўйи (Учкўприк тумани) ва бошқалар.

Аксариyat ҳолатларда гидронимлар ойконимларга ўтганда ном таркибида грамматик ва фонетик жиҳатдан ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди. Сув объектини ифодалаган ном қандай кўринишда бўлса, қишлоқ ёки маҳаллага ном қилиб кўчирилганда ҳам шундайлигича қолаверади. Масалан, Дамариқ (ариқ номи) — Дамариқ (қишлоқ номи), Ойдинбулоқ (булоқ номи) — Ойдинбулоқ (қишлоқ номи), Оқсув (жилда номи) — Оқсув (маҳалла номи), Қизилсой (сой номи) — Қизилсой (кўча номи) каби.

Гидронимлар аҳоли турар жойларига ном бўлиб ўтганида улар ўртасида маъно ва вазифа жиҳатидан баъзи бир айирмаликлар юз беради. Бунда икки ҳолатни ҳисобга олмақ керак. Агар гидроним ифодалаган сув объекти ҳозирда мавжуд бўлса, у ҳолда бу ном гидроним сифатида тилда кенг тарқалган бўлади, унинг ойконимик номни ифодалашни иккинчи даражали ҳисобланади. Масалан, Қайнарбулоқ, Ойдинбулоқ дейилганда дарҳол булоқ номи тушунилади, чунки мазкур сув объектлари бугунги кунда бор. Қайнарбулоқ, Ойдинбулоқ атоқли отлариниш қишлоқ номларини ифодалашлиги эса иккиламчи ҳодиса саналади. Бу номлар тилга олинганда ҳам гидроним, ҳам ойконим тушунилади.

Гидроним ифодалоган сув объекти ҳозирча мавжуд бўлмаслиги, у маълум бир давр ўтиши билан йўқ бўлиб кетган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда номнинг гидронимик маъноси эмас, ойконимик маъноси янашца даромд этади. Чунончи, Кўкюн туруҳи туманларидаги Қорақўл, Каттаҳовуз, Топариқ, Бешариқ, Болтақўл, Дамариқ, Қулариқ, Аччиқўл сингари жой номлари аҳоли ўртасида ойконим сифатида ишлатилади. Бу номлар ҳатто XX асрнинг биринчи чоратида тузилган аҳоли масканларининг рўйхатларида ҳам қишлоқ номлари тарафца қайд этиб ўтилган. Бинобарин, юқоридаги атамалар пайдо бўлиши жиҳатидан сув объектларининг номлари бўлса ҳам, ҳозирда бу сув объектлари тамомила йўқ бўлиб кетган. Шу сабабли мазкур атоқли отлар кейинчалик қишлоқ номи сифатидагина сақланиб

қолган. Кўчирилган номлардаги бу хусусият маълум текшириш ишлари орқали аниқланади.

ОРОЙКОНИМЛАР

Жой рельефининг тузилиши, сатҳи билан боғлиқ бўлган бундай ойконимлар геоморфологик ойконимлар ёки ороойконимлар деб аталади. Оронимларга тоғ, адир, қир ва тешиклар эмас, балки рельефнинг салбий шакллари — водийлар, даралар, жарликлар, сойликлар, ўйиқ-чиқирлар, шунинчдек, текислик, паст-текистиклар ва қумликлар ҳам киради. Вақт ўтиши билан объектининг рельефи ўзгариши мумкин, бирок ўша рельефини ифода қилган ном сақланиб қолаверади. Чунончи, "тепа", "жар" маъносини билдирган ойконимларнинг айримлари ҳозирги вақтда ўша жой рельефи хусусиятини айнан аниқлатмаслиги мумкин.

Рельеф шаклларидаги аҳоли масканларига энг кўп қўйилган ном тепа сўзи билан боғлиқ. Қадимда аж-долларимиз кўпроқ мудофая мақсадларини кўзлаб ўз янаш мазилтоҳларини тешалар яқинида ташкил этганлар. Мазкур ҳолат дўшман хавфини анча узоқдан билиш ёки бошқаларни бу ҳақда огоҳлантириш имконини бераган. Фарона вилоятида тепа сўзи қатнашган қишлоқлар сонининг ўттизтадан ортиши фикримизнинг далилидир. Ушбу аҳоли манзилтоҳларига Азиятепа, Арабтепа, Ариқтепа, Гўртепа, Зиндонтепа, Китконтепа, Оқтепа, Симтепа, Собиртепа, Сочтепа, Сурхтепа, Телажалоер, Телакўрғон, Телалик, Телатаги, Тилдагела, Тошлоқтепа, Топтепа, Учтепа, Чилонтепа, Шаҳартепа, Шўртепа, Қизилтепа, Қилоттепа, Қоратепе, Қоровултепа, Қумтепа, Қўштепа кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Албатта бу телаларнинг ағасини, ўзига хос хусусиятини, сон-сановини билдирувчи кўшимча сўзалар ҳам таҳлилга муҳтож бўлади.

Вилоятда жар сўзи қатнашган жой номлари кўпроқ қишлоқнинг яқин атрофидаги салбий рельеф шакли "жар" — ўйилган чуқур сойлик" борлигидан дарак беради.

Топтепа, Топохир, Тошқовуз, Тошқинлоқ, Тошқўрғон, Полвонтош, Кўктош каби маҳалла ва қишлоқ номлари қайд этилган бўлиб, улар таркибдаги тош сўзи топоним яшовчи сифатида ишлатилган.

Қадимги географик терминлардан яна бири— ёзи бўлиб, туркий ва эски ўзбек тилида, чўл, дашт, текисликни билдирган. Ҳозир истеъмодан чиқиб кетган, лекин Ўзбекистон ҳудудидаги айрим топонимлар таркибида сақланиб қолган. Бунга Фарона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Оқёён, Сарисён номли ойконимларни мисол қилиш мумкин. Оқёён—оқ чўл, оқ дашт, Сарисён— сариқ дашт, сариқ чўл маъносини билдиради. Марказий Фаронада жойлашган Ёзёвон туманининг номи ёён ва ёбон сўзларидан тузилган. Бундаги ёбон сўзи ҳам чўл деган маънони беради. Келиб чиқишига қўра Ёзёвон тарафда шаклланган бу номда вақт ўтип билан туриш фонетик ўзгаришлар бўлган, дастлаб и товуни тушиб қолган, сўнг б товуши в товуши билан алманиб Ёзёвон шаклини олган. Ёзёвон айнан "чўл, чўли биёвон, текис чўл" демакдир.

Ҳудуднинг ўша хос табиий географик хусусиятларидан рельефининг тузилиши, сатҳи, тоғ, адир, қир ва тешликлар, водийлар, даралар, жарликлар, сойликлар, текислик, пасттекисликлар ва қумликлар билан боғлиқ бўлган ойконимлар мазкур табиий объектларнинг ўзлари каби узоқ вақт ўзгармасдан сақланиб туриши билан аҳамиятлидир.

ФИТООЙКОНИМЛАР

Топонимларнинг яна бир гуруҳини ўсимлик ва даракт номлари асосида яратилган жой номлари ташкил этади. Ўсимлик ва даракт номлари билан аталган аҳоли масканлари номи—фитоойконимлар (юнонча фитос - ўсимлик демакдир) маълум ҳудуддаги ўсимликлар дунёсининг муҳим хусусиятларини ўзид ақс эттиради. Бу турдаги жой

Жар сўзи орқали Аюржар, Жаманжар, Жарарик, Жарболти, Жармачит, Жарқишлоқ, Жарқўрғон, Оқжар, Тағижар, Қизилжар сингари қишлоқлар номланган. Шушигдек, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лувғит турк» асарига қайд этилганидек, ёр сўзи ҳам жар, ўйилган ер маъносини беради. Адабиётларда бу сўз Наманган гуруҳи шеваларида Ҳозир ҳам шу маънода ишлатилиши таъкидланади. Наманган вилоятининг Уйчи туманида Ёртепа, Ёрқўрғон, Ёртаги, Ёрқўча, Кесканёр, Янгиқўрғон, Чуст туманларида Ёрқишлоқ, Андиқон вилоятда Оқёр, Куйганёр, Фарона вилоятининг Фарона туманида Ёрмосор, Ёрдон деб аталувчи қишлоқлар бор. Бу топонимларда ёр сўзи жар маъноси билан географик номлар таркибида қатнашган ва жойнинг рельеф хусусиятларини ўзид ақс эттиради.

Вилоятда рельеф шаклини билдирувчи Адирболо, Панаадир, Чордара, Дўнгарой, Беларик, Камар, Қолчугай ёки чуқур сўзи билан Чуқурқишлоқ, Чуқурқўча каби топонимлар яратилганлигини кўришимиз мумкин.

Геоморфологик ойконимларга рельеф шаклидан ташқари жойнинг ландшафт тузилишини билдирувчи жой номлари ҳам қиради. Бундай ойконимлар таркибида дашт сўзи кеш тарқалганлиги билан ажралиб туради. Одатда дашт — "обод қилинмаган, сувсиз чўл" га нисбатан қўлланадиган географик терминдир. Табиий географияда дашт табиат зонаси деб чўлга нисбатан шимолда жойлашган, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан бойроқ бўлган ҳудудга айтылади. Фарона вилоятда дашт сўзи билан Дашт, Даштобод, Дашт маҳалла, Дашт Пандитон, Дашт Тегирмон, Дашт Чўлпон, Дашт Ҳасан, Уқчидашт, Бандидашт каби қишлоқ ва маҳаллалар номлари юритилди.

Навбатдаги геоморфологик ойконимлар қаторига тош сўзи билан бошланадиган жой номларини киритиш мумкин. Бу ойконимлар таркибдаги тош сўзи — қаттиқ тоғ жинсларининг умумий номи ёки алоҳида турган қоя сифатида қўланилган бўлиши мумкин. Вилоятда Тошараб, Тошариқ, Тошобод, Тошлоқ, Тошлоқтепа, Тошмасжид,

номларининг вужуға келиши қадимги даврларға бориб кетиледи. Маҳмуд Қошқарийнинг "Девону лугатит турк" асарида қайд этилган Оқтерек, Олайтоя, Қорайноя сингари топонимлар бу финернинг ёрқин даялидир. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида Бодомчашма, Бобинафина, Боянчинор, Жийдалик, Қандибодом, Олмалик, Чинорон сингари жой номлари учрайдики, буларнинг аталлини ҳам бевосита ўсимликлар оламига алоқадордир.

Ўсимликлар инсониятнинг моддий тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, кишиларнинг ҳаёти ва хўжалик фаолиятига муҳим рол ўйнаган. Табиийки, улар инсон учун хом-ашё манбаи бўлган, чорва учун мўл-кўл озуқа базаси ҳисобланган. Шунинг учун ҳам кишилар турли хил ўсимлик номларини жой номи тарзида қўллай бошлаганлар. Бундай номлар кишилар ҳаётида ориентир (мўъал) бўлиб ҳам хизмат қилган.

Фарғона вилояти аҳоли масканлари номлари тизимидаги фитоэкономимларни дарахт ёки ўсимликларнинг турига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Мевали дарахт номлари билан юритилган ойқонимлар таркибиде қуйидаги сўзлар иштирок этган:

1. Жийда сўзи: Жийдали, Жийдайўли (Бувайда тумани), Жийдалик, Каттажийда (Олтиариқ тумани), Жийдақиллоқ (Бешариқ, Учкўприқ туманлари), Жийдалибоб (Қўқон шаҳри), Қоражийда (Бешариқ, Охунбобоев туманлари), Жийдаариқ (Фарғона тумани) қабилар.

2. Тут сўзи: Яккагут (Бешариқ, Учкўприқ, Ўзбекистон, Тошлоқ туманлари), Миштут (Ўзбекистон тумани), Сергут (Олтиариқ тумани), Тутқатор (Фарғона тумани, Сўх тумани), Учтут (Фарғона тумани), Туттаги (Марғилон шаҳри) сингарилар.

3. Ёнғоқ, узум, ток, бодом, ўрик, анор, олма, анжир, беҳи сўзлари: Ёнғоқлик (Бувайда тумани), Узумзор (Фарғона, Бувайда туманлари, Қўқон ва Марғилон шаҳарлари), Узумбоб (Риштон тумани), Токзор (Марғилон ва Қўқон шаҳарлари), Бодомзор (Риштон, Фарғона, Бағдод, Олтиариқ туманлари, Марғилон шаҳри), Ўрикзор (Фар-

ғона, Олтиариқ туманлари, Қўқон шаҳри), Анорзор (Марғилон шаҳри), Анорбоб (Сўх тумани), Олмазор (Фарғона, Олтиариқ, Қува туманлари), Анжирзор (Марғилон шаҳри), Беҳизор (Охунбобоев тумани, Қувасой, Марғилон шаҳарлари) ва бошқалар.

И. Мевасиз ўсимликлар номи билан аталган ойқонимлар тубандаги сўзлар орқали пақланган.

1. Тол сўзи билан: Толқишлоқ (Бешариқ, Бувайда туманлари), Қатортол (Бешариқ, Ёзёон туманлари), Тўттол (Ўзбекистон, Қува туманлари), Учтол (Қува тумани), Бештол (Тошлоқ тумани), Каттагол (Риштон; Учкўприқ туманлари), Яккагол (Бувайда тумани), Толмозор (Қува, Ўзбекистон туманлари), Мозортол (Бағдод тумани), Толкўча (Олтиариқ тумани), Толзор (Қўқон шаҳри), Мажкунтол (Бувайда тумани, Қўқон шаҳри), Сергол (Бешариқ тумани) қабилар.

2. Терак сўзи орқали: Теракмозор (Фарғона шаҳри), Қатортерак (Фарғона тумани), Жуфттерак (Марғилон шаҳри), Теракзор (Қўқон шаҳри), Бештерак (Бувайда тумани), Терактаги (Охунбобоев, Тошлоқ, Қува, Риштон туманлари, Марғилон шаҳри), Тераклибоб (Қўқон шаҳри) ва бошқалар.

3. Қайрағоч сўзи воситасида: Қайрағоч (Учкўприқ, Қува, Ёзёон, Риштон туманлари), Найзақайрағоч (Тошлоқ тумани), Муздақайрағоч (Охунбобоев тумани), Қайрағочор (Марғилон шаҳри) сингарилар.

4. Чинор сўзи билан: Чинор (Ўзбекистон тумани, Марғилон шаҳри), Чорчинор (Марғилон, Қўқон шаҳарлари), Қўлчинор (Бағдод тумани, Қўқон шаҳри), Чинортаги (Олтиариқ тумани), Чинормаҳалла (Бағдод тумани) қабилар.

Ш. Ўт номлари билан ифодаланган ойқонимлар кўп эмас. Данара туманидаги Гумайли, Тошлоқ туманидаги Шувоқзор қишлоқлари номлари шулар жумласига киреди. Юқорида қайд этилганлардан ташқари, Фарғона вилоятида яна Чилон (Қува тумани), Юлғунзор (Учкўприқ тумани), Майдаюлғун (Данара тумани), Арма, Юқори

Арча, Пастки Арча, Лимзор (Фаргона тумани), Қамшетила (Охунбобоев тумани), Чорбоғтўрғани (Бешарик тумани), Дўлапазор (Маргилон шаҳри), Лолазор, Сада (Тошлоқ тумани) фитоойқонимлари учрайдики, улар турли хил ўсимликлар номлари билан ифода қилингандир. Олтиариқ туманидаги Хористон, Сўх туманидаги Чумоқча, Себета фитоойқонимларининг ўзати тожикча хор (тизон), чумоқ (снгоқ), бед (тол) бўлиб, "тиконзор", "снгоқча кичик ёнгоқ", "кўп тол" маъноларини ифода қилади.

Фитоойқонимлар ўсимлик ёки дарахтнинг маълум бир жойда кўп ёки камлигидан дарак беради. Ўсимликнинг кўп эканлиги маъносини билдирувчи ойқонимлар таркибда "миш", "тўп", "қатор" сингари сонлар ва микдорни билдирувчи айрим сўзлар мавжуд бўлади: Миштут, Тўптол, Қатортол, Қатортерак сингари. Шунингдек, грамматик жиҳатдан -ли, лик, -зор кўшимчалари орқали шакланган ойқонимлар ҳам ўсимлик турининг маълум ерда бошқа объектларга нисбатан кўпроқ учрашлигини билдиради: Жийдали, Жийдалик, Ёнгоқлик, Юлғунзор, Узумзор, Теразор, Дўлапазор, Шувуқзор каби.

Ўсимликнинг камлиги ёки саноқли эканлиги маъносини билдирувчи ойқонимлар таркибда "якка", "кўп", "уч", "чор" (тўрт) сўзлари ишғирок элади: Яккагол, Яккатут, Кўпчинор, Учтол, Учтут, Чорчинор ва бошқалар.

Бундан ташқари, ҳеч қандай кўшимчасиз (аффикссиз) ўзак ҳолида қўлланувчи Чинор, Қайрағоч, Сада, Арча, Чилон сингари фитоойқонимлар ҳам жой номи учун асос бўлган сўзга ифодаланган ўсимлик турининг ўша ҳудудда озлиги, кам микдорда эканлиги, лекин энг характерли бели визифасини ўташлигини билдиради.

АНТРОПОИЙКОНИМЛАР

Антропоийқонимлар деб кишиларнинг исмлари, лақаблари, тахаллуслари ва фамилияларидан ясалган жой номларига айтилади. Вилоятда кўча, маҳалла ва

кешлоқларга ном беришда кишиларнинг исмларини қўйиш ёки топонимик комиссияга тақдим этиш ҳоллари кўп учреб туради. Шунга нисбатан, олиб мазкур мавзуда иккинчи фикрни айтиб қўйишни лозим тошим.

Биринчидан, юқорида таъкидланганидек, Ислон дини одатларига кўра жойларга ном беришда кишиларнинг исмларидан фойдаланиш у қадар қувватланмаган. Шарада яшаган улуг алломаларнинг исмларини дунё харитасида учрамаслиги ушбу фикрни тасдиқлайди. Кейинчалик сўлим гуналарга азиз-авлиёлар, ислом дини намояндаларининг исмлари қўйила бошлади. Бундай ном бир томондан ўша масканга зиёратчилар оқимини кўпайтириб, иқтисодий жиҳатдан наф кўрилишига сабаб бўлса, бошқа томондан шу маскан табиатини экологик жиҳатдан сақлашга ёрдам берувчи диний-ҳуқуқий ҳимоя воситаси сифатида ишлатилган.

Иккинчидан, республиканинг амалдаги қонунлари бўйича объектларга кишиларнинг исмини беришга алоҳида ҳолларда руҳсат берилади. Маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, боғлар ва аҳоли пуштакларининг бошқа таркибий қисмларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, физик-журофий, геологик, табиати муҳофаза этиладиган ва бошқа объектларга давлат, жамоат арбобларининг, сиёсий арбобларнинг, Ватан ҳимоятчилари, меҳнат қаҳрамонлари, фан, маданият арбоблари ва бошқа хизмат кўрсатган одамларнинг номини бериш фақат уларнинг вафотидан сўнг амалга оширилиши мумкин эканлиги белгиланган бўлиши керак.

Антропоийқонимларнинг вужудга келиши жамиятда синфларнинг пайдо бўлиши, кулдорлик тузуми давридан бошланган. Хусусий мулкчиликка асосланган феодализм даврита келиб ҳудуднинг асосий фарқловчи белгиси сифатида унинг кимга қарашли эканлиги, эгаси олинган. Натижада, катта худудлар, қишлоқ ва маҳаллаларга йирик феодаллар, уруғ ва жамоа бошлиқлари, маҳаллий ҳукмдорлар номи берилган. Бу ҳолат XX асрнинг бошларида қадар давом этган бўлса, ҳозирда маҳаллалар, кўчалар,

4. Шахс исми ва унга қўшилиб қўлланган мансуб, амал номлари билан ифодаланган ойконимлар: Ашурқозин (Учкўприк тумани) Шералимингбоши, Олимқул доғдо, Муҳаммад Раззоқ девонбег, Хўжа доғдох, Отабек ноиб, Ҳамдам оталиқ, Тўхлимерган (Кўқон шахри), Ашурқулумерган, Қурбонмерган, Давлатботир (Ўзбекистон тумани), Ҷрозмерган (Учкўприк тумани), Алиммерган (Бувайда тумани), Машсурамин (Қува тумани), Қозин Ахрор (Риштон тумани) ва бошқалар.

5. Шахс исми ва этник ном билан ифодаланган ойконимлар: Қурбонқашқар (Учкўприк тумани), Қосимавюн (Ўзбекистон тумани) кабилар.

6. Киши исми билан географик терминнинг бириккуви орқали ясалган ойконимлар. Бу гуруҳга мансуб бўлган айроқойконимлар шахс исмларига асосан қишлоқ, маҳалла, кўрғон, кўрғонча, овул, гузар, тала, дашт, чўл, бор сингари индикаторларни қўшиш орқали ифода қилинган: Ҳайитқишлоқ, Султонқишлоқ (Фурқат тумани), Фашиқишлоқ, Фанидашт, Дашт Ҳасан, Дашт Чўлпон, Комилчўли (Ўзбекистон тумани), Умрзоқмаҳалла (Риштон тумани), Ризомаҳалла, Бегимжонтепа (Фарғона тумани), Пўлаткўрғон (Данғара тумани), Юсуфқўрғонча, Ҳасанқўрғонча (Бувайда тумани), Собиртепа (Бешариқ тумани), Хошимдашт, Ҷрозбор (Учкўприк тумани), Ҳожибекгузар (Кўқон шахри), Тўхтаовул (Ўзбекистон тумани), Искандарчўли (Риштон тумани), Чўл Юнус, Чўл Рўзиқул (Бағдод тумани) ва бошқалар.

7. Киши исмига "обод" аффиксидини қўшиш орқали ясалган ойконимлар: Ганиобод, Хайларобод (Ўзбекистон тумани), Акбаробод (Қува тумани), Хуррамобод (Риштон тумани), Магқуллобод, Йўлдошобод, Қосимобод (Бағдод тумани), Азимобод, Нишонобод (Олтиариқ тумани), Ҳамраобод, Нўъмонобод (Фурқат тумани), Шеробод, Раҳимобод, Султонобод, Умрзоқобод (Учкўприк тумани), Завқийобод, Турсунобод (Кўқон шахри), Солижонобод (Оҳунбобоев тумани) кабилар.

8. Киши исми билан чек сўзининг бириккувидан

майдонлар, хиёбонлар, боғлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, табиий географик, геологик, табиати муҳофаза этиладиган ва бошқа объектларга давлат, жамият арбобларнинг, сиёсий арбобларнинг, ватан ҳимоячилари, меҳнат қаҳрамонлари, фан, маданият арбоблари ва бошқа хизмат кўрсатган одамларнинг номини бериш орқали айроқойконимларнинг маъдум қатлами яратилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ўтмишда киши атоқли отларининг жой номига айланиши турли хил усулларда воқе бўлган. Уларнинг энг муҳим турлари қуйидагилардир.

1. Киши исмининг ўзи билангина аталган ойконимлар. Бунда шахс исми бирон-бир қўшимча элементсиз тўғридан-тўғри жой номига кўчган. Масалан, Ботирхўжа, Собиржон, Бобошбек, Эпимбек, Бекмурод (Учкўприк тумани), Истом, Сулаймон, Худойрхон, Маллахон, Ботирбой, Бобохўжа (Ўзбекистон тумани), Наби, Қимсан, Ҳожибек, Шоберди (Бешариқ тумани), Тангриқул, Раҳматулло, Бойбўта, Мирбоқи, Мусобек, Абдусамд, Шоғўлат (Данғара тумани), Шойимбек, Шотўра, Кўқонбой (Фурқат тумани), Салим, Рўзиқул, Тўрақул, Орифбой (Қува тумани), Подирмат (Оҳунбобоев тумани), Авазбой (Риштон тумани), Мирфозил (Олтиариқ тумани), Миртоҳир, Давронбек, Бобобек, Миргулшанбой, Муқимжонбой (Кўқон шахри) ва бошқалар.

2. Киши исми ва унга қўшилиб қўлланган титўл номидан иборат ойконимлар: Мулла Зоир (Учкўприк тумани), Мулла Бошмон, Валихонтўра, Офтобойим, Моҳларойим, Мирзо Хайрулло, Жаҳонгир мирзо, Ислон мирзо, Ҳакимхонтўра, Мулла Собир охунд (Кўқон шахри), Узоқ хоаяи (Риштон тумани) ва шунинг сингарилар.

3. Киши исми ва лақаби асосига шакллانган ойконимлар: Каримдевона (Ўзбекистон тумани), Муродқўса (Қува тумани), Ҳасанқора (Учкўприк тумани), Ходдевона (Фарғона тумани), Уста Бозор (Кўқон шахри), Холшўлпон, Уста Сангин (Олтиариқ тумани), Уста Абдулла (Риштон тумани) кабилар.

тузилган ойконимлар. Бу хил ойконимлар Фарғона водий-сида, хусусан вилоятимизда кўп учрайди. Чек дейилганда кўпинча қимтадир қарашли хусусий ерлар тупунилган. Бу хил хусусий ерларда ташқил топган қишлоқ, маҳаллалар кейинчалик чек сўзи билан аталган. Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Жумабойчеки, Фурқат туманидаги Чек Шариф, Чек Жўрабек, Риштон туманидаги Чек Насриддин, Бағдод туманидаги Чек Миразобод каби қишлоқ номлари шулар жумласидандир.

9. Қиши исмига "бобо", "ота", "пир" сўзларидан бирининг кўпилини асосида вужудга келган ойконимлар: Каримбобо (Бағдод тумани), Умьятбобо (Бешариқ тумани), Қўлбобо (Фурқат тумани), Хўжа Абугуроббобо (Дангара тумани), Алиназарота (Кўқон шаҳри), Бостонбува, Пошпопирим (Бувайда тумани), Пир Сиддиқ (Марғилон шаҳри), Хожинота (Тошлоқ тумани), Шокирота, Мустафоқулола, Фозилбобо (Риштон тумани) кабилар.

ЭТНООЙКОНИМЛАР

Ойконимларнинг вужудга келишида аҳолининг этник таркиби—маъlum хулудда истиқомат қилган турли халқ, қабила, урув, қавмлар муҳим роль ўйнаган. Аҳоли масканларининг кўпчилиги кишиларнинг ижтимоий гуруҳига—қайси қабила ва урув, қавмга мансублигига нисбатан ном ола бошлаган. Этнонимдан ясалган ойконимлар—этноойконимлар, одатда, турли қабила, урув вакиллари кўпиначи яшаш яшаган хулудларда, этнонимлар фарқ этувчи белги вазифасини бажарадиган жойларда юзага келган. Бундай номлар ўша қабила, урув вакилларининг ўзлари томонидан берилмаган, балки кўпни, иккинчи қабила кишилари томонидан қўйилган. Этноойконимларни ўрганиш орқали айрим этносларни ўтмишда яшаган жойларини аниқлаш мумкин.

Фарғона вилояти хулудидagi аҳоли масканларининг салмоқли қисми ўтмишдаги урув, қабила, қавм номлари—

этнонимлар билан аталган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бошқа туркий халқлар каби ўзбек халқи ҳам тарихан бир қанча урув-қабилалардан таркиб топган. Одатда, 92 ўзбек уруғи бўлган, деб ҳисоблайдилар. Қипчоқлар, кўнйротлар, мангитлар, кенгагаслар, жалоийрлар, курамалар, саройлар, найманлар, дўрмонлар, қанқилар, минлар, юзлар, қотагонлар, барлослар, қовчинлар энг йирик қабилалардан саналганлар. Бу урув, қабилаларининг ҳар бири бир неча майда узвлар, бўлақлар, тўпларга бўлинганлар. Даврлар ўттиши билан уларнинг бир қисми унутилиб кетган. Аммо урув номларининг аксарияти жой номлари сифатида сақланиб қолган. Қуйида шундай этноойконимларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Қипчоқ қабиласи ўзбек халқининг энг катта ва нуфузли қабилаларидан биридир. Республикамыз хулудида қипчоқлар Фарғона водийсида, Зарафшон воҳасида, Хоразмда яшаганлар. Бухоро, Қашқадарё, Тошкент томонларда ҳам уларнинг айрим гуруҳлари ўтrockлашиб қолганлар. Профессор Карим Шониезовнинг ёзишича, XIX аср охирларида Фарғона водийсидаги қипчоқлар 70 минг кишини ташқил этганлар. 1917 йилги аҳоли рўйхатида кўра водийда 84 та қипчоқ қишлоқлари мавжуд бўлган. Бинобарин вилоятимизнинг Бешариқ, Тошлоқ, Риштон туманларидаги Қипчоқ деб аталувчи қишлоқлар шу этнонимдан ном олган. Кўқон шаҳри ва Тошлоқ туманидаги Қипчоқариқ гидроойконимларининг номла-ниши ҳам бевосита қипчоқ этнонимига алоқадордир. Бу ерда яна шунчи ташқидлаб ўтиш жонзакки, қипчоқлар ўтмишда бир неча уруқларга: кўғай, бувач, кумушой, ўлмас, яшиқ, жайдоқ, пучукой, элатон, бўғаз, оғим, тоз, сирмоқ, черик, кўкбўйиш, тўрайғир, товудли, чаңгароқчи, чиял, қулон, оқбўйра, бошқирт, тикон, қоратикон, қорабобур, қорабўйини сингариларга бўлинган эди. Хозирги вақтда маскур қипчоқ уруқларининг бир қисми вилоятимизда улар яшаган жойларда ойконимлар сифатида сақланиб қолган. Дангара туманидаги Яшиқ, Тўрайғир, Қизилмуш, Бешариқ туманидаги Қорабўйини, Товул, Учкўйрик

туманидаги Пучуёй, Бувайда туманидаги Батқир, Олтиариқ туманидаги Оқбўйра қишлоқларининг номлари буларга мисол бўла олади.

Жалойир—бир неча туркий халқлар, жумладан, ўзбек, қozoқ, қорақалпоқ халқларининг таркибига кирган йирик қабидалардан бирининг номидир. “Ўзбек энциклопедияси”да қайд этилишича, ўзбеклар таркибига кирган жалойирлар ўтмишда Ташкент ва Бухоро воҳдаларида, Нурута тоғ этақларида, Жиззах, Каттақўрғон томонларида, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона vodiёсида яшаганлар. 1920 ва 1926 йиллардаги аҳоли рўйхатида Ўзбекистонда яшовчи жалойирларнинг сонини 25 миң кишига яқин эканлиги аниқланган. Ҳозирда ўлкамизда жалойир қабиласи номи қишлоқ номлари тарзида кўп учрайди. Хусусан Фарғона вилоятида бир неча аҳоли маскани Жалаер номи билан юритилади. Бу қишлоқлар Учкўприк, Фурқат, Баяод, Бувайда, Риштон, Кува туманлари худудида жойлашган.

Найман 92 бовли ўзбек халқининг энг катта ва энг қадимий қабидаларидан биридир. Профессор Х.Дониёровнинг ёзишича, найман қабиласига мансуб кишилар республикамизнинг деярли ҳамма вилоятларида, хусусан Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразмда яшайдилар. Найман этноними ўлкамиз харитасида жой номи тарзида тез-тез учраб туради. Жумладан, Фарғона vodiёсида 20 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллалар Найман номи билан юритилади. Вилоятимизнинг Бувайда, Топлоқ, Охунбобоя, Кува, Олтиариқ туманларида ва Куваасой шахрида Найман, Дангара туманида эса Найманча деган аҳоли масканлари мавжуд.

Ўзбек халқи таркибига кирган нуфузли этник гуруҳлардан яна бири турклардир. Тарихчи В.П.Наликиннинг “Кўқон хонлигининг қисқача тарихи” асарига қайд этилишича, Фарғона vodiёсидаги турклар асосан Марвilon билан Аравон оралигидаги жойларда тарқалган бўлиб, ярим кўчманчилик ҳолатида ҳаёт кечирганлар, ёз мавсумларида Олой тоғининг яйлоқларида мол-қўй боқиб,

чорвачилик билан шуғулланганлар. “Ўзбек энциклопедияси”да кўрсатилишича, 1924-1925 йиллардаги статистик маълумотга қараганда, Фарғона vodiёсида яшagan турелар 24 миң 279 кишидан иборат бўлган. Фарғона вилоятида Катта Турк, Кичик Турк (Дангара тумани), Туркравот (Кува тумани), Турк (Бувайда тумани) ойконимлари мана шу турк қабиласи номи билан аталган.

Қадимги йирик қабидалардан бири—манитлардир. Тарихчи Н.Норқуловнинг ёзишича, XVIII асрда Мовароуннаҳрда манитлар 12000 уйликни ташкил қилганлар. 1923-1926 йиллар маълумотларига кўра, Ўзбекистонда яшовчи манитларнинг умумий сонини 130 миңдан ортиқроқ бўлган. Вилоятимизнинг Дангара, Бувайда туманларидаги Манит қишлоқлари шу этноним асосида ном олган. Бешариқ тумани Дехдонтўда қишломи ўрамидаги маҳаллалардан бири ҳам Манит деб юритилган. Шунингдек, Бувайда туманида Бўри Манит, Кўр Манит, Сор Манит ойконимлари учрайди, булар манит қабиласининг шахобчалари номи билан аталгандир.

Қангли ҳам қадимги ва нуфузли қабидалардан биридир. Этнограф олим К.Шонийёвнинг зикр этишича, қанглиларнинг кўпчилик қисми XVI-XVIII асрларда Дашти Қишлоқдан Ўзбекистонга келиб ўрнашиб қолганлар. Улар XIX аср охири ва XX аср бошларида Ташкент, Мирзаўил, Фарғона ва Зарафшон воҳдаларида яшаганлар. Бу худудларда ўз этник номларини сақлаб қолган қанглилар 24 миң кишидан иборат бўлган. Қанглилар ўтмишда 42 та уруфта бўлинган, Фарғона вилоятидаги қанглилар ҳозирги Учкўприк туманидаги 2 та қишлоқда ҳамда Баяод туманидаги 3 та аҳоли пунктида истиқомат қилиб, жами 6 миң кишини ташкил этишган. Ўрганишлатган худуддаги Қангил (Учкўприк тумани) ойконими бевосита шу этнонимнинг ўз билан аталган. Қангли товуш ўзгариши туфайли Қангил нақлида қўланилиб кетган. Ирсони Қангли, Бозали Қангли, Кўвали Қангли (Баяод тумани) ойконимлари эса қангли қабиласи ва унинг тармоқлари номи билан юритилган. Дарҳақиқат, ирсони, бозали, кўвали — қангли

қабиласи таркибига кирувчи уруғ номларидир.

Фарғона водийсида 10 дан ортиқ аҳоли маскани юз этнонимдан ном олган. Дарҳақиқат, юзлар ўтмишида 92 бошли ўзбек уруғ ва қабилалари орасида энг катта қабилалардан ҳисобланган. Профессор Х.Дошёровнинг ёзишича, юз қабиласи аввало учта катта бўлакка бўлинган: марқа боласи, қироичи, ражаб боласи. Марқа ўз шабатида иккига ажралган: уяс солини ва хитой юзи. Уяс олтига, солин ҳам шунча гуруҳга, хитой юзи эса 12 отага бўлинган. Юзнинг қароичи, ражаб боласи бўлаклари ҳам бир неча тармоқларга бўлиниб кетган. "Ўзбек энциклопедияси"да уқтирилишича, 1920, 1923 ва 1970 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатиغا кўра, ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида юзлардан қарийб 60 мингга яқин киши яшаган. Юзларнинг бир қисми Фарғона водийси, жумладан вилоятимиз ҳудудида ҳам истиқомат қилганлар. Юзлар (Қува, Шаҳрихон, Олтинқул туманлари), Юзья (Шаҳрихон, Қува туманлари), Юзмаҳалла (Қува тумани), Қароқчиёз (Шаҳрихон тумани), Марқазоз, Қароичи, Ғанчиёз (Асака тумани), Чўжаюзья (Шаҳрихон тумани), Улез (Марҳамат тумани) ойқонимлари юз этноними ва унинг тармоқлари, ушлари номлари билан аталандир. Бундан ташқари, ўтган асрнинг бошларида тузилган аҳоли пунктларининг рўйхатида кўрсатилишича, собиқ Кўқон уезидининг Қилчоқ волостида қарангли Сарой қишлоқ жамоасида (бу ҳудуд ҳозирда Данғара туманига қарайди) Юзлар қишлоғи мавжуд бўлган. Шунингдек, Кўқон шаҳри маҳаллаларидан бири XX асрнинг 30-йилларигача Юзлар деб аталган. Шаҳар топонимида комиссияси қарори билан бу тарихий этноойқоним тикланиб, қайта истеъмолга киритилди.

Вилоятимизнинг Данғара туманидаги Топтиқсарой, Қанасарой, Батод туманидаги Чексарой, Ўзбекистон туманидаги Дўнгарой қишлоқларининг номи сарой этноними билан алоқадордир. Манбаларда баён қилинишича, сарой этник бирлашма сифатида XIV-XV асрлар давомида Дашти Қилчоқда шакланган бўлиб, XVI асрда бошқа ўзбек қабилалари билан бирга ҳозирги Ўзбекистон

ҳудудида келиб жойлашган. 1924-1926 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатиغا кўра ўлкамизда яшовчи саройларнинг умумий сони 50 мингдан ортиқ бўлган. С.Қорасевнинг ёзишича, сарой қабиласи Бухоро, Қармана, Гиждувон, Қаттақўртон, Самарқанд ва Жиззах агрофларида, қисман Фарғона водийсида яшаган. Юқорида мисол қилиб келтирилган этноойқонимлар Фарғона вилоятининг баязи жойларида сарой қабиласига мансуб кишилар яшаганлигидан далолат беради.

Урганжи этноойқоними Фарғона водийсида 10 га яқин жойда учрайди. Вилоятимизнинг Данғара, Бувайда, Учкўприк туманларида шу ном билан юритилувчи қишлоқлар бор. Шунингдек, Кўқон шаҳрида яна Уртақизибов маҳалласи мавжуд. Мазкур топонимлар урганжи этноними замирида юзага келгандир. Этноним Урганч шаҳри номига тожикча-и қўшимчасини қўшиб орқали ясалган, маъноси "урганчлик" демакдир. С.Қорасевнинг тарихий манбаларга суяниб ёзишига қараганда, урганжилар XVIII аср охирида Урганч шаҳридан чиқиб, бошқа ерларга ўриланган ўбеклардир. Дарҳақиқат, Фарғона вилоятидаги урганжилар шу даврларда бу ерларга келиб ўриланган бўлишлари мумкин. XIX аср Кўқон ховлиги тарихига оид манбаларда ҳам мазкур ҳудудларда урганжи қавмига мансуб кишилар истиқомат қилганлиги ва улар ўз уруғларининг номини унутмаганликлари баён этилган.

Қотагон ҳам ўзбек халқи таркибига кирган йirik уруғлардан ҳисобланади. Манбаларда қайд қилинишича, қотагонлар ўтмишда жуда кенг доирада, хусусан Фарғона водийсининг Наманган билан Кўқон ўртасидаги жойларда, Хўжанд шаҳри яқинида яшаган. Даврлар ўтиши билан қотагонларнинг катта қисми ўз уруғларининг номларини унутиб юборганлар. Шу этник ном улар истиқомат қилган ҳудудларда ойқонимлар шаклида учрайди. Ўзбекистон, Бешарик, Батод туманларидаги Қотагон деб аталувчи қишлоқлар номиш бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Кенатас—йирик ўзбек қабилаларидан бири. Фарғона вилоятда кенатас этноними асосида шаклланган аҳоли масканларининг мавжудлиги қайт этилди. Ўзбекистон, Бағдод туманларидаги Кенатас ҳамда Учкўприк туманидаги Катта Кенатас ва Кичик Кенатас қишлоқлари шундай ойқонимлар жумласидандир.

Вилоятимизнинг Кува туманида Қалмоқ, Охунбобоев тумани ҳудудида эса Қалмоқлар қишлоғи бор. Булар қалмоқ этнонимига алоқадор ҳолда вужудга келган ойқонимлардир. Қалмоқ қабиласи 92 бовли ўзбек қавмларининг деярли ҳамма рўйхатларида тилга олиб ўтилган. Тарихий манбаларда зўрсатилишича, Фарғона ҳудудида қалмоқлар XVIII асрнинг ўрталаридан яшаб келганлар. Қалмоқларнинг водийда туриб қолиши шу ҳудуднинг жой номларида ўз “изи”ни қолдирган.

Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги Қирқ, Данғара туманидаги Қирқлар ойқонимларининг номла-ниши 92 бовли ўзбек уруғларидан бири — қирқ этнонимг бизан бевоёита боғлиқдир. Ўтган асрнинг 30-йилларида қадар Қўқон шаҳридаги маҳаллалардан иккитаси Қирқлар деб юритилган. Мазкур маҳаллаларда қирқ уруғи икки-ларни яшаганлар. Шу туфайли уруғ номи маҳаллага атама бўлиб кўчган. Этноним ойқошим сифатида қўланила бошлаган.

Булардан ташқари, Фарғона вилоятда Қозиллик (Қўқон шаҳри), Олчин (Бағдод тумани), Қарақўрпа (Данғара тумани), Чимбой (Бешариқ, Кува туманлари) Ушут (Бешариқ тумани), Чуваланчи (Бағдод тумани), Қияли, Қиёт (Бешариқ тумани), Телов (Бешариқ, Ўзбекистон туманлари), Қунчи (Фурқат тумани), Қорақулчи (Охунбобоев тумани), Тўлчи (Риптон ту-мани), Болғали (Ўзбекистон, Бағдод туманлари), Уймовул, Уйрот (Риптон тумани), Бешэчки (Фурқат тумани), Қўчқорчи (Қувасой шаҳри), Келарчи (Олтиариқ тумани), Калгатай, Турроқ (Учкўприк тумани), Тома (Данғара тумани), Жов (Бувайда тумани), Тўқбой, Қорақунос, Қорақозон, Ромадон (Тошлоқ тумани), Овчи (Ўзбекистон

тумани), Бешқовоқ (Данғара тумани), Қорасоқол (Ёзёвон тумани) ойқонимлари мавжуд бўлиб, буларнинг асосида ҳам этнонимлар ётади.

Фарғона вилоятда тарқалган этноойқонимлар ора-сида бошқа миллат, халқ вакиллари тарқалганлигини, яшаганлигини билдирувчи жой номлари ҳам мавжуд. Учкўприк, Кува, Данғара туманларидаги Қирғизқилшоқ, Бувайда туманидаги Қирғизқўрғонча, Охунбобоев туманидаги Қирғизлар, Қирғизобод, Фарғона туманидаги Қирғизшўра, Кува, Учкўприк туманларидаги Қирғизмаҳалла ойқонимлари шу ҳудудларда яшаган қирғиз халқи номи билан аталган.

Ўзбеклар билан тожиклар қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб, ўзаро ихтисодий, сиёсий, маданий алоқада бўлиб келганлар. Бундай муносабатлар икки халқ тарқалган ҳудуднинг жуғрофий номлари тизимида ҳам ўз аксини топган. Тожиклар билан ўзбеклар аралаш яшаган жойларнинг кўпчилиги қисмида тожик этноними жой номи шаклида учрайди. Бундай ойқонимлар жумласига Кува, Тошлоқ, Учкўприк, Охунбобоев туманларидаги Тожикқилшоқларни ҳамда бир неча аҳоли масканлари таркибда урғовчи Тожикмаҳаллаларни мисол қилиб кел-тириш мумкин.

Вилоятимизда бир қатор аҳоли масканлари Арабқилшоқ (Бувайда тумани), Арабқўрғонча (Учкўприк тумани), Арабмозор (Тошлоқ тумани), Янги Араб, Эски Араб (Олтиариқ тумани), Аравон (Данғара тумани) номлари билан юритилади. Бу ойқонимлар халқ номи—араб этноними асосида вужудга келгандир.

Ўрганилаётган ҳудуддаги Қозоқовул, Қозоққўрғон (Бешариқ тумани), Авонқилшоқ, Ўртавгон (Ўзбекистон тумани), Авонбоб (Қўқон шаҳри), Қорақалпоқ, Қорақалпоққўрғонча (Данғара тумани), Мазанглик (Қўқон шаҳри) қилшоқ ва маҳалла, кўчаларининг номла-ниши Қозоқ, афғон, қорақалпоқ, мазанг этнонимлари билан алоқадордир.

Хуллас, аҳолининг этник таркиби, уларнинг қайси

турар жой номлари—этноойконимлар Фаргона вилояти жой номлари тизимида алоҳида гуруҳни ташкил этади. Бу хил ойконимлар вилоят ҳудудида қадим замонлардан бошлаб ҳаёт кечирган турли қабилалар, қавмлар, халқларга онд янги маълумотлар беради. Этноойконимларни ўргатиш ва таҳлил этиш тилишунослик, тарих, этнография фанлари учун алоҳида аҳамият касб этади.

ИҶТИСОДИЙ ТУРМУШНИ АКС ЭТТИРУВЧИ ОЙКОНИМЛАР

Ойконимларнинг номланишида маълум ҳудудда яшовчи халқнинг иқтисодий турмуш тарзи—шуғулланувчи касб-кори, хўжалик фаолияти муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бу омил Фаргона вилояти жой номлари тизимидаги ойконимларда ҳам ўз ифодасини топган.

Бу хил ойконимлар, айниқса, Қўқон ва Маркилон шаҳарлари микротопонимиясида кўп учрайди. Чунинчи ўтмишда Қўқон шаҳрида хунарманчилик кенг миқёсда тараққий этган, ривожланган. 1897 йили олинган аҳоли рўйхати ҳужжатларида баён қилинишича, шаҳарнинг 52 фоиз аҳолиси хунарманчлар ҳисобланган. Улар мистарлик, заргарлик, темирчилик, деғрезлик, кунчилик, тўқимачилик каби касб-хунарлар билан шуғулланиб ҳаёт кечирганлар. Бу жараён ойконимларда ўз аксини топган. Қўпгина маҳалла, гузар, кўчалар касб-хунарни ифодаловчи сўзлар билан юритилиб кетган. Живикчилик, Заргарлик, Тароқчилик, Покичилик, Советсозлик, Мистарлик, Пўстиндўз, Чиннисоз, Эгарчилик, Бахмалбоф, Кўрпабоф, Деғрезлик каби ойконимлар шулар жумласидандир.

Булардан Деғрезлик маҳалласи металлсозлик соҳасига онд сўз билан ифодаланган ойконимлар сирасига кирлади. Ушбу масканда яшовчи кунчилик аҳолининг ота-боболари ўтмишда чўйдан қишлоқ хўжалиги ва рўзгор буюмлари тайёрлаш, чунинчи, омот тиши, кетмон, белкурбан,

обдаста яшаш, шунингдек, қозон қуйиш иши билан шуғулланиб келганлар. Улар тайёрлаган қозонларнинг турлари кўп бўлиб, дошқозон, кир қозон, ҳолва қозон, тўй қозон, иккиқулоқли қозон, учқулоқли қозон, тўртқулоқли қозон, чаксаки қозон номлари билан юритилган. Дарҳақиқат, Деғрезлик ойконими форсча-тожикча деғ—қозон, рез—рехтан (қуймоқ) феълнинг ҳозирги замон ўзатишдан таркиб тошган бўлиб, айнан: “қозон қувовчи” маъносини биддиради.

Шаҳардаги Эгарчилик деб номланган маҳалла аҳолисининг ота-боболари от-улов устига уриладиган ва миниб ўтириш учун мосланган абзал—эгар тайёрлаш иши билан машғул бўлганлар. Эгар катта-кичиликлиги, нақш безаклари, материал танланиши билан бир-биридан фарқ қилган. Эгар асосан қайроғач, ёнгоқ, ўрик, тут, чинор каби қаттиқ дарахтлардан ясалган. Эгарларнинг кўрама бўлиши учун турли хил нақшлар чизилган. Айниқса, эгар қолпини безатишга алоҳида эътибор берилган. Эгарчилик хунари авлоддан-авлодга ўтган. Шу бонс ушбу маҳалла касб-кор номи билан Эгарчилик деб аталиб кетган.

Қўқон шаҳрида тўқувчилик касбига боғлиқ ҳолда вужудга келган ойконимлар ҳам бирмунчадир. Буларга Адрасбоф, Бахмалбоф, Парпашабоф, Олачабоф, Карбосбоф, Кўрпабоф, Элакбоф сингари маҳалла, кўча номларини киритиш мумкин.

Бахмалбоф—бахмал тўқувчи, Карбосбоф—карбос тўқувчи (карбос—жайдари пахта ишдан тўқилган дағал мато, бўз), Адрасбоф—адрас тўқувчи (адрас—ип аралаштирилиб тўқилган инак газлама), Олачабоф (олача—қўлда йиғирилган пахта ишдан тўқилган, ингичка йўлли мато, бўз), Парпашабоф—парпаша тўқувчи (парпаша—дастгоҳда тўқиладиган юпка ва пишиқ мато), Элакбоф—алак тўқувчи, Кўрпабоф—кўрпа тўқувчи маъноларини ифода қилади.

Булардан ташқари, Қўқон шаҳрида яна Нонвойлиқгузар, Кўнчилик, Дасторбоф, Қандакор ойконимлари учрайдики, булар ҳам турли хил касб-хунар, машғулот номлари билан аталгандир.

Маркдон шахри аҳолисининг турли касб-хунар билан машғул бўлганлиги жой номларида ўз изини қолдирган. Шаҳардаги Байгурчи, Заргарлик, Йўрмадўз, Қарнайчи, Қосибчилик, Кўнчилик, Милтиқсоз, Пичоқчи, Пиллачи, Топкесар, Ширмонпаз каби маҳалла ва кўчалар номлари бунинг ёрқин далилидир.

Аҳоли масканлари номлари тизимида даҳқончиликка алоқадор ойқонимлар ҳам учрайди. Топшоқ туманидаги Пиёзчилик, Сўкчилик (сўк—тозаланган тарик), Олтиариқ туманидаги Бурдойчи, Қува туманидаги Гуручфуруш, Бувайда туманидаги Таррачи деб аталган қишлоқлар номлари шуларга мисол бўла олади.

Юқоридатилардан ташқари, вилоятимизда Йишчи, Кўмирчи, Узумчи, Чинтар (Олтиариқ тумани), Дукчиён, Қуллон, Ностар, Чинишарон (Риштон тумани), Сандиқчи, Қамтифуруш (Тошлоқ тумани), Оҳакчи, Тўғишчи (Вағдол тумани), Уроқчи, Сомсапаз, Милтиқчи (Учкўприк тумани), Бордончи (Охунбобоев тумани), Товоқчи (Ўзбекистон тумани) каби касб-кор номлари асосида яратилган ойқонимлар мавжуддир.

Вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари номи билан боғлиқ бўлган Тегирмонбоши, Қўптегирмон, Тўшқувоз, Сузқувоз, Ёғқувоз каби қишлоқлар ҳам мавжуд.

Фарона водийсида, жумладан, вилоятда кишиларнинг иқтисодий турмушида савдо-сотилқнинг аҳамияти қатимдан юқори бўлган. Савдо мазкур худуднинг гуллаб яшашига, аҳоли фаровонлигига таъсир ўтказган. Шунинг учун “бозор” ибораси топонимлар таркибида кўп тарқалган. Фарона вилояти топонимияси тизимида Бозор, Бозорййпан, Галабаққоллик, Ёғбозори, Сарибозорча, Ходабозори, Янгибозор, Бозормаҳалла сингари қишлоқлар ва маҳаллалар номлари учрайдики, булар савдо-сотилққа нисбат бериб қўйилган атамалардир.

ОЙҚОНИМЛАРНИНГ ГРАММАТИК ТУЗИЛИШИ ВА ЯСАЛИШИ

Фарона вилояти ойқонимларининг тузилиши, таркиби, ясалиши ўзига хос белгиларга эга. Уларни тузилишига кўра икки турга: содда ва қўшма ойқонимларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Содда ойқонимлар биргина сўздан иборат бўлган номлардир. Уларнинг бир гуруҳи туб сўзлар асосида вужудга келган. Бу тизга хос ойқонимлар қуйидаги маъноларни билдирувчи сўзлар билан аталган:

1. Уруқ, қабиза, қавм номлари билан: Қирқ, Тумор, Хитой, Сарой, Баҳрин, Тома кабилар.

2. Географик атамалар билан: Гўжай, Камар, Қақир, Равот, Чашма, Қалъа, Булоқ сингарилар.

3. Ўсимлик номлари билан: Чивор, Садда, Чилон, Қайраоч кабилар.

4. Киши исмлари билан: Ислон, Сулаймон, Собиржон, Салим, Раҳматулло ва бошқалар.

Содда ойқонимларнинг катта бир гуруҳи турли қўшмачалар ёрдамида шаклланиш. Таркибида ҳар хил грамматик элементларни сақлаган бундай топонимлар форманти номлар деб юритилади. Ушбу гуруҳдаги ойқонимлар таркибида —чи, —ли, —лик, —лик, —лоқ, —зор сингари топонормантлар қатнашади.

1) —чи қўшмачаси касб-хунар номлари билан аталган (Ўқчи, Оҳакчи, Узумчи, Сандиқчи, Кўмирчи, Пичоқчи) ҳақда этнонимлар асосида вужудга келган (Балиқчи, Қушчи, Овчи, Қўтқорчи) ойқонимлар таркибида учрайди.

2) —ли қўшмачали ойқонимларнинг бир қисми фитоцимлардан (ғумайли, Ёнғоқли), бошқалари этнонимлардан (Болғали, Ирғоли, Қўғали) ташкел тошган.

3) —лик, —лик аффиксли ойқонимлар маълум бир предмет, нарсани, касб-соҳани, белгининг шу объектда мавжудлигини ташкиллайди: Жийдалик, Ёнғоқлик, Дегрезлик, Мисгарлик, Заргарлик, Қулдуқлик кабилар.

4) —чилик қўшмачали ойқонимлар маълум касб-

ҳунарни ҳамда шу касб билан шуғулланувчи шахсларни турган ёки ишлаган ўрини, маҳаллас, гузарини аниқлашди: Ўлкачилик, Кўнчилик, Кигизчилик, Тароқчилик, Ўғарчилик сингарилар.

5) — зор аффикси билан шакланган ойконимлар сўз ўзатдан аниқланган ўсимлик турининг кўп бўлган жойини ифода қилади: Бехизор, Бодомазор, Олмазор, Теракзор, Толзор, Узумзор, Шувоззор, Юлғуззор, Қайрағочзор сингарилар.

6) — ма кўшимчали ойконимлар географик терминлар асосида вуқудда келган: Ёйилма (дарё, сой, анҳор, ариқ сувининг кент, текис жойдаги оқими), Қайрма (ариқ ёки йўлнинг бурилиш жойи), Шадирема (шова, шаршара), Кўтарма қабилар.

7) — обод аффиксини ўтмишда қўлланган турли тоифа, табақа, мансаб, амални билдирувчи сўзлар билан ифодаланган (Амиробод, Бекобод, Султонобод, Эшонобод, Хонобод), шунингдек, киши исмлари асосида шакланган (Амбаробод, Йўлшонобод, Матқулобод, Ғашобод, Хайдаробод, Ҳамраобод, Солижонобод) ойконимлар таркибида учрайди. Гулобод, Деҳқонобод, Зафаробод, Меҳнатобод, Пахтаобод, Халқобод, Элобод сингари кейинги даврларда яратилган ойконимлар ҳам обод аффиксини орқали ясалганлиги Фарғона вилоятидаги ойконимларнинг маълум бир қисмини кўшма ойконимлар ташкил этади.

Кўшма ойконимлар икки ёки ундан орттиқ сўзларнинг бириқувидан ҳосил бўлади: Бешариқ, Янгиқўрғон, Ямқатут, Оқтепасой, Ғитқўйриқ сингари. Кўшма ойконимлар морфологик материалга қўра қуйидаги типларга бўлишди.

1. От+от қолишидаги кўшма ойконимлар.

Бу типдаги кўшма ойконимларнинг иккинчи қисмида кўпинча қишлоқ, овул, тала, чўл, боғ сингари жой — объект билдирувчи сўзлар қатнашади. Уларнинг биричи қисмида киши исмлари (Ғаниқчишлоқ Хайтиқчишлоқ, Ҳасанқўрғонча, Пўлатқўрғон, Бегимжонтепа, Комилқўл, Ҳошимдашт), этнонимлар (Арабозор, Афғонбоғ, Қозоқ қўрғон, Қитмоқарлиқ, Туркравот, Тожиқчишлоқ), фито

нимлар (Ғийдақишлоқ, Теракмазор, Толқишлоқ) билан ифодаланади.

2. Сифат+от қолишидаги кўшма ойконимлар.

Бу қолишда ясалган кўшма номларнинг биричи қисми ранг-тус билдирувчи (Оқтепа, Оқсар, Оқчўл, Оққудук, Қорасув, Қорақўл, Қорақум), кўлам билдирувчи (Қаттақишлоқ, Катта-қўрғонча, Кичикқўрғонча, Каттагурк, Кичикгурк, Балад-қишлоқ, Пастқишлоқ, Юқориқишлоқ, Ўртақўрғон, Ўртақишлоқ, Узумховуз, Чуқурқишлоқ), маза-таъм ифодаловчи (Ачиққўл, Шўрсув, Ширинсув) сўзлар билан шаклланади.

3. Сон+от қолишидаги кўшма ойконимлар.

Ушбу қолишда ясалган кўшма жой номларининг биричи компонентлари уч, беш, олти, тўққиз, қирқ, минг сўзлари билан ифодаланади: Учқўйриқ, Уттол, Учариқ, Учолп, Учбўлак, Бешариқ, Бештерақ, Бешаша, Бешовул, Беширмон, Олтиариқ, Олтиқўш, Тўққизбўлак, Қирққовуз, Қирқкетмон, Мингтут, Мингчинор ва бошқалар.

4. Цумератив сўз+от қолишидаги кўшма ойконимлар.

Бу тур кўшма ойконимларнинг биричи қисмида нараса — пред-метларнинг аниқ миқдорини ифодаловчи яъна, кўш ҳамда предметларни тамалаб, тўдалаб кўрсатувчи тўш, тала, қатор нумеративлари иштирок этади: Ямқатут, Ямқатол, Қўштепа, Қўштегирмон, Қўшқўйриқ, Қўшкечик, Қўшчинор, Қўшариқ, Тўттол, Тўшқўрғон, Қаторгол, Қатортерақ, Галабаққолиқ ва шунинг сингарилар.

5. От+фезл ва фезл+от қолишидаги кўшма ойконимлар.

Булар от билан фезлнинг ҳамда фезл билан отнинг бириқувидан ташкил толади: Қумбосли, Сойкедди, Хўжайилди, Охунқайнар, Тошкесар, Сувчиқмас, Қоландарё, Қайнар-бўлоқ қабилар.

Таъкидлаш лозимки, кўшма ойконимлар тадриқда Уларнинг ясаллиш усулларини белгилаш, аниқлаш айниқса муҳимдир. Кўшма ойконимларнинг катта бир қисми сўз ясаллиш турларидан бири — синтактик-лексик усул восита-

сда Хосил қилишган. Профессор А.Хожиев тўғри таъкидлаганидек, синтактик-лексик усул билан сўз ясалishi дейилганда сўз бирикмасининг сўз (лексема) га айланishi тушунилади. Бунда тил тараққийети жарёида маълум типдаги сўз бирикмаси ягона лексик маъно касб этиши натижасида синтактик бирикдан лексик бирикка айланади—қўшма сўз юзага келади. Масалан, Оқжар, Шўрсув, Янгиқўрғон, Қоратена каби жой номлари шу йўл билан вужудга келган қўшма сўзлар саналади.

Сўз бирикмаларининг қўшма ойконимларга айланиши қуйидаги турларга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. Сифатловчили (ёки битишув муносабатидаги) сўз бирикмаларининг қўшма ойконимга айланиши: шўр сув > Шўрсув, янги кўрғон > Янгиқўрғон, оқ тела > Оқтена, қора кўл > Қоракўл сингари. Ачиққўл, Оқсув, Янгибор, Эскиқишлоқ, Юқориқишлоқ, Янгичек, Ғишткўприк ойконимлари ҳам шундай номлар жузмласига киреади.

2. Қаратқичли (ёки мослашув муносабатидаги) сўз бирикмаларининг қўшма ойконимга айланиши. Бундай қўшма номлар қаратқичли сўз бирикмаларининг соддлашув (ичамлашув) натижасида юзага келган бўлади. Тилшунос олим, профессор Н.Маматов таъкидлаганидек, соддлашув дейилганда сўз бирикмалари компонентлари орасидаги синтактик муносабатни ифодаловчи қўшимчаларнинг тушиб қолиши назарда тутилади. Қаратқичли бирикмалар тарихидаги қўшимчаларнинг тушиб қолиши ҳодисаси икки кўринишга эга:

1) қаратқич ва эгалик қўшимчаларининг тушиб қолиши. Бунда аввал қаратқич (-нинг), сўнг эгалик (-и) қўшимчаси тушади: Хасаниннг кўрғончаси > Хасан кўрғончаси > Хасанқўр-ғонча; Хошимнинг дашти > Хошим дашти > Хошимдашт; Бегимжоннинг теласи > Бегимжон теласи > Бегимжонтеласи каби. Пулатқўрғон, Хайитқишлоқ, Султонқишлоқ, Хўжақишлоқ, Эшонқишлоқ, Тўхтаовул ойконимлари ҳам шу гуруҳта мансубдир.

2) қаратқич қўшимчасининг тушиб қолиши. Мазкур кўринишдаги ойконимларда қаратқич белгиси тушмади.

лекин III шахс эгалик қўшимчаси сақланади: Ариқнинг боши > Ариқбоши; Кўлнинг бўйи > Кўлбўйи; Ғрданиннг таги > Ғрдатаги, Теракнинг таги > Терактаги каби.

Бундай жой номларининг иккинчи қисмида қуйидаги сўзлар эгалик қўшимчалари билан келади: 1) бош сўзи: Булоқбоши, Тегирмонбоши, Кўприкбоши, Қувурбоши, Тарнобоши, Обжувозбоши, Бозорбоши, Гузарбоши; 2) бўй сўзи: Сойбўйи, Ариқбўйи, Кўлбўйи, Анхорбўйи, Каналбўйи, Артезианбўйи; 3) лаб сўзи: Сойлаби, Кўллаби; 4) таг сўзи: Тешатаги, Чинортаги, Терактаги, Туттаги, Каналтаги, Мазорттаги; 5) оғез сўзи: Дарвозаоғзи, Кўчаоғзи ва бошқалар.

Сифатловчили бирикмалар, яъни сифатловчи + сифатланмиш алоқасидан тузилган қўшма ойконимлар сифат билан отнинг (Оқтена, Оқсув, Ғртаққўрғон), сон билан отнинг (Учкўприк, Бепариқ, Уттол), сифатдош билан отнинг (Қолгашларё, Қайнарбулоқ) бирикувидан тузилган.

Қаратқичли бирикмалар, яъни қаратқич + қаралмиш муносабатида келиб чиққан қўшма ойконимлар от билан отнинг (Равотйўли, Жумабойтеки, Комитгўли, Пулатқўрғон, Эшонгузар) бирикишидан юзага келгаш.

Шундай қилиб, Фарғона вилоятидаги ойконимлар грамматик тузилишига кўра содда ва қўшма номлардан ташкил топган. Содда ойконимларнинг бир қисми туб сўзларнинг, кўпчилик қисми ясама сўзларнинг топонимлашувия (ономастик конверсия усули) билан вужудга келган. Қўшма ойконимлар синтактик-лексик усул воситасида ясалган. Қўшма жой номларининг тузилиши от+от, сифат+от, сон+от, от+фезл, фезл+от қолиларидан иборатдир.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲАЙКОНИМЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Абжузовбоши — вилоятнинг Охуйбобоев, Қува туманларида жойлашган қишлоқлар номи, турли ёзилиши — Обжузовбоши. «Обжузов» сув ҳаракатлангирадиган жувоз бўлиб, унинг ёрдамида ёр ажратиб олинади. Абжузовбоши шу Қурилма агрофидати қишлоқ демакдир. Бу номнинг пайдо бўлиши XVIII асрларга бориб тақалади. Вилоятда қайта инловчи маҳаллий ишлаб чиқариш корхонаси номи билан боғлиқ бўлган Тетирмонбоши, Қўшгирмон, Тушқувоз, Сумжузов, Ёгжузов каби қишлоқлар бор.

Аввал — Фарғона туманида жойлашган қадимий қишлоқ. Дастлаб «Худуд ал-олам» асарида (24-а варақ) ҳамда араб географи Муқаддасий (X аср) асарида қайд этилган. Этимологияси аниқ эмас. Аҳолисининг миллий таркиби тожиклар ва ўзбеклардан иборат. Аввал сўзи ўзбек тилида дастлабки, илгариги, бурунги воқеа, ҳолиса ва жараёнларни ифодалашда ишлатилади.

Авғонқишлоқ — Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. XIX асрда яшаган рус географ олимларидан А.Ф.Федченко ва А.Миддендорфларнинг ёзишларича, мазкур аҳоли масканига XVIII асрда Афғонистондан кўчиб келган кишилар асос солган. Шу боис бу турар жой халқ номи асосида Авғонқишлоқ деб атала бошланган. Авғонқишлоқ яқинида Авғонбоғ деган жой ҳам бор. Манбаларда қайд этилишича, Авғонбоғ Қўқон хони Худоёрхоннинг энг катта ва машҳур боғларидан бири бўлган. У шаҳарнинг жанубий қисмида, пойтахтдан 3 километр нарида жойлашган. Авғонбоғ хоннинг ёзи қароғоҳи ҳисобланган, турли мамлакатлардан келган элчилар, шунингдек, мансабдор шахслар шу ерда қабул қилинган (Р.Набиев). Авғонбоғ ҳозирда Қўқон шаҳри маҳаллаларидан бирининг номидир.

Адрасбоф — Қўқон шаҳридаги кўча. Адрас — ип

араштирилиб тўқилган ипак газлама. Адрасдан тўн ва топонлар тикилган. Аёлларнинг кийим-кечаклари, кўрпа ва кўричалар ҳам адрасдан тайёрланган. Адрасбоф — адрас туқувчи маъносини билдириб, кишиларнинг шугулланувчи касбига ишора этади.

Ақбаробод — Қува туманидаги қишлоқ. Қўқон хони Худоёрхоннинг пабираси Ақбарали номи билан аталган. Обод сўзи тоjikча об-сув, обод-суқли, сув етарли жой деган маънони билдиради. Бу сўз шаҳар, қишлоқ, умуман, аҳоли манзилгоҳларига нисбатан ишлатилади. Асосий маъноси «гуллаган» демакдир. Фарғона вилотида «обод» африқосидининг кишилар исмига қўшилшидан Азимобод, Бекмирзаобод, Ганиобод, Зафаробод, Исмоилобод, Йўлдошобод, Мақтулобод, Мирзаобод, Сағторобод, Солижонобод, Усмонобод, Хайдаробод каби қишлоқ номлари яратилган бўлса, кишиларнинг амали, мансаби, касб-коридан келиб чиқиб Амиробод, Бекобод, Султонобод, Хонобод номлари яратилганлигини кўриш мумкин. Вилоятимиздаги қишлоқ ва маҳалла номлари орасида Бетобод олти марта тақдорланган.

Алқор — Бувайда туманидаги қишлоқ. Илмий адабиятларда этимологияси берилмаган. Бироқ, зоотопонимик ойконим (хайвон номи билан боғлиқ ном) бўлиши мумкин. Ўзбек тилида ёввойи тор қўйи Алқор деб аталади. Шу билан биргаликда манбаларда алқор уруғи бўлганлиги зикр этилган. Шу боис Алқор топонимини этноойконим деб изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Амиробод — Данғара, Бадход, Риштон туманларидаги қишлоқлар. Амир — ўтмишда қўлланган олий мансаб атамаларидан бири; подполк, хонлик унвонини билдирган. Қўқон хонлигида амир сўзи билан биргаликда хон сўзи ҳам ишлатилган. Амиробод — «амирнинг қишлоғи, амирга қарашли ерларда бунёд этилган қишлоқ» маъносини билдирган. Данғара туманидаги Амиробод қишлоғи иккинчи бўлинган; Катта Амиробод ва Кичик Амиробод. Бунда аҳоли сонининг ўсиши, қишлоқ хутудининг кенгайганлиги эътиборга олинган.

Аравон — Дангара туманидаги қишлоқ. Қўқон ҳолиги тарихига оид ҳужжатларда Аравон шаклида учрайди. Аравон — “араблар” дегани. Ном таркибида товуш ўзгариши рўй берган: икки ушли товуш ўртасида келган *о* товуши *е* товушига ўтган. Шу сабабли Аравон — Аравон ҳолатига келиб қолган. Этник гуруҳ номини билдирувчи араб сўзи асосида ясалган ойқонимларга яна Аравқўрғонча (Учкўприк тумани), Аравмовор (Тошлоқ тумани), Янги Арав, Эски Арав (Олтиариқ тумани) сингари аҳоли масканлари номларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Арсиф — Фарғона вилояти Қувасой шаҳар Кенташига қарашли қишлоқ. Қувасой ариғи бўйидаги адирилар орасида жойлашган. Арсиф сўзи С.Қорасевнинг ёзишича, тожикча арз гурс — “арз сўраш” сўзидан келиб чиққан. Ўзбекистондаги жой номлари замирида баъзан феъл шаклидаги номлар ҳам учрайди. (Қорасев С., 1970).

Аччиққўл — Қўқон шаҳридаги маҳалла ва мазеа номи. Гидронимларни номлашда сувнинг мавза-таъми, ҳили ва ҳароратига нисбатан ном олган топонимлар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Обшир, Иссыққув, Ширинбулоқ, Шўрсув, Сассиққўл каби географик номларнинг яратилишида мазкур тамойилга амал қилинган.

Ахшак — Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Ахшак, Ахшақгузар номи топонимлар қайд этилган. Сўзнинг аниқ этимологияси маълум бўлмаса-да, унинг ёрма деган маънони аниқлини ҳақида адабиётларда таъкидлаб ўтилган (Қорасев С., 2001)

Ашурқулмерган — Ўзбекистон туманидаги қишлоқ номи. Топонимикада кишиларнинг исмига амали, мансаби, лақаби, касби, табақаси қўлиб айтилишидан ҳосил бўлган жой номлари кўп. Бу ўрида киши исмига унинг хислати (беҳато отини, мерганлиги) қўшилшидан жой номи ҳосил қилинган бўлиши мумкин. Вилоятда Алимерган, Қўрбонмерган, Тўхлимерган каби жой номлари бор. Мерган этноним (уруғ номи) бўлиши ҳам мумкин, чунки Мерганча-

Мергангўли номлари шундан далолат беради (С.Қорасев, 1978).

Бағдод — виллоятдаги туман маркази, қишлоқ номи. Ироқнинг пойтахти Бағдод шаҳри номидан олинган дейишади. Бор ва дод сўзларидан иборат бўлиб, «арз сўраш боғи» деган мазмунни беради. Бундан ташқари «боғ»-«худо» ва «дод» (додан феълдан) — “берган” сўзларидан келиб чиққан деб изоҳловчилар ҳам бор (С.Қорасев, 1970).

Баҳрин — Марғилон шаҳар ва Учкўприк туманидаги маҳаллалар номи. С.Губаева (1983) дада тадқиқотлари ва “Бобурнома” га асосланиб бу номи Фарғона водийсида кеш тарқалган уруғ номидан олинганлигини ёзади.

Баҳор — виллоятда кеш тарқалган, тағрирланадиган жой номларидан бири. Ўзбек тилида йил фаслини аниқлатса-да, ном беришда жойнинг гуллаб яшнаган, чиройли, ривожланаётган маскан эканлигини эътироф этилиши назарда тутилади.

Бедарак — Бағдод туманидаги қишлоқ номи. Мазкур топонимнинг этимологияси аниқ эмас. Ўзбек тилида бедарак — дараксиз, ном-нишонсиз деган маънони билдиради.

Бегвачча — Қўқон шаҳридаги кўча. Виллоятимизнинг Учкўприк, Бағдод туманларида ҳам шу номида юритилувчи қишлоқлар бор. Ушбу ойқонимлар бек ва батча сўзларидан ташкил тошган. Батча сўзи топонимия ва этнонимияда “тўп, авлод, ўғил, уруғ, гуруҳ” сўзларининг маъносига теги келадиган тушунчани билдиради (Т.Нафасов). Бегвачча ойқоними “бек авлоди, беклар тўпи” маъносини билдиради. Бек сўзидан ясалган аҳоли масканлари виллоятимизда анчагина. Бекобод (Учкўприк, Бувайда, Ўзбекистон, Қува туманлари), Беккўча (Қува тумани), Бектўпи (Тошлоқ тумани) ойқонимлари шулар жумласидадир.

Беруний — Фарғона вилоятидаги кўллаб маҳалла ва кўчалар уруғ мутафаккир олим, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан бири Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад

Беруний номи билан аталади. Луговий маънода “берун” “ташқи шаҳар”, “Беруний” эса “ташқи шаҳарда яшовчи киши” деган маънони билдиради.

Беҳизор — вилоятда кенг тарқалган жой номларидан бири. Ўсимлик ва дарахт номлари билан аталган аҳоли маҳаллолари кўп такрорланиши кузатилади. Бундай фитотойконимлар таркибидagi -зор қўшимчаси маълум турдаги ўсимликнинг шу ерда кенг тарқалганлигини билдиради. Вилоятда Анжирзор, Бодомзор, Гўлзор, Дўланазор, Қайрағочзор, Кўкаламзор, Кўчгазор, Лимонзор, Лолазор, Мевазор, Нокзор, Олмазор, Олчазор, Теракзор, Токзор, Толзор, Тулзор, Узумзор, Ўрикзор, Чаманзор, Чилонзор, Шафтолизор. Юлғунзор каби қишлоқ ва маҳаллалар номи қайд этилади. Бу номлардан Беҳизор, Мевазор 3 мартдан, Узумзор 5 марта, Бодомзор 7 марта, Гўлзор, Олмазор, Ўрикзор 10 мартадан такрорланади.

Бешариқ — вилоятдаги туман ва туман марказининг номи. Қадимда аҳоли сулғизликдан қийналиб ариқ қазиб, Работ томонидан сув олиб келинчак, шорланиб бу ариқни «Беҳишт ариқ» деб номлаганлар, кейинроқ бу ерни Бешариқ деб талаффуз қила бошлаганлар. Яна бир варианти эса сулғизликдан қийналган халқ Сирларёдан бешта ариқ орқали сув ўтказиб итганлар, шуша боклиқ ҳолда Бешариқ деб номланган дейилади, бу ном гидронимларнинг сон-саногига қараб айtilган. Бундай жой номларига Учариқ, Олтиариқ кабиларни киритиш мумкин. Сувишиш рашига кўра Оқариқ, Қорзариқ, ернинг тузилиши ва оқим тезлигига кўра Қумариқ, Тошариқ, Дамариқ, Жарариқ ёни объектнинг қимгадир мансублигини, қазилган вақтини билдирувчи Қитчоқариқ, Хотинариқ, Хўжаариқ, Лигтариқ каби жой номлари учрайди. Э.Мурзаевнинг (1984) ёзишича, ариқ сўзи айриқ сўздан олинган бўлиб иккига бўлинган, ажратилган деган маънони ашлатади.

Бешбола — Фарғона шаҳар кенгашига кирувчи қишлоқлардан бири. Кўнётроқ қабиласининг кичик бир гуруҳи бешбола деб аталган. Республикада бу этноним-

нинг жой номи сифатида 10 мартагача такрорланиши қайд этилади (Қораев, 1998). Баъзан талқинотчилар топоним форсча «Боло» сўздан олинган бўлиб «тепалик, баландлик» деган маънони беради деб ёзадилар. Бундай ёндашувда Бешбола «тепа олдидати қишлоқ» деган маънони ашлатади (З.Дўсимов, 1977). Вилотимиздаги Бешбола қишлоғининг географик ўрнини (рельефини) ўрганш, бу номи этноним (уруф номи) деб исхл-лаш ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Вилоятда Бешсари, Бешоғайни, Бешкал, Бешкалтак каби жой номлари қайд этилган, уларнинг кўли этноним—уруф номидир.

Бешкана — Фарғона vodiёсында кенг тарқалган жой номларидан бири. Қамишдан ясалган, усти сомонли лой билан сувалган уйлар —капа дейилган. Бешкана — бешта капа маъносидadir. Беш капа бора-бора уруф номи — этнонимга айланган. Вилоятда Бешкана, Капа, Капсарой, Капаянги, Катта Бешкана, Кичик Бешкана, Пастки Беш-кана, Юқори Бешкана каби қишлоқ ва маҳаллалар бор.

С.Қораев (1998) капа сўзн республикада жой номи сифатида 40 мартага яқин такрорланишини, унинг асосий қисми Фарғона vodiёсында эканлигини ёзади.

Бешсари — Бешариқ туманидаги қишлоқ номи. Наманган вилояти Поп туманида ҳам шу номдаги қишлоқ қайд этилган. Сари қишлоқларнинг бир уруғи бешсари деб аталган (С.Қораев, 1987).

Бештерак — Бувайда туманидаги қишлоқ номи. Ўсимликларнинг камлиги ёки саноқли эканлигини, бироқ шу ҳудуд учун характерли белги вазифасини ўтаганлиги учун қўйилган ном. Бундай номлардан вилоятда Чорбоғ, Янкатут, Қўлчинор кабиларни, қўшимчасиз ўзақ ҳолида ишлатиладиган Арча, Райҳон, Сада, Қайроғоч номи қишлоқларни келтириш мумкин.

Боғиш — Данғара туманидаги қишлоқ номи. Уруф номидан олинган бўлиб, Ариқбоғиш, Учбоғиш, Чўнбоғиш, Қорабоғиш каби этнонимлар Фарғона vodiёсининг шарқий,

шимолӣ шарқий, марказий қисмларида кенг тарқалган (Губаева, 1983).

Бозорбоши — Олтиариқ ва Ўзбекистон туманларидаги қишлоқ ва маҳаллалар номи. Ўрта Осиёда кишиларнинг иқтисодий турмушида савдо ва транспортнинг аҳамияти юқори бўлган. Савдо мазкур хулуднинг гуллаб яшнашига таъсир ўтказган. Шу биле “бозор” ибораси топонимлар тарқибиде кенг тарқалган. Вилоятда Бозор, Бозорйўпан, Ёғбозори, Сарибозорча, Янгибозор каби жой номлари мавжуд.

Болтақўл — Охунбобоев туманидаги қишлоқ номи. уруф номидан олинган деган фикрлар бор. Бироқ, бу сўз кўл котловинасининг шаклидан олинган бўлиши ҳам мумкин. Вилоятдаги Аччиқўл, Дамқўл, Кўлбўйи, Кўларик, Қорақўл, Ойдинқўл каби жой номларининг пайдо бўлишида кўл сўзи асосий ўринни эгаллайди.

Болтали — Ўзбекистон, Бағлод туманларидаги қишлоқлар номи. Болтали-ўзбек уруғларидан бирининг номи бўлиб, бу уруғ ўтмишда жалоийр, кенагас, курама, кўнйирот, қангли, сарой, қорахитой, юз каби қабидалар тарқибига кирган (С.Қораев, 1978; Т.Нафасов, 1988). Болтали этноними аслида болта шаклидаги тамга номи асосида юзга келган ва ушбу этноним бора-бора шу уруғ вакиллари яшаган хулудларда жой номларига айланган.

Бачқир — Бувайда туманидаги қишлоқ. Айримлар қишлоқ номи «бос» ва «қир» сўзларидан таркиб топган дейишади. Бу ерга араблар бостириб кирганда халқ босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатади, араб саркардаси халқни «босиб, қириб ташла» деб буйруқ берганидан қишлоқ шундай аталган эмиш. Баъзилар қишлоқ бож гипр - «солиқ сол» деган маънони ашлатади, дейишади. Тўғриси - Бачқир қишлоғи қилчоқ уруғларининг номи билан аталган (Қораев, 1978).

Буйрак — Учкўнрик туманидаги қишлоқ. Буйрак — уруғ номи, инсон аъзоларидан бирига ҳеч қандай

лшоқаси йўқ. Маҳмуд ибн Вали “Баҳр ал-асор” (XVII аср) асарида кўчманчи ўзбек қўшинлари таркиби орғин, ўғуз, найман, уйрот, қарлук, қушчи, уйшув, миш, кўнйирот, кирайит, барлос уруғ-қабидалари билан бир қаторда буйрак уруғидан ҳам ташкил топганлигини қайд этган (Б.Ахмедов). Шунингдек, Галлноролдан тошлан “Қитмир” китобининг “Тўқсон икки бов ўзбек уруғининг баёни” деб сарлавҳа қўйилган бўлимида ҳам буйрак уруғи тилга олинган (Х.Дошёрлов). Англияшладки, Буйрак қишлоғи шу номдаги этноним билан аталгандир.

Булоқбоши — Қўқон шаҳридаги маҳалла ва Риптон туманидаги қишлоқ номи. Аҳоли маскани булоқнинг бошлаши томонидан бўлганлиги учун шундай номланган. Булоқбоши сарчашма сўзининг ўзбекчасидир. Булоқбоши номи ўзбек уруғи ҳам бор (С.Қораев, 1970).

Э.Мураевнинг ёзишича, бу сўз «оқмоқ», «аралашмоқ» феълдан олинган (1984). Булоқнинг характериши, шаклиши, сонини, этасини ифодаловчи сўзлар қўшилиб кўллаб жой номлари ҳосил бўлган, жумладан, Еттибулоқ, Зарбулоқ, Оқбулоқ, Тўққизбулоқ каби жой номлари «булоқ» сўзи билан боғлиқ.

Бўжай — Фарғона вилояти Риптон туманидаги қишлоқ. У ерда яшовчи маҳаллий аҳоли мазкур атамани “бу жой” сўзларининг ўзаро бирикувидан вужудга келган деб изоҳлайди. Лекин, этнографига оид адабиётларда қирғизларнинг бир уруғи бўжай деб юритилганлиги қайд этилган. Қишлоқ шу уруғ номи билан аталган бўлиши аҳтимоли бор.

Бўстон — вилоятда ўн мартадан кўпроқ тақрорланганидан қишлоқ ва маҳаллалар номи. Фарғона - Ёзёвон - Кува оралиғида яшовчи қирғизларнинг бўстўн (бўз тўғили) уруғи вакиллари кенг тарқалган жойларда шу номи қишлоқлар бор (Губаева, 1983). Аюбатга, ҳамма Бўстон топонимларини уруғ номидан олинган этноним деб ўйлаш хато. Бўстон сўзи ўзбек тилида “яшнаган

бор" маъносида ишлатилишини ҳам эътиборга олиш лозим.

Бўғқачи — Ёзёвон туманидаги қишлоқ номи. Бўғқачи қишлоқларининг ичкилик туруҳи таркибига кирувчи найман қабиласининг бир тармони бўлган (Губасва, 1983). Уруғ номи асосда қишлоқ номи вужудга келган. Бъзми адабиятларда бу қишлоқ аҳолиси ширин-ширин бўғқа шишириб, меҳмонларини кутганидан шу ном келиб чиққан деб юритилади.

Бўрбалиқ — Олтиариқ туманидаги қишлоқ. Тононингнинг "бўрылар шаҳри" деган этимологияси номининг ташқи ўхшашлиги асосда вужудга келган. Балиқ сўзининг аҳоли ашайдиган маскан, қишлоқ маъноси бор. Бўр сўзи "экин экилмайдиган бўз, партов ер" деган маънони билдиради. Бунда Бўрбалиқ сўзи "бўз, партов ердаги қишлоқ" деган маънони беради (З.Дўсимов., 1977). Бўр сўзининг орол маъноси ҳам борлигини эътиборга олган ҳолда ушбу топоним этимологиясини яна таҳлил қилиш лозим.

Валик — Қувасой шаҳар кенгашига қарашли қишлоқ. Номининг этимологияси маълум эмас. Геоморфологияда уйиб ясалган кўтарма, баландлик вал деб аталади. Рус тилидаги завал, увал, обвал каби сўзлар ҳам уюм, тўп, телпа, ўширилиш, кулаш деган маънони аниглайди. Эҳтимол, қишлоқ атрофидаги жой рельефини ўрганиш орқали ном маъносини очиш мумкин бўлар.

Вақф чорсу — Қўқон шаҳридаги маҳалла номи. Вақф арабча сўз бўлиб, мулкдор томонидан диний муассаса ихтиёрига даромаддан фойдаланиб туриш, аммо ўзини сотмаслик шарт билан васият қилинган мулк (ер-сув, бино, савдо расталари, тегирмон ...). Чорсу тўрт кўча кесилган жой, бозор маъносида ишлатилади.

Варзак — Тошлоқ туманидаги қишлоқ номи. Бу ном мутахассислар томонидан турли хил изоҳланади. С.Қўраев (1978) варз тожикча "экин", "апроат" эканлигини, варзак "деҳқон" деган маънони билдиришини ёзади. Бунда варзак сўзини "экинзор" маъносида тушуниш мумкин. Э.Мураев (1984) варз сўзининг "баланд", "юқори" деган

маъносини айтса, З.Дўсимов (1977) бу сўзни "атрофи ўралган баланд кўркон"ни аниқлигини ёзади.

Водил — Фарона тумани маркази. Кўнчилик «очиқ кўнчил» (водил) деб ифодаласа, баъзилар Водил «кўнчилни хуш қиладиган, кўнчилни очадиган» жой деган маънода деб тушунирадилар. Илмий тадқиқотларда арабча «водил» сўзи билан боғловчилар ҳам бор, арабча водий-сой, дарё сўзидан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин (Қўраев, 1970). Қишлоқ Шохимардонсой дараси озида жойлашган. Дарё шу дарадан ўтач, «очиқ кўнчилиқ» билан кўйлаб жойларга сув беради. Қишлоқ номи ана шундан олинган дейишавди.

Ворух — Бешариқ туманидаги қишлоқ. Қишлоқ аҳолиси Тожикистон Республикаси Исфара шаҳри яқинидаги Ворух қишлоқидан кўчиб келган ва шу ерда турғун бўлиб қолган. Турар жой килиларининг аввал истиқомат қилган жойига нисбатан Ворух деб атала бошлаган.

Воҳим — Риптон туманидаги қишлоқ номи. Воҳим «васият қилинган, инъом қилинган, бағишланган» маъносидаги арабча «вақф» сўзининг жонли тилда бузилган шаклидир. Бу термин Вақф, Вақиф, Воҳим, Вақм, Увақм каби шаклларда бир қанча жой номлари ҳосил қилган (С.Қўраев, 1978).

Галабаққолик — Қўқон шаҳридаги маҳаллалардан бири. Ўтмишда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган турли хил рўзгор буюмлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини сотувчи кини-баққол, унинг дўкони жойлашган ўрни эса баққолик деб юритилган. Галабаққолик — бир неча баққолик дўконлари бор жой" маъносидadır.

Гаримдон — Охунбобоев туманидаги маҳалла номи. Гарим тожикча иссиқ, жазирама деган маънода ишлатилади. Иссиқ жой маъносида ишлатилган бўлиши мумкин. С.Губаева (1983) бушдан 175 йил аввал Фарона водийсига Гарм аҳоли масканидан кўчиб келган тожиклар ҳақида ёзади.

Говхона — Бағод туманидаги қишлоқ. Баъзилар бу номи ситрхона, молхона тарзида изоҳлайдилар. Ном шунос олим Ғура Нафасовнинг ёзишича, атаманинг биринчи қисмидаги гов сўзи тожик тилида “чуқур, теран, паст жой” маъноларида ҳам қўлланилган. Шунга қўра Говхона номини “чуқур жойдаги қишлоқ”, “ёнгдаги қишлоқларга нисбатан настқамликка ўриналган аҳоли турур жойи” деб изоҳлаш мумкин. Говхона номи қишлоқлар Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Шахрисабз туманларида ҳам учрайди.

Гузар — вилоятда кенг тарқалган жой номи ёки ном таркибида ишлатиладиган термин. Шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларда кўчалар кесинган, торраҳаларда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш расталари бўлган гавжум, серқатнов, обод жой гузар деб аталган. Бундан ташқари сувдан ўтадиган жой (кенув), довон, бирор объектнинг кўп бўлишини билдирувчи маънолари ҳам бор. Арабгузар, Ахшакузар, Гузарболпи, Исфарагузар, Ноинойлигузар, Сойгузар, Тошкенлигузар, Эшонгузар, Қаймоқлигузар каби номлар Фарғона вилоятида қайд этилди.

Гулистон — вилоятдаги қишлоқ ва маҳаллаларга ўн мартадан ортиқ такрорий қўйилган ном. Яшнаган, обод, боб-бўстонлар билан қопланган маскан деган мазмунга эга. Янги ўзлаштирилган худудларда Чўлигулистон номи кенг тарқалган.

Гулиён — Фарғона туманидаги қишлоқ номи. Илмий этимологияси маълум эмас. Аҳолисиёнинг миллий таркиби асосан тожиклардан иборат.

Гулшан — вилоятдаги қишлоқ ва маҳаллаларга қўйилган ном. Гулзор, чаманзор маскан маъносидда.

Дангара — вилоятдаги туман ва туман марказининг номи. Номнинг илмий этимологияси номаълум. Халқ этимологияси ишончсиз.

Данг — вилоятда кенг тарқалган топонимлардан

бири. Данг аслида географик термин бўлиб, «дала, овлоқ жой», «тошлоқ чўз» маъноларида ишлатилади. Ана шундай овлоқ, отиқ жойлардаги қишлоқлар дашт деб юритилади. Баъзи ҳолларда бу сўз топоним таркибида ҳам учрайди, масалан, Дангмаҳалла, Дангқишлоқ, Дангҳасан, Дангчўшпон (З.Дўзимов, 1977).

Дегрезлик — Қўқон шаҳридаги маҳалла номи. Форс-тожик тилида чўйишдан хўжалик буюмлари асайдиган усталар яшайдиган жой маъносини билдиради.

Дехвайрон — Сўх туманидаги маҳалла номи. Дехвайрон ва Дехмурсад каби аҳоли манзилтоҳлари номидаги “деҳ” сўзи қишлоқ маъносини аниглайди.

Додҳох — Бувайда туманидаги қишлоқ номи. Қўқон конлингида «додҳо»-сарой лавозимларидан бири бўлиб, бу мансабдаги шахс қалъа бошлиғи, шунингдек, қозихона ишлари устидан назоратчи вазифасини бажарган. Хонлиқнинг XIX асрга оид хужжатларида Абдурахим додҳо, Абдуллабек додҳо, Отабек додҳо, Ашурбек додҳо, Галойбой додҳо каби номлар учрайди. С.Қораевнинг (1970) ёзишича, бу сўз форсча бўлиб, «адонат талаб қилувчи», «адонатларвар» каби маъноларни аниглайди.

Дукчиён — Рипhton марказидаги маҳаллалардан бири. Ҳтмишга газлама кўнда тўқилган даврларда пахта ёки пилладан иш йигириши ва уни пишигишда ишлатиладиган асоб (йипк) ни тайёрлаб берувчи хунармандлар дукчи (йипчи) деб юритилган. Маҳаллага берилган ном ана шу касб-хунарга нисбатаншир. Дукчиён— дукчилар, дук ясовчи усталар” маъносидадир.

Дўрмон — Охунбобоев, Барод туманларидаги қишлоқлар номи. Дўрмон XVI-XVII асрларда Дангқишлоқдан келган ўзбек қабилаларидан бири. Бу қишлоқлар Дўрмон ва Дўрмонча шақлларида талаффуз қилинади. Мўқулча дўрбул (дўрба) — “тўрт” деган маънони билдиради. (С.Қораев, 1978). Дўрманлар Зарафшон воёдийсида, Сурхондарё ва Тошкент воёдаларида, қисман

Хоразмда яшаган. Дўрмон қабиласининг кўйли, узоқ, уч уруғ, кўкчелак, саксон, нўфой, гурдек, ойтамғали каби уруқлари бўлган.

Еёвон — вилоятдаги туман ва туман маркази ҳамда Марказий Фарғонадаги чўл номи. Бу ном халқ этимологiasида «ёзи ёмон, иссиқ» деб изоҳланади. Аслида эса бу топоним таркибидagi ҳар иккала сўз «ёзи» ҳам, «ёвои» ҳам «чўл, дала, текислик» маъносини билдиради. М.Қошғарийнинг ёзиниغا, ёзи «бўшلق, очқилик, чўл», ёвон «дашт, текислик» деган маънони ифодалайди. Хоразм шеваларида «ёвон» ҳозир ҳам «қишлоқ, шаҳардан узоқ жой» маъносига қўлланилади. Шундай қилиб, қишлоқ номи чўл номи асосида вужудга келган. (З.Дўстимов, 1977; С.Қораев, 1970).

Ёйилма — Риптон туманидаги қишлоқ номи. Бу номдаги қишлоқлар Фарғона, Учкўприк туманларида, Андижон вилоятининг Андижон туманида ҳам бор. Мартидон шаҳридаги маҳаллалардан бири ҳам Ёйилма деб юритиллади. Бу сўз аслида туркий тилларга хос бўлиб, кенг деган маънони билдиради. Ёйилма аслида географик атама бўлиб, ёйилмоқ фезлдан олинган. Дарё, сой, ариқ сувининг кенг, текис жойдаги оқими ёйилма деб аталади.

Ёрмозор — Фарғона шаҳар кенгашига қарашли қишлоқ. Топоним икки сўздан: ёр ва мозор сўзларидан келиб чиққан. Топоним таркибидagi ёр сўзи «жар» маъносини англатишини бундан қарийб 10 аср олдин М.Қошғарий айтиб ўтган эди. «Жар» сўзининг «ёр», «яр» шаклида талаффуз этилишиндан Фарғона vodiysида Ёрбоши, Ёртепа, Ёрқатой, Ёрқишлоқ, Ёрқўрғон, Оқёр, Қуйташёр, Қўкёр, Ёртаги, Ёрқўча каби жой номлари вужудга келган. Мозор — Ўзбекистонда топонимлар таркибида кўп учрайдиган термин. Бу сўз арабча бўлиб, луғавий маъносини «сизининг жойин» демакдир. Жой номларини таллашда яхши ориентир (мўлжал) вазифасини бажариб, сақланиш вақти узоқ бўлганлиги учун кўп номлар таркибида учрайди. Масалан: Арабмозор, Бувиимозор.

Кўкмозор, Мозорбоши, Мозортаги, Оқмозор, Сармозор, Теракмозор, Толмозор, Хизирмозор ва бошқалар.

Жалойир — Бувайда туманидаги қишлоқ номи. Жалойир—Ўзбек, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқлар таркибига кирган турк-мўғул қабиласи. Ўзбеклар таркибига кирган жалойирлар Фарғона, Тошкент, Бухоро воҳаларида яшаган. Жалойирлар 2 та йirik: қайчили ва болали уруғларига ҳамда майда уруқларга (қармали, бошқирд, қораабдал, қоракўл, қорачопон, чувулдоқ, жастабан) бўлинган. (З.Дўстимов, 1977; С.Қораев, 1978).

Жарқишлоқ — вилоятнинг Бешарик, Бағдол, Дашгара, Тошлоқ туманларида шу номли қишлоқлар бор. Жар асли географик атама бўлиб, тоғ этаги қияларида, замин юмшоқ текисликларда қўп-лаб учрайдиган, оқар сувлар ерни ювиб кетиши натижасида ҳосил бўлган чуқурликлардир. Жар умуман «чуқурлик, пагглик» маъносини ҳам ифодалайди. «Жар» сўзи кўпилишидан Аноржар, Жаманжар, Жарарик, Жарбоши, Жарқўрғон, Оқжар каби қишлоқ номлари яратилган.

Жургун — Дашгара туманидаги қишлоқ. Тарихий маъбаларда, жумладан, XVI асрнинг бошларида ёзилган «Нусратнома», шунингдек, Камалиддин Биноийнинг «Шайбонийнома» асарларида кўчманчи ўзбеклар таркибига кирган уруғлар итида жургун уруғи ҳам бўлганлиги қайд этиб ўтилган. Демак, қишлоқ этноним асосида номланган.

Жўйдам — Фарғона шаҳридаги маҳалла номи. Атамани «жойин дам», яъни «дам олашган, истироҳат қиларган жой» тарзида изоҳлангани у қадар тўғри эмас. Аслида номнинг биринчи қисми «ариқ» маъносини ифода қилувчи тожикча «жўй» сўзига алоқадор. Жўйдам—айнан «дам ариқ» демакдир. Ариқ сувининг секин, дамланиб оқиши ҳолати мазкур жойнинг шундай номланишига асос бўлган.

Запат — Сўх туманидаги маҳалла номи. Аича қадимий номлардан бўлса-да илмий этимологияси аниқ эмас.

Исфарагузар — Кўқон шаҳридаги маҳалла. Бир вақтлар Тожкистоннинг Исфара шаҳридан кўчиб келган кишилар шу ерда ўрнашиб, туржун бўлиб қолганлиги учун маъкур турар жой Исфарагузар деб ном олган. Маҳалла номи шаҳар номи асосида вужудга келган.

Ишгирихон — Ёзёвон туманидаги қишлоқ номи. Аҳолисининг миллий таркиби тожиклар. Сўғд тилида шпгт-ҳашгт —саккиз, хон (кан) канал, ариқ деган маънони билдиришни эътиборга олсак, бу топонимни "саккиз ариқ" деб изоҳлаш мумкин.

Йўрмадўз — Марилон шаҳридаги маҳалла. Маҳалла аҳли ўтмишда капгаччиликда қўлланиладиган чок турларидан бири — йўрма тикиш иши билан шуғулланган. Халқнинг касбига нисбатан маҳалла Йўрмадўз (йўрма тикувчи) номини олган.

Калдушан — Фурқат туманидаги маҳалла номи. Илмий адабиётларда этимологияси аниқ эмас.

Калгатай — Учкўприк туманидаги қишлоқ. Калгатай — уруф номи. У ўзбеклар таркибидаги "турк" деб аталувчи этник гуруҳнинг бўлима-ларидан бири бўлган. Маиба-ларда кўрсатилишича, калгатайлар Сурхондарёнинг юқори ва ўрта оқимларида, Нурота ва Молгузар тоғлари этакларида, Туркистон тизма тоғларининг ён бағраларида, Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида, Фарғона vodiysida истиқомат қилганлар. Калгатайлар яшаган жойларининг баъзилари шу уруф номи билан юритилиб кетган. Жой номига асос бўлган калгатай этноними келиб чиқишига кўра калга ва той сўзларининг бирикувидан ясалган. Бу атама аслида от турларидан бирининг номини билдирган, маъноси "ёш той" демакдир. Этнонимнинг шуңдай тарзда номланиши қадимги тотемистик тушунчалар билан боғлиқдир.

Капанни — Бешарик туманидаги қишлоқ. Кўқон хонлиги тарихига оид хужжатларда қайд қилинган (Р.Набиев). Қишлоқ шу ерга яқин массивда жойлашган Капа қишлоғидан ажралиб чиққанлиги учун Капа Янгиқишлоқ

Заргарлик — Кўқон шаҳридаги кўча. Олтин, кумуш ва мисдан биланкук, сирға, балдоқ, зебигардон, янра, тумор, тиллақош каби тақинчоқ, безак буюмлари ясовчи хунармандлар номи билан юритилган. Заргарлик — зар-гарлар истиқомат қиладиган жой маъносидадир.

Заркент — Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Топонимнинг биринчи қисмидаги «зар» тожикча «сар» сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, «юқори, баланд, тепа» маъносини билдиради. «кент» эса «қишлоқ» демакдир. Демак, Заркент баландликтаги қишлоқ, тепаликка жойлашган қишлоқ маъносини аниқлатади.

Зилка — Олтиариқ туманидаги қишлоқ. Сўзининг илмий этимологияси маълум эмас. Кавказ тизмасида Зилка номи чўққи қайд этилади.

Зодиён — Риптон туманидаги қишлоқ. Асли Зоҳидлон бўлиб "зоҳидлар" — "тарки дунё қилган кишилар" маъносида деб ҳисоблайдилар. Тожикча он (-ён), ўзбекча -лар қўшимчалари топоним ясовчи аффикслардир (С.Қорасев, 1970).

Ибрат — Фарғона шаҳридаги маҳалла номи. Вилоятда бир неча марта такрорланганидан жой номларидан бири. Арабчада Ибрат - намуна, ўрнак деган маънони билдиради.

Ингичка — Фурқат туманидаги маҳалла номи. Бу сўз ўзбек тилида хипча, носик маъносида ишлатилади. Лекин маъкур топоним шу номдаги уруф номидан олмишан эканлиги айтилади. Буңдай ном Республикамининг бошқа вилоятларида ҳам кент тарқалган.

Ирголи — Бағдод туманидаги қишлоқ номи. Топонимикада -ли қўшимчаси бирор нарса ни ушбу жойда кент тарқалганлигини билдиради. Бу жой Ирғай- ёточ қаттиқ бута ўсимлиги кент тарқалганлиги учун шуңдай ном олган бўлиши мумкин. З.Дўсимов (1997) бу номи кўш ёки уруф номи бўлиши мумкин деб ёзди.

деб номланган. Кейинчалик тилдаги тежамкорлик қонушда кўра ном таркибидagi қишлоқ сўзи тушиб қолган: топоним Капаянги тарафда қўлана бошлаган.

Каптархона - Фарғона туманидаги қишлоқ номи. Бу ном Республикамизда кенг тарқалган бўлиб, топонимик адабиётларда икки хил маънода изоҳланади. Биринчидан, илгариги замонларда хон ва амалдорларнинг қаптар боқиладиган бинолари жойлашган қишлоқларга шундай ном берилган. Иккинчидан, диний эътиқодга кўра дев ва нари санамлар кўринадиган жойлар шундай номланган.

Каттут - Олтиариқ туманидаги қишлоқ номи. Топоним таркибидagi кат термини Евросиё материгида энг кенг тарқалган ва қадимги иборалардан бўлиб, Авесту ва қадимги суевуларига тилга олинади. Уй, бошича, қишлоқ, шаҳар каби маънони англатади. Пут ибораси - йўл, сўқмоқ, кўприк каби маънода ишлатилади. Каттут - йўл бўйидаги қишлоқ демакдир.

Катта Амиробод - Дашғара туманидаги қишлоқ номи, топонимикадаги нисбат қонушига асосан ташкил топган. Асосий топонимга катта ёки кичик сўзларини қўшилишидан вилоятда кўпилаб жой номлари яратилган. масалан, Катта Бешкапа, Катта Бойбуча, Катта Ганжировоя, Катта Оқтепа, Катта Қашқар, Катта Кенагас, Катта Қорақўл, Катта Кўлтёпа, Катта Оқмачит, Катта Тағоб, Катта Турк каби.

Каттаянги, Кичикянги - Фурқат туманидаги икки ёнма-ён қишлоқ шундай ном билан юритилади. Бу қишлоқлар аввал бир ном билан - Янгиқишлоқ деб аталган. Кейинчалик аҳолининг кўлайиши, бир жойдан иккинчи жойга силжиши, худуднинг кенгайиши натижа сизда маазур аҳоли тураржойи иккига бўлиниб қолган. Бирининг ҳажми каттароқ, улканроқ, иккинчисиники эса нисбатан кичирок бўлган. Шу сабабли қишлоқ номига объектнинг ҳажмий хусусиятини ифодаловчи катта, кичик сифатлари қўшилиб кўланиб, Катта Янгиқишлоқ, Кичик

Янгиқишлоқ атамалари вуқудга келган. Сўнгра огазги лутқа ихчамликка, қулайликка интилиш натижаси ўларок топонимнинг сўнги қисмидаги қишлоқ сўзи тушиб қолган, натижада улар Каттаянги, Кичикянги шаклини олган.

Кенагас - Учкўприк туманидаги қишлоқ номи. Кенагас этноойконими Ўзбекистоннинг кўп жойларда учрайди. Бу хил номлар кенагас этноними асосида ясалган. Кенагас-йирик ўзбек уруғларидан бири. Кенагасларнинг Кўқон шаҳри атрофида кўпроқ тўпланганлигини кузатиш мумкин (Губаева, 1983).

Кичик Оқмачит - Ўзбекистон туманидаги маҳалла номи. Бу номлар ҳам топонимиканинг нисбат қонушига асосан яратилган. Бундай номлардан Кичик Бешкапа, Кичик Турк, Кичик Янги, Кичик Кенагас, Кичик Тағоб кабиларни келтириш мумкин. Топонимлар этимологиясини биллиш учун номнинг иккинчи қисмига мурожаат қилиш лозим.

Колвар - Бағдод туманидаги қишлоқ номи. Халқ тилида Колварар деб ҳам аталади. Ишлов бериладиган ерга нисбатан "зар кони" деб тушунтириш мумкин (қаранг - Заркент).

Кулолон - Риптон тумани марказидаги маҳалалардан бири. Бу турар жойдаги аҳоли кулолчилик касби билан шуғулланиб келган, улар тайёрлаган коса, товоқ, пиёла, лаган, кўза каби ҳар хил сопол буюмлар ўзининг сифатли, ишчилиги билан ажралиб турган. Кулолон ойконими кулол сўзига тожикча - он қўшимчасининг бирикувидан тузилган бўлиб, кулоллар маъносини ифодалайди.

Кўмирчи - Олтиариқ туманидаги маҳалланинг номи. Топонимикада - чи қўшимчаси оdatда бирор касб эгалари кўп тарқалган маҳалла ва қишлоқлар номлари таркибида учрайди. Вилоятда Асалчи, Булдойчи, Бўтқачи, Ипакчи, Қарнайчи, Овчи, Питоқчи, Сантқичи, Тақачи, Темирйўлчи, Тўқимачи, Қурувчи каби топонимлар кенг тарқалган.

Кўнчилик — Қўқон ва Марғилон шаҳарларидаги кўчалар номи. Тери ошлаб ундан чарм тайёрлаш билан шуғулланувчи касб ағалари кўнчи дейилган. Улар қарамол, қўй, эчки, туя терисидан турли навлардаги кўнчларни тайёрлашган. Кўнчилик маҳалласида кўнчилар истиқомат қилганлар ва шу касб билан шуғулланганлар. Аҳоли масканларига берилган ном ана шу касб-хунарга нисбатандир.

Қўсақинилоқ — Тошлоқ туманидаги маҳаллалардан бирининг номи. Халқ этимологиясида соқол — мўйловсиз кишилар яшайдиган қишлоқ деб изоҳ берилади. Аслида қўса — кўнбирот, юз, найман қабилалари таркибидан урув номидир. Бу номдаги қишлоқлар Ўзбекистоннинг бошқа худудларида (Жиззах, Самарқанд вилоятларида) ҳам кенг тарқалган.

Лангар — Охунбобоев туманидаги қишлоқ номи. Марказий Осиёдаги жой номлари таркибида кўп учрайдиган термин. Бу сўзнинг асл маъноси «тўхтаб бўлган ва турли жойларда, замонларда шунга яқин маъноларни билдирган. Қадимги ёзма манбаларда ва кейинги топонимик номлар таркибида «бекат ва тўхташ жойи» маъносига ишлатилган. Шунингдек, қарвонсарой, Ғарибхона, қабр маъноларида ҳам ишлатилади (З.Дусимов, 1977; С.Қораев, 1978).

Лорон — Қувасой шаҳар кешашига кирувчи қишлоқ. Ривоятда айгишларича, қадимда Муғ подшоҳи бўлиб, унинг юртига душманлар бостириб келганда, хотини шаҳар дарвозасини душманларга очиб беради. Бу изоҳ халқ этимологияси бўлиб илмий таҳлилга муҳтож. Бу номда он қўллик аффрикси бўлса, лор (лаем) сўан туннель, қоризинг ер остидаги яриги маъносига ишлатилиши мумкин.

Мангит — Данғара туманидаги қишлоқ номи. Шарқий Фарғонада кенг тарқалган ўзбек миллати таркибига кирган урувлардан бирининг номи. Сўзнинг иселиб чиқиши мўғулча бўлиб, «минг, минглар» деган

маънони билдиради.

Марғилон — Ўрта Осиёдаги қадимги шаҳарлардан бири. Дастлаб араб географси ва сайёҳи Абу Абдуллох Муҳаддасийнинг 985 йида ёзилган «Мамлакатларни ўрганиш учун кўланма» асарида тилга олинган. Топоним ёзма манбаларда Марғилон, Марғинол шаклида учрайди. Марғилон форс тилидаги Марғ «ўтлоқ» сўзи билан алоқадор деб ҳисобловчилар кўнчилиكنи ташкил этади. Марғилон топонимиясини ўрганган Ж.Лагиповнинг фикрича, бу сўз марки этнонимидан олинган. Қадимги ата-лишидаги он ёки от кўнчимчалари кўнлик белгиси деб қаралса, бу сўз марғилар яшайдиган жой маъносини билдиради. Сўзнинг этимологияси аса юқорида айтилганидек «ўтлоқ, ям-яшил ер» деган маънони аниқлатади. Шаҳар номини товуқ ва он сўзларидан иборат деб изоҳланиши афсонага ўхшайди.

Матқулобод — Бағдод туманидаги қишлоқ. Қўқон хонлиги тарихига оид манбаларда Муҳаммадқулобод шаклида ёзилган. Шахс исмига обод сўзини қўшиш орқали ясалган. Ном вақтлар ўтиши билан фонетик ўзгариш туфайли соддалашиб, ихчам шаклга келиб қолган: Муҳаммадқулобод>Матқулобод.

Машад — Марғилон шаҳридаги маҳалла номи. Учқўриқ туманида ҳам шу номдаги қишлоқ бор. Арабча машҳад сўздан олинган бўлса «шаҳид қоши тўкилган ёки шаҳид қўмилган жой» деган маънони аниқлатади. Машад сўзи урув номи бўлиши ёки сувлик, дарёга алоқадор бўлиши ҳам мумкин.

Минглар — Данғара туманидаги қишлоқ номи. Ўзбек миллати таркибига кирган минг урувга мансуб кишилар яшайдиган аҳоли масканларига қўйилган ном. Фарғона vodiysida нисбатан кам тарқалган.

Миндон — Фарғона туманидаги қишлоқ, этимологияси аниқ эмас. Мингдан ортиқ хўжалик, уй бор деган маънода бўлиши мумкин.

Мирзо Ёдгор кўчаси — Кўқон шаҳридаги кўча. Мирзо Ёдгор ўзбек халқи ичидан етишиб чиққан машҳур меъморлардан бўлиб, шаҳардаги “Мир” мадрасасини қуришда иштирок этган. Мингойим, Муҳаммад Алихон, Муҳаммад Аминхон мадрасаларини қурган Мирзо Ёдгор шу кўчада истиқомат қилган. Бу жой эски хужжатларда ҳам Мирзо Ёдгор маҳалласи деб ёзилган (Я. Дадабоев).

Мисгарлик — Кўқон шаҳридаги маҳалла номи. Мисга ишлов бериш, мис идишлар ясаш ва уни таъмирлаш билан шуғулланадиган усталар яшайдиган маҳалла.

Навбахор — вилоятда кенг тарқалган жой номларидан бири. Аксарият ҳолларда бу ном ўзбек тилидаги эрта баҳор, илк баҳор, баҳорнинг бошланishi маъносига янгилашган. Вилоятдаги қишлоқ ва маҳалла номлари орасида Навбахор етти марта такрорланади.

Наврўз — такрорланиши бўйича Навбахор билан бир хил ўринда турувчи жой номи. Шамсия йил ҳисобида янги йилнинг биринчи кунини наврўз деб аталади. Рамазий маънода янги куннинг, янги даврнинг бошланishi маъносига ҳам шундай аталган жой номлари мавжуд.

Найман — вилоятдаги қишлоқлар номи. Найман — ўзбек уруқларидан бири, унинг бир қанча тармоқлари бор. Найман сўзи мўғулча бўлиб, найма — “саякчиз” деган маънони англатади. Бу қишлоқлар вилоятнинг Бувайда, Тошлоқ, Қува, Охунбобоев, Дангара туманларида, Қувасой шаҳри хулуида жойлашган.

Найман бўстон — Тошлоқ туманидаги қишлоқ номи. Юқорида айтилган Фарғона — Ёзёвон — Қува оралигида қириқларнинг бўстўн (бўз тўли) уруғи вакиллари кенг тарқалганлиги ҳақидаги фикрга эътибор берилса, бу номи найман ва бўстон қабилалари номларидан олинганлигини таъкидлаш лозим.

Намуна — Охунбобоев, Қува, Фарғона туманларида кенг тарқалган қишлоқлар номи. Кишилар ўз

қишлоқларини бошқаларга ўрнат, ибрат бўлсин деган мақсадда шундай номлаган бўлишлари мумкин.

Новкат — Фарғона вилоятида кўп учрайди. Новкат — тожикча «янги қишлоқ» деган маънони билдиради. Бу ном Новкент, Нолобод кўринишида ҳам учрайди.

Нойибнинг кўприги — Кўқон шаҳридаги маҳалла. Нойиб-Кўқон хонлигидаги юқори лавозимлардан бири бўлиб, аслида арабча сўз, маъноси “ўринбосар” демакдир. Хон ва вазир, ҳокимларнинг ёрдамчиси, жойлардаги вақили “нойиб” деб юритилган. Архив хужжатларида Отабек нойиб, Баҳром нойиб, Хўжам подшоҳ тўра нойиб сингари нойибларнинг номлари сақланиб қолган. Нойибнинг кўприги топонимнинг вужудга келиши Отабек нойиб номи билан бевосита алоқадордир. Кўприк шу шахс томонидан бунёд этилган. Кўприк номи асосида маҳалла номи вужудга келган.

Намозгоҳ — Ўзбекистон тумани Пурсух қишлоғи ўраминидаги маҳаллалардан бири. Номнинг иккинчи қисмидаги — гоҳ от ясовчи бўлиб, “жой, ўрин” маъносини билдиради. Намозгоҳ — “намоз ўқиладиган жой” демакдир.

Нонвойлингўзар — Кўқон шаҳридаги маҳалла. Ушбу гўзар марказида меҳмондорчилик дастурхони, йўқлов, бемор кўриш учун олиб бориладиган, турли маросимларга сотиб олинладиган ташсиқ нонлар, беш-олти хил патирлар, шпрмой нон, пойгир, тижда, ётиқ кулча, кўпоқ нон ва бошқа анвойи нонлар ёшилган. Шу боис маҳалла Нонвойлингўзар номини олган.

Обиосиё — Тошлоқ туманидаги қишлоқ ва маҳалла номи. Маҳаллий аҳоли томонидан Обиосиё тарзида айтилади. С.Қораснинг (1999) ёзишча бу ном сув ёрдамда ҳаракатга келтириладиган тегирмон билан боғлиқ бўлиши мумкин. Обиосиё топоними географик термин сифатида қаралса, бу қора сув, яъни бўлоқ суви деган маънони англатади.

Обишир — Сўх туманидаги қишлоқ номи. Тожикча

“сут сув” дегани, кўпроқ шприн ичимлик сувига нисбатан ишлатилади. Вилоятдаги Обираҳмат, Обиравон, Обихаёт каби топонимлар ҳам “рахмат суви”, “хаёт суви”, “равон оқадиган сув” маъноларида ишлатилган.

Овчи — Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Тураржойнинг аталишига шу номдаги уруғ номи асос бўлган. Этноойконим.

Озодлик — вилоятдаги кўлиб маҳаллаларга Республикадаги мустақиллигини шарафлаш мақсадида қўйилган жой номи.

Ойдинбулоқ — Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Шу номдаги булоқ номи билан аталган. Топонимнинг биринчи қисмидаги ойдин лексемаси туркий тилларда турли маъноларни ифодалайди. Профессор Ф.Абдуллаевнинг ёзишича, бу сўз қозоқ тилида — қатта ховуз; қирғиз тилида — чуқур ва текис жой; қорақалпоқ тилида-сув сатҳи, ярқироқ жойи, товланиб турган сув юзи; Ўзбек тилининг Хоразм шеvasида esa кўлиниг қамиш ўсмайдиган чуқур ва текис жойи маъноларини англатади. Қисқаси, ойдин атамаси гидронимлар таркибиде объектнинг ўт-ўлан ўсмайдиган чуқур жойи, тоза, тин-тиник сув маъносини ифода қилади. Ойдинбулоқ—суви тиник булоқ, тоза булоқли жой маъносидадир. Бувайда туманидаги Ойдинкўл топоними ҳам худди шундай маънони билдиради. Қишлоқнинг аталишига кўл номи асос бўлган.

Ойимқишлоқ — Бувайда туманидаги қишлоқ номи. вилотда Ойимча, Ойимча қақир каби қишлоқ ва маҳалла номлари қайд этилган. Кўпчилик тадқиқотчилар бу номни Нодирабегимнинг тахаллуси Моҳларойимга нисбат бериб қўйилган деб ҳисоблайдилар. Ҳар ҳолда бу топонимларнинг келиб чиқишини алоҳида-алоҳида тадқиқ этили керак.

Олачабоф — Кўхон шаҳридаги кўча. Кўлда йигирилган пахта ипидан тўқилган, ингичка йўлли мато — олача дейилган. Олачадан тўн ва яқтак каби кийимлар

тўқилган. Олачабоф — “олача тўқувчи” демакдир.

Олтиариқ — Олтиариқ тумани маркази. Ўтмишда Шохимардон сойидан оқиб келган сув ҳамда қишлоқдан чиқаётган булоқ сувлари ҳозирги Олтиариқ қишлоғига етиб келганда олтипа ариққа, олтига тармоққа бўлиниб кетган. Шу сабабли бу жой ариқнинг солига, микдорига нисбат берилган ҳолда Олтиариқ деб атала бошланган.

Олтиўтил — Бувайда туманидаги қишлоқ. Олтиўтил — ўзбеклар таркибига кирган найман қабиласининг бир уруғи (С.Қораев). Этноним асосида қишлоқ номи юзага келган. Самарқанд вилоятининг Пахтачи, Норной туманларида ҳам Олтиўтил деб номланган аҳоли масканлари бор. Буларнинг барчаси этноойконимлардир.

Олтинўргоқ — Дашгара туманидаги қишлоқ. Шу ном билан аталувчи этноним асосида юзага келган.

Олчин — Бағлод туманидаги қишлоқ номи. Олчин бир қанча туркий халқлар таркибига кирган уруғ номи. Ўзбекистонда олчинлар кўпроқ Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Офтобрўй — Сўх туманидаги қишлоқ номи. Аслида бу сўз географик термин бўлиб, куёшга қараган, кунгай жойда жойлашган қишлоқ, маҳалла деган маънони англатади.

Оқариқ — Фаргона шаҳар кенгашига қарашли қишлоқ жойи. Сувининг рангига кўра Оқариқ деб номланган. Одатда, доимо оқадиган, кўпроқ қор сувидан тўйналдиган сувга нисбатан оқ сўзи ишлатилади.

Оқбилёл — Фаргона туманидаги қишлоқ номи. Тарихда биринчилардан бўлиб ислом динини қабул қилган Билол ибн Рубоҳ Ҳабаший номи билан боғлиқ деб изоҳловчилар ҳам бор. Бу сўзнинг “булоқ”, “кўлтиқ”, “бурчак” каби маънолари ҳам қайд этилган.

Оқбўйра — Олтиариқ туманидаги қишлоқ. Оқбўйра

урув номи сифатида қайд этилади.

Оқер — Рипhton туманидаги қишлоқ номи. Экин экиб юрилган, ўзлаштирилган ер — оқ ер деб аталади. Батыан олиқ-солиқдан озод қилingan жойлар ҳам хур ер оқ ер дейилади. (С.Қораев, 1978).

Оқтепа — Охунбобоев, Ўзбекистон, Дангара туманларидаги қишлоқлар номи. Теза геоморфология термин сифатида рельеф шаклини (баландлигини) билдиради. Тепаликни ташкил этган жинсларнинг ранги ва хусусиятига қараб Араиктепа, Оқтом, Тиллотепе, Топтепа, Топлоқтепа, Шўртепа, Қизилтепа, Қоратепе, Қумтепа каби жой номлари ҳосил қилинган. Батылар оқ сўзи теланинг рангини эмас, у ерда яшовчи, ерларга ағалик қилувчи аҳолининг келиб чиқиши оқ суяк, асладолардан эканлигини аниглайди деб ёзадилар (С.Қораев, 1998).

Оқёзи — Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Ойконим оқ ва ёзи сўзларининг бирикувидан таркиб топган. Номнинг иккинчи қисмидаги ёзи сўзи қадимги туркий тилида “чўл, дашт, текислик” маъноларини ифода этган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луватит” турк асариде бу сўзнинг “бўшлиқ, очкилик” маъносиде қўлланишлиги қайд этилган. XIV аср Хоразм ёдноmaları тилиде ва буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларида ёзи — “сахро, дашт, чўл” маъноларида ишлатилган. Демак, Оқёзи — айнан: “оқ дашт, оқ чўл” маъносидедир.

Парилшабоф — Қўқон шаҳридаги кўча. Парилша — дастохда тўқиладиган юлға ва пишқ маю. Парилшадап тўн ва паранжи сингари кийим-кечаклар тайёрланган. Парилшабоф — парилша тўқувчи маъносидедир. Кўча шу ерде яшовчи кишиларнинг касб-кори асосиде номланган.

Пастки Арча — Фаргона туманидаги қишлоқ. Топонимикада рельефа нисбатан қўйилдиган жой номи. Бирор объектни иккинчисига нисбатан қўйида, этакда жойлашганлигини аниглайди. Вилоятдаги Пастки Бешкана, Пастки кўприк, Пастки маҳалла, Пастки Тўлаш.

Пастки Яккагут каби номлар шу асосда вуждуга келган.

Пиёзчилик — Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Топонимикада — чилик кўшимчаси деҳқончилик, хунарманчилик соҳасиде банд бўлган кишилар гуруҳини аниглайди. Вилоятдаги Ботлорчилик, Жиякчилик, Косибчилик, Кўнчилик, Тароқчилик, Сўкчилик, Эгарчилик, Қандолатчилик каби номлар шундай пайдо бўлган.

Пишагар — Бувайда туманидаги қишлоқ номи. Топоним таркибидеги гар элементи тожик тилидаги тоғ сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай талқинда ушбу ном тоғ олдидеги қишлоқ маъносини билдириши мумкин.

Повулрон — Олтиариқ туманидаги қишлоқ номи. Мўғул тилида паулган “кўниш жойи”, “ўрда”, “манзил” демакдир.

Полвонтош — Фурқат туманидаги қишлоқ номи. Баты жойларда кичик бўлса ҳам оғир, полвонларигина кўтара оладиган паллахса тошни полвонтош дейишади.

Понсад — Бувайда туманидаги қишлоқ номи. Понсад — хонликлар давридаги лавозим, асли понсадбоши дейилади. Қўқон хонлигида қўмондон, полк (даста) командири понсадбоши дейилган. Тожик тилида понсад ёки «панжсад» — «бешюз» деган маънони билдиради.

Поякчилик — Қўқон шаҳридаги кўча. Ўтмишда поякчилик дегаш касб-хунар бўлган, ҳозир эҳтиёждан чиққан. Бу касб соҳиблари чилим ва унинг асобоб ускуналарини ишлаб чиқариши билан шуғуллانشаллар. Шўролар даврида бу кўчага “Партизанская” номи берилган эди. Кейинги йилларда тарихий ном тикланди.

Пучуғой — Учкўприк туманидаги қишлоқ номи. Аслида уруф номидан олинган. Фаргона воийисиде кенг тарқалган ўзбек килчоқлари орасиде пучуғой уруғи вакиллари Қўқон астробида кенг тарқалган (Губаева, 1983).

Пўстиниқўз — Кўқон шаҳридаги кўча. Бу кўчада пўстин тилувчи қосиблар истиқомат қилганлар. Улар кўй, бўри, тулки, товунқон, сувар, кўтос терисидан пўстин тайёрлаганлар (Я. Дадабоев).

Раиқон — Бешариқ туманидаги қишлоқ. Кўқон хонлари архивида Рафиқон қишлоқ шаклида тилга олинган. Бу сўз тожикча бўлиб, «ўртоқлар» демакдир. (С. Қораев, 1978).

Раҳматилло — Дашара туманидаги қишлоқ номи. Антропоойконим. Кишиларга қўйилган бу исм худонинг раҳмдиллиги, марҳамати деган маънони англатади.

Риштон — Риштон тумани маркази. Дастлаб «Хутул ал-олам»да, араб географлари Ибн Хавқал, Муқаддасий асарларида шаҳар деб қайд этилган. Этимологияси янқ эмас. Риштон «ўғри йўл тошанлар» деб изоҳланиши кўпроқ диний талқинга мос тушади (С. Қораев, 2005).

Самандарак — Бағдод туманидаги қишлоқ. Ўзбек тилида от малла, сомон рангли от саман от деб аталади. Саман от топилган қишлоқ деб изоҳланиши илмий асосга эга эмас.

Самарқанд — Бағдод туманидаги қишлоқ. Кўқон хонлиги тарихига оид ҳужжатларда ҳам қайд қилинган. Қишлоққа Самарқанддан кўчиб келган кишилар асос солган. Дарҳақиқат, тарихий манбаларнинг гувоҳлик берилишича, Кўқон хонлигининг аҳолиси Самарқанд вилоятидан кўчиб келган одамлар ҳисобига ҳам қўйиб берилган. Дастлаб 1717 йилда бир неча минг киши Самарқанддан бу ерларга келиб ўрнашган (Т. К. Бейсембиев).

Саодат — Кўқон шаҳридаги маҳалалардан бири. Араб тилида бахт, роҳат, толе деган маънони билдирувчи бу сўздан топоним ясалган.

Сариқўрғон — Учкўприк туманидаги қишлоқ. Ушбу топонимни "юқори, бош томонда жойлашган кўрғон" деб изоҳлаш мумкин. Бунда Сўх дарёсининг юқори

қисмида жойлашган кўрғон деган маъно келиб чиқади. **Саткак** — Фарғона туманидаги қишлоқ. Этимологияси янқ эмас. Қишлоқ худуди диний жиҳатдан муқаддас қадимжой сифатида энираттоҳга айлангирилган.

Совурбулоқ — Фарғона шаҳар кенгашига қарашли қишлоқ. Топоним таркибидagi асосий географик термин бўлоқдир. Юқорида айтилганидек, бу сўз «оқмоқ», «аралашмоқ» феълидан олинган. Булоқнинг характерини, шаклини, соини, эгасини ифодаловчи сўзалар қўшилиб кўплаб жой номлари ҳосил бўлган, жумладан, Булоқ, Бўлоқбоши, Еттибулоқ, Зарбулоқ, Мингбулоқ, Оқбулоқ, Тўққизбулоқ, Кўшбулоқ каби жой номлари буларнинг мисолидир. Совурбулоқ турли хил касалликларни даволашда ишлатиладиган шифобахш суви туфайли шуидай номланган деган изоҳ мавжуд.

Собиртепа — Бешариқ туманидаги қишлоқ. Кўқон хонлиги тарихига оид манбаларда зикр қилинган. Жойнинг бундай номланишига киши исми асос бўлган. Антропоойконим. Собиртепа халқ нутқида Совуртепа шаклида талаффуз этилади.

Совутеозлик — Кўқон шаҳридаги кўча. Совут — жангчини найза, қилич, ўқдан ҳимоя қилувчи восита бўлиб, қадим замонлардан XIX аср бошларигача жангларда қўлланган. Ўтмишда бу кўчада бир неча ўн совутеоз усталарнинг хонадонлари ва дўконлари бўлган. Шу сабабли ушбу турар-жой Совутеозлик деб номланган (Я. Дадабоев).

Сойбўйи — вилоятнинг Фарғона, Ёзёвон, Охунбобоев туманларида ўн мартадан кўпроқ такрорланган жой номларидан бири. Сойишдир, Сойкелиш, Сойёни, Қорасой каби номларда ҳам топоним ясовчи сўз сифатида сой ишлатилади. Сой сўзининг икки хил маъноси мавжуд. Асосий маъноси кичик дарё, оқар сув бўлса, қўшимча равишда сойлик, кенг водий, дара маъносини ҳам англатади.

Сочтепа — Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Манба-

ларда, хусусан Кўқон хонлиги тарихига оид ҳужжатларда, XX асрнинг биринчи тарафда тузилган аҳоли пунктлари рўйхатида Чоштена шақлида қайд этилган. Номнинг биринчи қисми-чош сўзидаги ш товушининг ч га (ш>ч), ч ундошининг с га (ч>с) ўйиб ўзгариши туфайли ойқоним Чоштена кўринишига келиб қолган: Чоштена>Чочтена>Сочтена. Одатда, текисликда тупроқ уюмидан кўла қилинган тена, дўнглик — Чоштена дейилган. Чоштеналар назорат жойи сифатида қишлоқ атрофида ва оралигида ясалган (Т.Нафасов, 1988). Чоштена — тупроққўрғон, суғий тена, уюлган тена маъноларини аниқлатади (С.Қораев, 1978).

Сувларик — Ёзёвон туманидаги қишлоқ. Серсув ариқ маъносига номланган. Топонимикадаги нисбат бериш, қийёлаш қонунияти асосида Беларик, Жарарик, Кўларик, Тошарик, Янгиарик, Қораарик, Қумарик каби қишлоқ ва маҳалла номлари яратилган.

Сурхтена — Фарғона паҳридаги маҳалла номи. Ном кўлинча сурх, яъни қизил тена деб изоҳланади. Бирок бу сўзни янги деган маъноси ҳам бор. С.Қораев (2001) сурх номи уруғ номи борлигини таъкидлайди.

Сўфон — Қувасой паҳар кенгашига қарашли қишлоқ. Мазкур топонимнинг этимологияси маълум эмас. Топоним таркибидаги — он аффикси тожикча бўлиб, кишиларнинг қандайдир ижтимоий гуруҳга (миллатга, уруғга, касбга) мансублигини билдиради, Арабон, Мангитон, Ўсагарон, Кокилон каби. Бундай ёпишувда Сўфон бирор гуруҳга (масалан, сўфилар) мансуб кишилар яшайдиган жой маъносига бўлиши мумкин.

Сўфи — Тошлоқ, Учкўприк, Қува туманларидаги қишлоқлар номи. Сўфи — масжидда азон айтувчи киши. Қишлоқлар икки маънода шундай номланган бўлиши ҳам мумкин. Биринчидан, сўфи яшайдиган ёки азон чақирилдиган қишлоқ, иккинчидан содда, художўй кишилар истиқомат қиладиган қишлоқ ёки маҳалла.

Сўх — вилоятдаги туман ва қишлоқ номи. Энг

қадими қишлоқлардан бўлиб, дастлаб “Худуд ад-олам” асарига араб географлари томонидан тилга олинган. Қишлоқ асли дарё номидан олинган. Сўх сўзининг илмий этимологияси аниқ эмас.

Татюсиё — Сўх туманидаги маҳалла. Ном таркибидаги осие сўзи тожикча бўлиб, “тегирмон” деган маънони ифода қилади. Татюсиёнинг лугавий маъноси “тегирмон таги” демакдир. Жойлашган ўрнига кўра шундай ном олган.

Тайноқ — Данғара туманидаги қишлоқ номи. Ўзбек тилида бу сўз яшалок, бир оз яссироқ деган маънода ишлатилади. Агар рельефга нисбатан олинса ясси, текис жойдаги қишлоқ маъносига ишлатилган бўлиши мумкин.

Тақалик — Ёзёвон туманидаги қишлоқ. С.Губаева (1983) бу каби номларни ташқи кўринишига қараб (тақаси бор қишлоқ) этимологиясини аниқлаш хато бўлиши мумкинлигини ёзади. Ўзбек, қирғиз, қozoқ, туркман, қорақалпоқ миллати таркибига кирган шу номдаги уруғ қайд этилади.

Тароқчилик — Кўқон паҳридаги кўча. Маҳаллада тароқ ясовчи усталар истиқомат қилганлар. Улар ёғоч, суяк каби маҳсулотлардан ҳар хил тароқлар ясап иши билан шуғулланганлар. Маҳалланинг номланишига ана шу касб номи асос бўлган.

Телиминг — Данғара туманидаги қишлоқ номи. Қорақалпоқ миллати таркибига кирган уруғ номидан олинган (Губаева, 1983).

Тенақўрғон — Учкўприк туманидаги қишлоқ ва маҳалла номи. Тенақўрғон тупроқдан уйиб қилинган баланд тепалик маъносидadır. Тена сўзининг кўшилишидан вилоятда Азизтена, Арабтена, Гўртена, Зиндонтена, Кигконтена, Симтена, Собиртена, Сочтена (Чочтена), Телалик, Телатаги, Тена Жалоер, Шаҳартена, Қоровултена каби жой номлари шаклланган.

Товул — Бешариқ туманидаги қишлоқ. С.Қораевнинг (1978) ёзишича, қипчоқларда шу ном билан аталувчи урув номи қайд этилган.

Тожиқ — Охунбобоев, Тошлоқ, Қува, Учкўприк туманларидаги қишлоқлар номи. Тожиқлар ўзбек ва қирғизлар билан ёнма-ён япайдиган худудларда жойлашган қишлоқларга шундай ном берилган.

Тома — Дангара тумани Қумқияли қишлоғидаги маҳалла. Тома қадимги уруулардан бири. Улар XVI асрда шайбонийларни қўлаб-қувватлаган шимолдй ўзбек уруулардан Ҳисобқаниб, жанговорлиги билан шўҳрат қозонган (А.Ҳайитметов). Тома уруғининг вакиллари жойлашган баъзи ўрин-жойлар улар номи билан юритилиб кетган. Самарқанд вилоятининг Нарпой, Хоразм вилоятининг Хонқа туманларидаги Тома, Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги Томагузар қишлоқларининг номи ҳам шу этноним билан бевосита боғлиқдир.

Тошлоқ — Тошлоқ тумани маркази. Ўзбекистонда кент тарқалган топоним бўлиб, Андижон, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида ҳам Тошлоқ деган қишлоқлар бор. Тошлоқ деганда кўпинча қиррали тошлар тушунилади, юмалоқ, силлиқ тошлардан иборат сойлик шу маънодаги тожикча «санглоқ» сўзи билан аталади. (С.Қорасев, 1978).

Тошкентлигузар — Учкўприк туманидаги қишлоқ. Қўқон шаҳрида ҳам шу ном билан юритилувчи маҳалла бор. Бу масканларда Тошкент шаҳридан келган кишилар ўрнашиб турғун бўлиб қолганлар. Шу боис қишлоқ ва маҳалла аҳолининг қайси жойдан эканлигига нисбатан Тошкентлигузар номи билан атала бошлаган.

Тошкесар — Марйлон шаҳридаги маҳалла. Маҳаллада ўғминда тош йўнувчи усталар, яъни сангтаронлар иштиқомат қилган. Улар тегиримон тоши, чарх тайёрлаш билан машғул бўлганлар. Шунга кўра маҳалла аҳолининг касб юрига нисбатан Тошкесар номини олган.

Товлиқ — Бувайда, Дангара, Охунбобоев туманларидаги қишлоқлар номи. Шарқий Туркистондан этник турухлардан бирининг номи. Бундан ташқари қирғизларда ҳам шундай урув қайд этилган.

Тувадоқ — Бағдод туманидаги қишлоқ. Кўчманчи ўзбеклар таркибида шу номдаги урув қайд этилган. Мазкур урувнинг рамзига айланган муқаддас жонивор ҳам шундай аталади.

Тул — Сўх туманидаги қишлоқ. Тул — арабча сўз бўлиб, «узун, чўзишчоқ» деган маънони билдиради. Қишлоқ конфигурациясида (шаклидан) шундай ном олган бўлиши мумкин.

Тумановул — Бешариқ туманидаги қишлоқ. Жойлашган ўрнига кўра номланган. Тумановул — «паст овул» маъносини билдиради.

Турбат — Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Турбат арабча туроб сўзининг кўплик формаси бўлиб, «тупроқ, хок, қабр» деган маънони англатади. Улуғ кишиларнинг қабрлари устига қурилган бино, мақбара ҳам Турбат дейилган. Масалаш, Гўри Амир мақбараси Турбати Темур деб ҳам аталган, Турбат номли жойлар, одатда, азиз-аждиёларнинг мазори, қадамжойи ёнида бўлади (С.Қорасев, 1978). Қадимда Турбат деган турк-мўғул қабиласи ҳам қайд этилган.

Турк — Қува ва Бувайда туманларидаги қишлоқлар номи. Ўзбекистон хулуғида XVI асргача яшаган қарлуқ, барлос, калтагой, мусобозори қабиалари турк деб аталган, булардан ташқари турк деган алоҳида қабила ҳам бўлган. Вилоятда Турклар, Туркравот, Туркқишлоқ деб аталадиган қишлоқлар номида ҳам турк сўзи топонимнинг асосини ташкил этади.

Турроқ — Учкўприк туманидаги қишлоқ. С.Қораевнинг (2005) ёзишича, ўзбеклар таркибида турроқ деб аталган урув бўлган. Турроқ сўзининг этимологияси

“қўриқчи”, “соқчи” деб изоҳланади.

Тумор — Данғара туманидаги қишлоқ. Ўзбек тилида кўп битилган қозғоли учбурчак тақичоқ тумор деб аталади. С.Губаева (1983) қирғизларнинг бўстўнли урушининг бир тармони “Тумор” (Думор) деб аталишини ёзади. Шунингдек, Тумор деган қишлоқ уруғи ҳам бўлган.

Тўда — Фарғона вилояти Олтиариқ ва Риштон туманларида. Наманган вилояти Учкўрғон туманидаги қишлоқлар номи. Тўда — ўзбек урувларидан бирининг номи бўлган.

Тўлибой — Данғара туманидаги қишлоқ. Тарихий манбаларда Тўлибой мирза шаклида қайд қилинган. Ҳаттада сўз-пизув ипларини олиб борувчи мансабдор шахс, котиб мирза дейилган. Демак, қишлоқ мирзадлик лавозимида ишлаган Тўлибой исмли шахс номи билан аталган. Антропосоёқоним.

Тўқсава — Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Ойқоним ўтмишда ишлатилган ҳарбий лавозимлардан бири — тўқсаба сўзи асосда шаклланган. Тўқсабанинг дузавий маъноси, туғ — байроқ сўздан олинган бўлиб, “ўз байроғига эга бўлган ҳарбий даста, қисмининг бошлиғи” демакдир. Қўқон хонлиги тарихида ушбу лавозимга эга бўлган шахслардан баъзиларининг номлари архив ҳужжатларида сақланиб қолган. Абдурахмон тўқсаба, Ашурбек тўқсаба, Бобобек тўқсаба, Жабборқул тўқсаба, Баҳром тўқсаба, Исмоил тўқсаба, Ермухаммад тўқсаба, Қурбон тўқсаба, Мирзаараҳим тўқсаба, Раҳматулло тўқсаба, Хўжа назар тўқсаба қабилар шўтар жумласидадир (А.Л.Троицкая). Маълум бўладики, Тўқсава қишлоғи юқоридаги мансабни аталлаган шахслардан бирининг номи билан юритилган. Тўқсаба ойқоними ном таркибида рўй берган товуш ўзгариши туфайли Тўқсава шаклига келиб қолган.

Тўринчи — Бағдод тумани Қўлтөгўрмон қишлоғидаги маҳалла. Ойқоним аҳолининг касб-хунари асосида номланган. Ерли кишиларнинг ота-боболари арава филли

ратининг ташқи гардиши — тўғий тайёрлаш билан шугулланганлар. Шу сабабли маҳалла Тўғичи номи билан юритилган. Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида ҳам Тўғичи қишлоғи бор.

Уйрат ёки **Уйрот** — Риштон туманидаги қишлоқ. **Уйрот** — ўзбек ва қozoқ урувларидан бири. Уйрот асли муғулча сўз бўлиб, маъноси «иттифоқчилар», «ўртоқлар» демакдир. Бу уруғ номи Ўзбекистонда бошқа толошимлар таркибида ҳам учрайди.

Уймовут — Данғара туманидаги маҳалла номи. Уруғ номидан олинган, 92 бовли ўзбек қавмлари рўйхатиغا киритилган.

Улкансой — Қўқон шаҳридаги кўча. Хозирда Қўқонсой деб айтилаётган сув ўзани ўтмишда Улкансой деб аталган. Улкансой соҳилидаги кўча ҳам шу номни олган (Я.Далабоев).

Ултарма — Бағдод туманидаги қишлоқ номи. Қадимдан жума кунлари бозор бўлиб келган қишлоқ сифатида машҳур. Сўзнинг илмий этимологияси маълум эмас.

Улуғбек — Фарғона шаҳридаги маҳаллалардан бири. Мутафаккир олим, давлат арбоби Мирзо Улуғбек номи билан аталган.

Унгут — Бешариқ туманидаги қишлоқ. Андижон вилоятининг Асака, Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ туманларида ҳам Унгут қишлоқлари бор. Абулғоси Баҳодирхон “Шакарарий турк” асарида унгут этнонимининг келиб чиқиши, маъноси ҳақида муҳим фикрларни айтиб ўтган. Унинг ёзишича, унгут номи “девор, дарвоза” маъносини ифода қилувчи унгу сўзи ва — т қўшимчасидан таркиб топган. — Т қўшимчаси — ти қўшимчаси англатган таркиби ҳам билдирган. Бинобарин, профессор Х.Дониёров жуда тўғри изоҳлаганидек, унгут сўзининг асли маъноси “девор кўриқчиси”, “қалъа

ҳаётлигидаёқ шу ном билан аталиб кетган (Я. Дадабоев).
Хўжақишлоқ — вилоятда кенг тарқалган қишлоқ ва маҳаллалар номи. Хўжа Аҳмад Бали, Хўжаариқ, Хўжақишлоқ, Хўжаматиз, Хўжаўли каби топонимлар таркибида хўжа асосий терминдир. Ўрта Осиёда ва бошқа мусулмон давлатларида алоҳида имтиёзга эга бўлган оқсуяк, зодагон табақа вакиллари шарафига қўйилган ном.

Хўроба — Фарғона туманидаги қишлоқ ва маҳалла номи. Ичип учун яроқли сув маъносига бўлиши мумкин.

Чашма — Сўх туманидаги қишлоқ. Чашма географик термин, келиб чиқишига кўра тожикча, ўзбек тилидаги булоқ сўзи билан маънодондир. Ер ости сувларининг ер юзасига табиий ҳолда оқиб чиқадиган жойи — чашма ёки булоқ атамалари билан юритилади. Булоқ ва чашмалар сувли қатламлар ер юзига чиқиб қолган жойларда — водийлар, сойлар, жарлар, тоғ ён бағирлари, тоғ этакларида чикади (С. Қораев, П. Гуломов, Р. Раҳимбеков, 1979). Чашма турдош оти баъзан мустақил ҳолатда бирон сўз билан бирикмасдан жой номи — атоқли от сифатида ҳам ишлатилади. Қайт қилинган Чашма ойқоними бунинг ёрқин мисолидир.

Чағали — Данғара туманидаги қишлоқ. Этнография адабиётларида туркий халқлар ўмишида чага, чағали деган уруф бўлганлиги ҳақида маълумотлар қайт этиб ўтилган. Бинобарин Чағали уруғ номи билан аталган аҳоли маскани, этноойқонимдир. Чимкент вилоятининг Туркистон туманида ҳам Чага номиши олган қишлоқ бор.

Чек — Кувасой шаҳрида, умуман Фарғона водийсида чек сўздан таркиб тошган жой номлари кўп учрайди. Чек сўзининг бир неча маъноси бор. Холлик оила аъзоларининг, амалдорлар, руҳонийлар ва машҳур шахсларнинг, умуман, ҳар қандай кишиларнинг хусусий ерлари маъносига топонимларда, яъни жой номлари таркибида мустаҳкамланиб қолган. Чек атамаси билан боғлиқ номлардан Аҳмадхўжачек, Бобочек, Насриддинчек,

Исмоилчек, Маҳмудчек, Ўсмончек, Дўсмагчек, Жумабойчек, Чекмиразобод, Чексарой, Чекшариф, Чекпура, Чекобод, Чекжўрабек каби қишлоқ номлари учрайди.

Чекчувалдоқ — Фурқат туманидаги қишлоқ. Чувалдоқ ёки чуулдоқ этноними бир неча уруғ таркибида, чунотчи парла ва сари, қинчоқ уруғларининг тармоқлари орасида, Зарафшон водийсидаги найманлар таркибида, қўнғирот қабиласининг шохобчалари орасида қайд қилинган (С. Қораев, 1978).

Чек Шариф — Фурқат туманидаги қишлоқ. Мазкур аҳоли масканининг номи маббаларда Чек Шариф саркор тарзида қайд қилинган. Саркор — айнан: “иш боши” демакдир. Тарихий асарлардан маълум бўлишича, давлат томонидан йирик ишбоотлар қурилишида саркорлар иш бошқарган. XVI-XIX асарлардаги Фарғонага оид бир қатор ер-сув масалаларига доир ҳужжатларда саркорлар солиқ ундириш ишларини ҳам бошқаргани кўрсатилган (А. Жувоимардиев). Дарҳақиқат, Чек Шариф ойқоними саркорлик вазифасида ишлаган Шариф исмли киши номи асосида вужудга келган. Чек Шариф — Шарифиш ери, Шарифга қарашли хусусий жой маъносини ифода этади.

Чекшўра — Фарғона туманидаги қишлоқ. Шўр ерларда ўсадиган ёввойи ўсимлик шўра деб аталади. Бироқ тек сўзнинг юқоридаги маъноларидан келиб чиқиб таҳлил қилинса, шўра бирор эллик гуруҳнинг номи бўлиши мумкин.

Чимбой — Беларик, Кува тумашларидаги қишлоқлар. Чимбой — ўзбек уруғларидан бири. Қайд қилинган аҳоли масканлари шу этноним билан юритилган.

Чимён — Фарғона туманидаги қишлоқ. Чимён аслида Чимган бўлиб, ўтаюр, яшил водий деган маънони англатади. Чимён Чашмадамиён ёки Чилкон сўзларидан олинган. Чашмадамиён «сув (булоқ) кўли», Чилкон эса «конлари кўли» жой демакдир. Ҳақиқатан ҳам бу ердан нефть конлари кўп топилган. Лекин, бу ном бошқа ерларда

хам учрайди. Тошкент вилоятидаги Чимён тоғида Чимён курорти бор. Маҳаллий халқ Чимёни тизмор маъносигаги чимён сўзидан келиб чиққан дейди. Лекин Чимқўрғон, Чимкент, Чим каби бир қанча номлар «чём» яъни «кўрғон» сўзидан келиб чиққан деган фикрлар ҳам бор. Сўзгагина чим (чём) сўзи ҳозир ҳам «кўрғон, қалъа» маъносига ишлатилади. Чим (Чём) ихота, тўсиқ, юв маъносини англатади, айниқса, республикамиз жанубида кўп учрайди (С.Қораев, 1970).

Чиркай — Фурқат ва Қува туманларидаги қишлоқлар номи. С.Қораев (1978) чиркай қирғиз уруқлардан бирининг номи бўлса керак деб тахмин қилади. Ўзбек тилида майда чивини бир тури шундай номланади.

Чодаклик — Дангара туманидаги қишлоқ. Қўқон хонлиги архиви ҳужжатларида баъзан Чодакли шаклида ҳам ёзилган. Бу ерга аҳоли Наманган вилоятининг Пон туманидаги Чодак қишлоғидан кўчиб келган. Шу сабабли аҳоли маскани Чодаклик деб аталиб кетган.

Чорбор — Учкўприк туманидаги қишлоқ номи. Тўрт бурчак шаклидаги, шаҳар четидаги қатта бор ёни тоқ, мевали ва ҳўшманзара дарахтлар ҳамда полздан иборат бўлган бор шундай номланган.

Чорботўранги — Бешарик туманидаги қишлоқ. Тўранги ўсалган чорбор маъносига кўйилган ном. Чор атрофда тўранги ўсаллиги туфайли шундай номланган бўлиши мумкин.

Чуваланчи — Бағдод туманидаги қишлоқ. Қадимда Қурама ва қипчоқ қавмларининг чубаланчи деган уруғи қайд этилади, 92 бовли ўзбек қавмлари рўйхатларида ҳам чубаланчи уруғи бўлган. Этноойконим.

Чумоқча — Сўх туманидаги қишлоқ. Тожиқ тилида чумоқ — ёнроқ дегани. Чумоқча — ёнроқли жой маъноси-дадир. Фитоойконим.

Чўмбағиш — Бувайда туманидаги қишлоқ ва маҳалла номи. Аслида Чўшбағиш бўлиши мумкин. Қирғиз уруғлари орасида Бойбағиш, Қорабағиш, Саробағиш каби номлар учрайди. Бу сўз қирғиз тилида дось (булан) демакдир.

Чўринди — Бағдод туманидаги қишлоқ. Уруғ номидан олинган бўлганини мумкин, сўзнинг этимологияси маълум эмас.

Шайхулислом гузари — Қўқон шаҳридаги гузарлардан бири. Шайхулислом — мусулмон жамиятидаги энг юқори унвон, руҳонийлар бошлиғи. Ўлкашунос олим Я.Далабоевнинг ёзишича, манбаларда Қўқон хонлигида шайхулислом лавозимини эгаллаган бир нечта зотларнинг номлари сақлашиб қолган. Сўлтонхон тўра Аҳрорий, Маъруфхон тўра биниш Маъмурхон тўра, Сулаймон хожа биниш Юсуфхон хожа, эпон Бобоўжа Қонибодомий, Зокирхожа Эпон Намангоний, Хожа Калон Жўборий кабилар шулар жумласидандир. Булардан Зокирхожа эпон Намангоний гузарга ўз номини қолдириш шарафига муюсар бўлган. Гузар аввалига Шайхулислом Зокирхожа эпон гузари деб юратилган. Кейинчалик талаффузда соддаланиб Шайхулислом гузари тарзида аталиб кетган.

Шакар — Охунбобоев ва Фаргона туманларидаги қишлоқ. Вилоятда Шакартена, Шакарқишлоқ номли қишлоқлар бор. Бир қанча туркий халқларнинг уруғ-аймоқ номлари кўп жиҳатдан ўхшаш эканлигини эста олсак, ўзбекларда ҳам «шакар» деган этноним қайд этилган. (С.Қораев, 1978).

Шикорбети — Қўқон шаҳридаги маҳалла номи. Ов бети, овни бошқариб турувчи раҳбар маъносига ишлатилган бўлиши мумкин.

Шайхон — Қўқон шаҳридаги маҳалла. Бу ойконим таркибига кўра шайх+он қисмларига ажралади. — Он тожиқча кўплик, жамлик кўшимчаси бўлиб, тилимиздаги — лар кўшимчасига тўғри келади. Бинобарин Шайхон — “шайхлар” маъносидандир. Наманган вилоятининг Қосонсой

туманида ҳам Шайхон деб номланган қишлоқ мавжуд.

Шомирза — Охунбобоев туманидаги қишлоқ. Тарихий манбаларда Шоҳмирзачеда тарзда қайд қилинган. Жой номи киши исми билан аталган. Кейинчалик топоним ихчамлашиб Шомирза шаклида қўлланиб кетган.

Шувоқзор — Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Шувоқ — гуллари майда, сарғиш рангли, ўзига хос ҳидга эга бўлган, дашт ва қўлларда ўсадиган кўп йиллик ёввойи ўсимлик. Бу ўсимлик номи Алишер Навоий асарларида шубоқ, шубоғ шаклида учрайди. Шувоқзор — “шубоқ кўл ўсадиган жой” демакдир. Фитноийконим.

Шунқор — Фурқат туманидаги қишлоқ. Камолиддин Биноий XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхон тевара гита уюшган қабилалар орасида шунқорли қабиласи бўлганлигини қайд этган (Б.Аҳмедов, 1992). Мазкур этник ном Хоразм вилояти жой номлари тизимида Шунқорли, Шунқорли Қитмоқ тарзда учрайди. Вилоятимиз ҳудудидаги Шунқор қишлоғининг номи фикримизча, бир вақтлар шу ерга келиб ўришган шунқор қабиласи номидан олинган. 1909 йилда напш этилган “Фарғона областидаги аҳоли пунктларининг рўйхати”да яна икки қишлоқ Шунқор номи билан аталганлиги зикр қилинган. Бу ерда товуш ўзгарини рўй берган: н товушининг м товушига ўйиши натижасида Шунқор — Шунқор бўлиб кетган.

Шўрқишлоқ — Қува, Охунбобоев, Учкўйрик, Ўзбекистон туманларидаги қишлоқлар номи. Вилоятга кенг тарқалган бу номлар шўр босқан, шўрхоқ ер маъносини билдиради.

Шўроқер — Батқол туманидаги қишлоқ. Топоним “шўр тупроқли жой” маъносини ифода қилади. Қишлоқ шўр босқан ерлар ўрнида ташкил топганлиги учун шундай деб ном олган.

Шўреув — Ўзбекистон туманидаги шаҳарча номи.

Сувлик номи шаҳарча номига қўйилган. Сувнинг маънаси, хиди ва ҳароратига қараб номланган топонимлар орасида Шўрсув, Ачқиқсув, Сассиқсув, Топлисув, Иссиқсув қабиалар учрайди.

Элчи — Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Ўз эли, юртининг ишончли вақли, шондан кишига хабар етказуви вакил шундай номланади. Мамакур топонимни алоҳида этимология текшириш лозим.

Эскираб — Олтиариқ туманидаги қишлоқ номи. Бу номнинг араб этнонимига алоқадор эканлиги юқорида тасвирланган эди. Топонимикадаги хронологик қонушиятта кўра барча номлар эски ва янги номларга бўлинади. Янги аҳоли масканининг пайдо бўлишида бошқа маскандан келган кишиларнинг хизматлари бўлади, улар одатда, ўз масканлари номини “янги”, “обод” сўзлари билан янги жойга кўчириб борадилар. Уларнинг олдинги масканлари кўпинча “эски” ибораси қўпилади. Масалан, Эски, Эскиийиш, Эскикўрпа каби.

Эшонқишлоқ — Фурқат, Учкўйрик туманларидаги қишлоқлар. Бундан ташқари, Бувайда туманида Эшонқўрғон, Марилтон шаҳрида Эшонқўзар, Ёзёрон туманида Эшонтўйи деган аҳоли масканлар бор. Бу жойларда руҳонийлар табақасига кирувчи эшонлар ва уларнинг авлод-аждодлари истиқомат қилганлар.

Юлғунзор — Учкўйрик туманидаги қишлоқ. Қишлоқ ўрни илгари юлғун бутаси кўп ўсган ерлардан иборат бўлган. Шунга кўра аҳоли маскани Юлғунзор номига олган. Данғара тумани ҳудудида ҳам Майдаюлуя қишлоғи бор.

Юқори — Фарғона туманидаги қишлоқ. Топонимикада рельефга нисбатан қўйилдиган жой номи. Бирор объектнинг иккинчисига нисбатан юқорида, баландда жойлашганлигини англатади. Вилоятдаги Юқори, Юқори Арча, Юқори Гулпан, Юқори Машиғит, Юқориқишлоқ, Баландмаскинд каби номлар шу асосда вужудга келган.

Яйпан — Ўзбекистон тумани маркази. Бозорийпан, Пасткийпан, Этчийпан, Қулбекяйпан, Ганийпан деган қишлоқлар тарихда қайд этилган. Базиларнинг фикрича, яйпан географик термин бўлиб, «текислик», «ялашлик» деган сўз.

Янкатут—Тошлоқ, Ўзбекистон, Учкўприк, Бешариқ туманларидаги қишлоқлар. Вилоятда кенг тарқалган жой номларидан бири. Дарахтлар, буталар ва бошқа экинлар номи қўшилиб яратилган топонимлар орасида дарахтларнинг сон-сановига нисбат берилган номлар ачагина, Мишчинор, Кўнчинор, Қатортол каби. Вилоятдаги топонимлар орасида бодом, бурган, қампш, шор, беҳи, беда, жайда, олма, пахта, терек, тол, чинор сўзлари кўп учрайди.

Яккавут — Топлоқ туманидаги қишлоқ. Жой номи XIX асрга оид Қўқон хонлиги архиви ҳужжатларида Яккабед шаклида учрайди. Топонимнинг сўнги қисмидаги “бед” сўзи тожикча бўлиб, “тол” маъносини билдиради. Яккабед — “якка тол” демакдир. Қишлоқ ўсимлик номи билан аталган фитоойқонимдир. Яккабед номи фолстик ўзгаришлар туфайли Яккавут кўринишига келиб қолган.

Ялангочта — Қўқон шаҳридаги маҳалла номи. Фарғона вилоятининг Бувайда, Андижоннинг Шаҳрихон, Наманган вилоятининг Чуст туманларида ҳам шу номдаги жой номлари қайд этилган. Қишлоқларнинг бир уруви Ялангоч деб аталади (Губаева, 1983).

Ялаги — Фарғона туманидаги қишлоқ. Қишлоқда асосан қирғизлар истиқомат қиладилар. Этноойқонимга қирғизларнинг ялаги уруви номи асос бўлган.

Янги — вилоятда нисбатан янги ташқил этилган аҳоли масканлари номига янги сўзи қўпилади. Янгиариқ, Янгибўстон, Янгиўқон, Янгийўл, Янгимахалла, Янгибод, Янгитурмуш, Янгисой, Янгиҳаёт, Янгичек, Янгиюрсу, Янгиқишлоқ, Янгиқўрғон каби жой номлари шундай ҳосил бўлган.

Яшиқ — Дашава туманидаги қишлоқ. С.Губаева (1983) қишлоқларнинг Фарғона водийсида ҳудудий тарқалишини ўргатиб, 20 дан ортиқ жой номлари қипчоқ урувлари номига қўйилганлигини ёзади. Шу рўйхатда яшиқ уруви ҳам қайд этилади.

Ўрабони — Қува туманидаги қишлоқ. Ўра сўзининг маъноси — жарлик, чуқурлик, хаштак. Демак, Ўрабони — чуқурлик, жарликнинг юқорисидаги қишлоқ маъносини билдиради. Аҳоли маскани объектнинг жойлашган ўрнига нисбатан шу тарзда ном олган.

Ўрдатаги — Қўқон шаҳридаги кўча. Ўтмишда хон ва амирларнинг, олий мартабали шахсларнинг қароргоҳи. Кўрғони — ўрда деб аталган. Ўрдатаги—ўрданинг куйи қисмига, ён томонига жойлашган маҳалла маъносини билдиради. Марғилон шаҳрида ҳам Ўрдатаги деган жой бор.

Ўртақўрғон — Фурқат туманидаги қишлоқ ва маҳалла номи. Атрофи девор билан ўралган мустахкам ҳовли кўрғон деб аталган, бошқа маънолари ҳақида куйида сўз юритилади. Ўрта сўзн бирор объектнинг географик ўрни ўртеда, марказда жойлашганини билдиради. Бундай номлардан Ўртақўча, Ўрта Кўнбирот, Ўрта Ҳўчи, Ўртақишлоқ қабиларни келтирип мумкин.

Қайрма — Қува туманидаги қишлоқ ва маҳалла номи. Фарғона водийсида кенг тарқалган жой номи бўлиб, аслида географик терминдан олинган. Дарё, сой ёки йўлнинг бурилиш жойи шундай аталади. Мазкур ҳудудда жойлашган қишлоқлар Қайрма, Қайлма деб аталган. Бу номи “қайир-сувориладиган ер” ёки уруғ номи деб изоҳловчилар ҳам бор.

Қайнар — Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Ердан отилиб, қайнаб чиқадиган булоқ — қайнарбулоқ дейилади.

Қайрағоч — Учкўприк, Риптон, Қува, Езёнов туманларидаги қишлоқлар. Қайрағоч — ёвочи қаттиқ ва

мустаҳкам, сербарт, гуллари ширали, ёругсевар, кўрөкчиликка чидамли, узоқ яшовчи, манзарали дарахт. Қайрағоч ойқошми “қайрағоч ўсган жойдаги қишлоқ” маъносини ифода қилади. Бундан ташқари, вилоятда Қайрағочвор, Мулла Қайрағоч, Найза Қайрағоч деб ата-лувчи қишлоқ ва кўчалар ҳам қайд этилган.

Қақир—вилоятнинг Кува, Тошлоқ, Учкўприк туманларидаги қишлоқлар номи. Ўзбекистон туманида Даҳанақақир, Ойимчақақир, Қизилқақир деган қишлоқлар ҳам бор. Қирғизистонда ҳам Қақир деган жойлар mavjud. Қақир «сув етиб бормайдиган, қақраб ётган ер» деган маънони англатлади.

Қалайбола — Қувасой шаҳри хулуидаги кирувчи аҳоли масканларидан бири. Тўғриси—Қалъан боло бўлиши керак. Номнинг иккинчи қисмидаги боло сўзи тожикча бўлиб, “юқори” маъносини билдиради. Қалъайиболо “юқори қалъа” дегандир. Қишлоқнинг жойлашган ўрни унинг шундай аталиши учун мезон бўлиб хизмат қилган.

Қалайнов — Риштон туманидаги қишлоқ. Ойқоним уч қисман: қалъа ва фарсча-тожикча изофа кўрсаткичи - и қўшимчаси ҳамда шав (янги) сўзларидан ташкил топган бўлиб, “янги қалъа” деган маънони билдиради. Қалъан шав қисман фонетик ўзгаришга учраб Қалайнов тарзида қўллашиб кетган

Қаландархона — Кўқон шаҳридаги маҳалла номи. Ислом динини тарғиб қилувчи, диний қазаллар ўқиб, дарбадар ҳаёт кечирувчи, тарки дунё қилган киши — қаландар дейилади. Ушбу номни шундай кишилар яшайдиган ёки тўплаванадиган жой билан боғлиқ эканлиги таъкидланади.

Қалъача — Қувасой шаҳри хулуида жойлашган қишлоқ. Вилоятимизда Қалъа, Қалъача топонимлари кенг тарқалган. Атрофи баланд девор билан ўралган кўрөк шундай номланган. Бизнинг таъқиқотларимизга кўра, бундай ном табибий жарғёллар, масалан, сел ва тошқинга қарши чора—тадбир кўрувчи қишлоқларга шисбатан ҳам қўлланган бўлиши мумкин.

Қалинўстин — Кува туманидаги қишлоқ. Топонимнинг этимологияси маълум эмас. Пўстин ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, Пўстинли уруу номи ҳам қайд этилган (С.Қорасев, 2001).

Қамчиғуруш — Тошлоқ туманидаги маҳаллалардан бирининг номи. Қамчин ясаш ва уни сотиш билан шуғулланадиган усталар яшайдиган маҳалла маъносинда бўлиши мумкин.

Қамқирға — Фарғона шаҳар ва Тошлоқ туманидаги маҳаллалар номи. Юкни боғлаш учун эгар орқасига мустаҳкамланган тасма, камар шундай аталади. Мазкур ном гидрологик термин бўлиб, дарё торайиб камар шаклида оққан хулуида жойлашган қишлоқ ва маҳаллаларга берилади.

Қапчуғай — Олтиариқ туманидаги қишлоқ номи. Бу ном Республикамызда кенг тарқалган гидрологик терминдан олинган. Бу сўз мўғул тилида “дара”, “жар” деган маънони билдиради.

Қаҳат—Бағдод туманидаги қишлоқ номи. Бирор нарсани, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини етишмаслиги, тақчиллиги, тошмаслиги ҳолати шундай аталади. С.Қорасев (2001) қаҳат номли уруу номи борлигини таъкидлайди.

Қашқар — Марғилон шаҳридаги маҳаллалардан бирининг номи. Ўтган XIX асрнинг қирқинчи йилларида Шарқий Туркистондан кўчиб келган аҳоли жойлашган масканлар шундай номланган. Вилоятда Қашқари, Қашқарқишлоқ, Қашқармаҳалла, Катта Қашқар, Қурбонқашқар каби жой номлари учрайди.

Қашқакум — Фурқат туманидаги қишлоқ. Бу ойқоним икки қисман: қашқа ва кум сўзларидан таркиб топган. Номнинг биринчи қисмидаги қашқа сўзи ясма сўз бўлиб, қаш ўзағига — қа қўшимчаси қўшилиши орқали вуқудга келган. Ҳозирги вақтда бу қўшимча шу сўзнинг таркибий қисмига айланиб кетган. Таъкидлаш жонани, қадримги туркий

тилда қаш — “тепа, баландлик” маъносини билдирган. Профессор А.К.Борзовичнинг *Урта Осиё тафсири лексикаси*да: ўғанишга оид асарда баён қилинишича, бу сўз XII-XIII аср ёзма ёдгорликларида “тепа” маъносида ишлатилган. Бундан ташқари, шарқшунос олим Л.З.Будимовнинг рус тилида ёзилган “Турк-татар лехикаларининг қиссий дугати” ҳамда академик В.В.Радловнинг “Турк талхжалари дугати таърибаси” асарларида қаш сўзининг “баландлик, тепа, дўнглик” маъноларида қўлланганлиги зикр қилинган. Англияшиладики, ўтмишда қаш, қашқа дейилганда “баландлик, тепа” тушунилган. Бинобарин, Қашқақум — “қум тепа, қумли баландлик, уюм-уюқ бўлиб тўйланиб қолган қумлоқ жой, яланг қум тепалиги” маъносини ифода қилади. Қаш-қадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида ҳам Қашқақум деб аталувчи жой бор.

Қизилмуш — Дангара туманидаги қишлоқ. Баъзан Қизилмушт шаклида янглиш ёзадилар. Тўғриси — Қизилмуш. Ўтмишда Фарғона водийси қипчоқларининг бир уруви қизилмуш деб аталган. Андижон вилоятининг Олтинкўл, Наманган вилоятининг Косонсой туманларида ҳам Қизилмуш қишлоқлари бор. Қайд этилган аҳоли масканлари этноойконимлар ҳисобланади.

Қизилқийёқ — Сўх, Фурқат туманларидаги қишлоқлар номи. Ўсимлик номи билан аталган жой номлари қаторига киреди. Қийёқ — энсиз, кескир баргли кўп йиллик ўсимлик. Қизилқийёқ — бирор уруғ номи ҳам бўлиши мумкин.

Қизилтепа — Олтиариқ туманидаги қишлоқ. Тепа гео-морфологик термин сифатида рельеф шаклини (баланд-ликни) билдиради. Тепаликни ташкил этган жинсларнинг рангига қараб Қизилтепа деб аталган.

Қизилоёқ — Риштон туманидаги қишлоқ номи. Андижон вилоятининг Жалолқудуқ, Мархамат, Пахтаобод, Қўрғонтепа туманларида ҳам шу номдаги қишлоқлар бор. Қизилоёқ — қирғиз қипчоқларининг бир уруғи. Қизилоёқ уруғи, шунингдек, қирғизларнинг кесак, дўтус,

чару қабилалари, қорақалпоқларнинг қўдлови қабилаги ҳамда туркманлар таркибида ҳам қайд қилинган (С.Қораев, 2001).

Қирғили — Фарғона шаҳри яқинидаги шаҳарча. Маҳаллий талаффузда Қирғили дейилади. Кўқон хонлари архивида Қирғил шаклида тилга олинган. Этимологияси янақ эмас. Жанубий олгойликларда кергил уруғи бўлганини ҳисобга олиб, С.Губаева (1983) Қирғилини уруғ номи билан аталган дейди. Ўзбекларда ҳам қирғили (стамғаси қирғи шаклида) деган уруғ бўлган. Қирғили — Қирғили бўлиб ўзгарган бўлиши мумкин.

Қирқлар — Дангара туманидаги қишлоқ. Учкўприк туманида ҳам Қирқ қишлоғи бор. Қирқ — асли ўзбек уруғларидан бирининг номидир. У 92 бовли ўзбек элатига кирувчи уруғ ва қабилалар ичиде минг ва юздан кейинги учинчи катта сон бўлиб ҳисобланади.

Қияли — Дангара туманидаги қишлоқ. Ўзбекистонда кенг тарқалган жой номларидан бири. Гарчи рельеф қиялигига ўхшаб кўринса-да, аслида бу уруғ номи — этнонимдир (С.Қораев, 2001).

Қозикалон — Ўзбекистон туманидаги аҳоли маскани. Ойконим асосидаги қозикалон сўзи ўтмишда, Кўқон хонлиги даврида амал, мансаб номини ифода этган. Қозихона ва маҳкамалардаги ушвон ва амаллардан бири шу сўз билан юритилган. Бу мансабдаги шахс пойтахт ва вилоят марказларидаги қозиларнинг ва қозихона ишларининг устидан назорат қилган. Кўқон хонлиги тарихига оид маълумларда Аҳмад бобо қозикалон, Ҳасан хона эшон қозикалон, Муҳаммад Юсуф қозикалон сингари қозикалонларнинг номлари учрайди. (А.Л.Тронская). Қозикалон қишлоғи қозикалон мансабида бўлган шахсларнинг хусусий, яъни чек ерлари ўрнида ташкил тошган. Маълумларда бу қишлоқ Чеки Қозикалон шаклида қайд этилган. Чеки Қозикалон — “Қозикалоннинг ери” маъносидадир.

Қозоқовул — Бешарик туманидаги қишлоқ. Аҳолининг этник белгисиз кўра номланган. Қозоқовул — «қозоқлар яшайдиган овул» демакдир. Тумандаги Қозоққўрғон ойқоними ҳам қозоқ этнонимидан ном олган.

Қолғандарё — Фурқат туманидаги туғар—жой номи. Мазкур аҳоли маскани Сирдарёнинг эски ўзанида, оқмай қолган қисмида вулдуға келганлиги учун шундай ном олган. Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Андижон вилоятининг Балиқчи туманларида ҳам Қолғандарё деган қишлоқлар бор.

Қорасоқол — Ёзёвон туманидаги қишлоқ. Уруғ номидан олинган. Қора сўзи қатнашган уруғ номларидан Қоратери, Қорахиттой, Қорақушчи, Қорақитчоқ кабиларни келтириши мумкин.

Қоразъбобо — Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Бу номнинг келиб чиқиши тўғрисида турли ривоятлар бор. Уларда қишлоқнинг бундай номланишига Қориниёзбобо сингари исмлар асос бўлган дейилади. Қоразъбобо асида уч сўздан ташкил тошган: қора—ёзи—бобо. Ёзи—қадимги туркий ва эски ўзбек тилида «чўл, дашт» маъноларини ифода этган. «Қора» сўзи қўшилиб, топонимга айланган. У айнан «қора чўл, қора дашт» деган маънони ифода этган. Топоним таркибидagi «бобо» сўзи эса шу жой номига диний тус берилганига ишорадир.

Қорақалтақ — Охулубобоев туманидаги қишлоқ. С.Губаеванинг (1983) ёзишича, қирғиз — қишчоқларнинг бир уруғи қорақалтақ деб аталган.

Қорасув — Фарёна туманидаги қишлоқ. Андижон вилоятининг Қўрғолтепа, Жалолқудуқ, Наманган вилоятининг Наманган, Қосонсой туманларида ҳам шу ном билан атагувчи аҳоли масканлари бор. Булар, аввало, сувлик номи сифатида ариқ, жылға, сой, анҳор номларини билдирган, сўнг қишлоқ номига кўчган. Ер остидан чиқадиган сизот ва булоқ сувлари билан тўйинмадиган сой.

жилғалар—Қорасув дейилади. Буларнинг суви тиниқ, қорамтир тусда бўлади.

Қорақум — вилоятдаги кенг тарқалган қишлоқ ва маҳаллалар номи. Қора сўзи қумнинг рангини эмас, унинг решефи ва хусусиятларини билдиради. Қорақум— кўчмас, ёпишган қум маъносини аниқлатади.

Қува—вилоятдаги шаҳар ва туман номи. Дастлаб «Худуд ал-олам» да сўнра, Истахрий, Ибн Хавқал, Муқаддасий асарларида Қува шаклида қайд қилинган. Урта асрларда Қува алоҳида вилоят пойтахти бўлган ва Фарёнада Аҳснакатдан сўнг иккинчи шаҳар ҳисобланган. Этимологияси аниқ эмас. Лекин Қува деган этноним бўлган. Масалан, XIX асрнинг 50-йилларида Оренбург атрофларида Қува номи қишчоқ уруғи қайд этилган. Қирғизларнинг черик қабиласида ҳам куба деган йирик уруғ бўлган (С.Қораев, 1978).

Қумқишлоқ — Бувайда, Ўзбекистон, Бешарик, Дангара, Ёзёвон туманларидаги қишлоқлар номи. Бу аҳоли масканлари қум билан қопланган, қум туپроқли жойларда ташкил топганлиги учун шундай деб аталган. Вилоятимиздаги Қуммаҳалла, Қумқўча ойқонимлари ҳам туپроқнинг хусусиятини аниқ эътирувчи «қум» сўзидан таркиб топган.

Қурбонқашқар — Утқўприк туманидаги қишлоқ. Қурбон—киши исми, қашқар—этнос ном. Қишлоқнинг бунёдига келишга қашқар уруғига мансуб Қурбон исмли киши асос солган. Шунинг учун киши исми ва лақабидан қишлоқ номи юзага келган.

Қумқияли — Дангара туманидаги қишлоқ. Қияли—ўзбек уруғларидан бирининг номи. Қишлоқ ерлари ўтмишда қум-ликлардан иборат бўлганлиги учун ушбу жой Қумқияли деб юргитилган. Бешарик туманида Қияли қишлови бор.

Қўқон — вилоятдаги қадимий шаҳар. Дастлаб «Худуд

«Ат-олам» да, сўнгра, Истахрий, Ибн Хавқал, Муқаддасий асарларида Хўқанд (Хувоканд) ва Хўқанд шақлларида қайд қилинган. «Бобурнома»да Хўқон ўртини шаклида тилда олинган. Хозирги Қўқон шаҳри тарихий Хўқанд ўрнида XVIII асрда ўзбекларнинг минг уруғи бошлиги Шохруҳ томонидан барло этилган. В.В.Бартольд шаҳар номининг адабий жиҳатдан тўғри шакли Хўқанд бўлиб, Қўқон жонли тилда талаффуз этилишидир деб ёзган.

З.Дўсимовнинг (1977) ёзишича унинг Хўқанд деб айтылишига сабаб шуки, Чодак хўжалари бу ерга келганда, ўйдим-чуқур ерларни кўрган ва буни сабабини сўраганлар. Шунда аёллар «Хўқканд», яъни чўчқалар қовлаган деб жавоб беришган экан. Бу гап мазкур жой номига айланган.

Х.Ҳасинов (1985) Қўқонни «Хўқанд-шамол шаҳри, сершамол паҳар» деб изоҳлайди. Топонимнинг иккинчи компоненти «канд» (қишлоқ), шаҳар маъносидadır. Д товушининг тушиши ўзбек тили учун хос хусусият. Номнинг биринчи қисми қўёки ху «шамол» деган маънони билдиради. Шундай қилиб, Қўқон «шамол шаҳри» деган маънони аниқлатади.

Бизнингча, юқоридаги барча изоҳлар илмий аниқатдан тўла тасдиқланмаган, илмий таҳлилга муҳтождир.

Қўриқ — вилоятдаги қишлоқ ва маҳаллалар номи. Қўриқ-ҳимоя қилинадиган жой, қадимда ўтин олинди-ган, истироҳат ва ов қилинадиган ерлар, яъни кўриқхоналар шундай деб номланган. Бундан ташқари бир вақтлар экин экилиб кейин ташлаб қўйилган ер ҳам қўриқ деб аталади.

Қўрхона — Қўқон шаҳридаги маҳалла. Мазкур ойқо-ним учун асос бўлган сўз «қўр» дур. Қўр сўзи аски ўзбек тилида кенг қўлланган, ҳозир аса деярли истеъмолдан чиқиб кетган. Бу сўз мўвул ва туркий тилларда «ўқ», «қурол» маъноларини ифода этади. Бинобарин Қўрхона ойқономи «қуролхона — ҳарбий аслаҳа сақланадиган жой, оғбор» маъносидadır. Дарҳақиқат, бу ўрин-жой

Қўқон хонлиги даврида ўқ ва бошқа турли хил қурол-яроқлар сақланадиган ҳарбий оғбор бўлган. Шунга кўра у жойлар Қўрхона деб ном олган.

Қўрғон — Фарғона vodiysida кенг тарқалган жой номларидан бири. Атрофи девор билан ўралган мустаҳкам ҳовли қўрғон деб аталади. Қўрғон сўзининг «мозор», «қатъа», «истеҳком», «кўра» маънолари ҳам бор. Водий-даги Бузукўрғон, Қўрғонтепа, Қўрғонариқ, Қўрғонобод, Қорақўрғон, Олтинқўрғон, Оққўрғон, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Тезақўрғон, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Хасанқўрғонча, Ўрақўрғон каби топонимларда қўрғон сўзи юқориданги маъноларда ишлатилган.

Қўчқорчи — Қувасой шаҳар хулудилаги қишлоқ номи. Бу жой номига этимологияси маълум эмас. Топоним-када отта - чи қўшмачаси қўшилиши бирон касб эгасини билдиради. Қўчқорчи — этноним бўлиши ҳам мумкин.

Қўшкечик — Кува туманидаги қишлоқ номи. Ном географик термин бўлиб, «кечув», «келиб ўтмоқ» сўзларидан олинган. Туркий халқлар яшайдиган хулудларда дарёлар-нинг саёроқ, келиб ўтиш мумкин бўлган жойларида ташкил этилган қишлоқлар шу ном билан юритилган. Откечув, Дешткечув каби топонимлар мавжуд.

Газначи — Бувайла туманидаги қишлоқ. Газначи (газиначи) — Қўқон хонлигидаги мансаб ва мавқеи ифода-ловти атамалардан бири. Хон газинасини бошқариб ту-рувчи шахс, газина бошлиғи — газначи деб аталган. Ман-баларда Додхон газиначи, Қирғизбой газиначи, Мишгер газиначи, Мулла Муҳаммад Карим хазиначиларнинг ном-лари учрайди (А.Л.Троицкая). Газначи ойқономи қайд қилинган мансаб номи асосида юзага келган.

Ғиштқўприк — Қўқон шаҳридаги маҳалла. Маҳалла шу ердан оқиб ўтадиган қатта сой устига қурилган қўприк номи билан юритилган. Номланишига кўприкнинг қурилиш материали — гипсдан қилинганлиги, ясалганлиги асос бўлиб хизмат қилган. Рус олими А.Ф.Федченконинг

ёзишча, мазкур ишшоот Кўқон хоши Мадалихон даврида Хўжа Қушбегни томонидан кўририлган. Ўрни келганда айтин зурурки, вилотиимизда кўприк номларнинг аҳоли турар жойлари — қишлоқ, маҳалларга ном бўлиб ўтиши бирмунча кеш тарқалган. Тахтакўприк (Кўва тумани), Тошкўприк (Ўзбекистон тумани), Қўшкўприк (Дангара, Охунбобоев туманлари), Баландкўприк (Кўва, Топлоқ туманлари) Учкўприк (Учкўприк тумани), Кўприкбоши (Қувасой шахри) ойконимлари шулар жумласидадидир.

Ғишгмон — Охунбобоев туманидаги қишлоқ номи. Ушбу ойконим Кўқон хонлиги тарихига оид манбаларда Ҳишгмаид шаклида қайд қилинган. Топоним форсча тожикча хишт ва манд моремаларидан таркиб тошган. Қолли ёрдамида лойдан тўртбурчак шаклида қуйиладиган қурилиш материали маъносини ашлатувчи хишт лексемаси ўзбек тилига ғишт шаклида ўзлашган. - Манд асосдан аниқлашилган нарсга эгаликни ифодалайдиган кўшимча ҳисобланади. Вақт ўтиши билан ном таркибида рўй берган товуш ўзгаришлари натижасида топоним Ғиштмон шаклига келиб қолган. Ғиштмон-ғишти, ғишт яширилган жой, ғишт ишлаб чиқариладиган жойдаги қишлоқ маъносини аниқлатади. Бундай мазмундаги ойконимлар бошқа хулудларда ҳам учрайди. Профессор Т.Нафасовнинг ёзишича, Қашқадарё вилотиининг Косон туманида Ғишман, Қамати, Чироқчи туманларида Ғишти деган қишлоқлар бор.

Ғозиёғлиқ — Кўқон шаҳридаги маҳалла. Базилар бу ерда илгари кўплаб ғозлар боқилган, улар семиз, ёғли бўлган, шунинг учун маҳалла Ғозиёғлиқ номини олган деб тушунтиришади. Бу топонимнинг ташқи (товуш) томонига қараб изоҳлаш натижасидир. Аслида маҳалланинг номланишига Ғозиёғли сўзи асос бўлган. Ғозиёғли — ўзбек уруғларидан бирининг номи. Бу этноним азалдан тамга номи асосида юзага келган. Бу уруғ тамғасининг шакли, ўзгариши ғоз оёғи (палжаси) га ўхшаш бўлган. Ғозиёғли товуш жиҳатидан ўзгариб Ғозиёғлиқ шаклида жой номига

айланган.

Қорақўпчи — Охунбобоев туманидаги қишлоқ. Базан Қорақўшчи шаклида нотўғри ёзадилар. Қорақўшчи—этноним; қўшчи уруғининг бир тармоғи. Қишлоқ аҳолининг этник мансублигига кўра шундай ном олган. Вилотиимизнинг Фурқат туманида ҳам Қўпчи қишлоғи бор.

Қудуқлиқ — Дангара туманидаги қишлоқ. Жой номи сув олиш учун қазилган тор ва теран чуқурлик маъносини билдирувчи қудуқ сўзига — лик, кўшимчасини кўпиш орқали ясалган. Қудуқлиқ — “қудуғи бор жой, қудуқли қишлоқ” тушунчасини ифода қилади.

Ғумайли — Дангара туманидаги қишлоқ. Ойконим ғўмай сўзи ва — ли кўшимчасидан таркиб тошган. Ғўмай — болоқўлликлар оиласига мансуб, қиёқ баргли, пояси туксиз, илдивидан кўпаядиган, бўйи 1-2 метргача ўсадиган кўп йиллик бетона ўт, -ли кўшимчаси жамлик маъносига эга. Ғўмайли—“ғўмай кўп ўсадиган жой” демакдир.

1. Қаримов И.А. Юксак маънавият—ешилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
2. Қаримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Ахмададиев Ю. Анди—ттинган демак// Фан ва турмуш, 1997, №1.
4. Ахмададиев Ю., Комилова Н. Манзиллар. Номлар. Маънолар. - Фаргона, 2005.
5. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. Т.: Абдулло Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1992.
6. Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (письменные памятники) Т.:Фан, 1985.
7. Барашков В.Ф. Знакомые с детства названия. - М.: Просвещение, 1982.
8. Бондарский М.С. Географик номлар рўйхати. - Т., Олий ва ўрта мактаб, 1961.
9. Губаева С. Этноческий состав населения Ферганы в конце XIX—начале XX в.Т.: Фан, 1983.
10. Гумилев Л. Этногенез и биосфера земли. -Д.: Гидрометеоиздат, 1990.
11. Далабоев Я. Хўқанди латиф маҳалалари ва кўчаларининг номлаши тарихи. “Фаргона” нашриёти, 2007.
12. Дошпёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Т.: “Фан” 1968
13. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. - Т.: Ўқитувчи, 1977.
14. Исмилганин маъноси нима? Масъул муҳаррир: Ш.Шоабдурахмонов.Т.: “Фан” 1968.
15. Мурзасв Э.М. Словарь народных географических терминов. -М.: Мысль, 1984.
16. Мурзасв Э.М. География в названиях. - М.: Наука, 1979.
17. Набиев Р.Н. Из истории Какацского ханства., Т.: “Фан” 1973.
18. Никонов В.А. Введение в топонимику. - М.:Наука, 1965.
19. Никонов В.А. Краткий топонимический словарь. - М.: Мысль, 1966.
20. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номлаши хусусиятлари. -Т.:Фан, 1989.
21. Охунов Н. Жой номлари таъбири. Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
22. Охунов Н. Ўзбекистон топонимияси. — Қўқон: ҚДШИ. 2005.
23. Поспелов Е.М. Топонимика в школьной географии: Пособие для учителей. -М.: Просвещение, 1981.
24. Сулперанская А.В. Что такое топонимика? М.: Наука, 1984.
25. Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. М.: “Наука”, 1968.
26. Хасанов Х. География номлар сири. -Т.:Ўзбекистон, 1985.
27. Хасанов Х. Ер тили. -Т.: Ўқитувчи, 1977.
28. Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа Т.: «Фан» 1974.
29. Эгамназаров А. Сыз билган Дукчи эпон. -Т.: Шарқ, 1994.
30. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
31. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби туърисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9.

32. Қаҳҳор Тоҳир. Хур Туркистон учун. -Т.: Чўпон, 1994.
33. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? -Т.: Ўзбекистон, 1970.
34. Қораев С. Географик номлар маъноси. -Т.: Ўзбекистон, 1978.
35. Қораев С. Ойқошимия Ўзбекистана. Автореферат докторской диссертации. -Т.: 1998.
36. Қораев С. Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати. -Т.: Ўзгеодез-кадастр. 2004.
37. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
38. Қораев С. Топонимика. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2006.

Мундарижа

Кириш	3
Топонимика — жой номларини ўрғанувчи соҳа.....	8
Топонимлар пайдо бўлишининг географик жihatлари	19
Топонимика ва тилшунослик.....	26
Ойқошимлар ва уларнинг энг муҳим белгилари.....	31
Гидроойқошимлар	37
Ороойқошимлар	41
Фитоойқошимлар	43
Антропоойқошимлар	46
Этноойқошимлар	50
Иқтисодий турмушни акс эттирувчи ойқошимлар.....	58
Ойқошимларнинг грамматик тuzилиши ва ясалishi ..	61
Фарғона вилояти ойқошимларининг қисқача изоҳли луғати.....	66
Адабиётлар	120

Илмий - оммабоп нашр

Н.Охунов, Ю.Аҳмадалиев

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
ОЙКОНИМЛАРИНИНГ
НОМЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Муҳаррир: Т.Жўраев
Тех.муҳаррир: С.Жўраев
Дизайнер: Ж.Ақбаров
Мусаҳҳиҳ: Т.Ақбарова

Босишга рухсат этилди: 26.06.2010 йил.
Бичими: 84x108^{1/16}. Нашриёт босма табағи: 7,5
Шартли босма табағи: 7,75. Адади 300 нусха.
Буюртма №48.

«ФАРҒОНА» нашриёти.
150114. Фарғона шаҳри, С. Темур кўчаси, 28-уй.

«ЖАҲОННАШРИЁТ» ХК босмахонаси.
150114. Фарғона шаҳри, Герцен кўчаси, 2-уй.
Лиц. № 22-1568. 2007 йил 27 июль.